**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

УДК: 728.3 Қўлёзма ҳуқуқида

**РУСТАМОВА ДИЛБАР**

# Самарқанднинг XX аср бошидаги шахарсозлик режавий анъаналарини илмий тадқиқ қилиш ва улардан замонавий шаҳарсозликда фойдаланиш бўйича таклифлар бериш

5А340102-“Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш” мутахасислиги бўйича

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий рахбар : арх. номзоди проф.Пўлатов Х.Ш**

Самарқанд 2017

**МУНДАРИЖА**

**КИРИШ**

**I БОБ. Самарканд шахрининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошидаги шаҳарсозлик режавий тизими……………………………….**

**1.1.** Шахар ва унинг атрофи тавсифи…………………………………………

**1.2.** Шахар қитъаларинингумумий тавсифи……………………………...

**1.3.** Махаллалар ва гузарлар…………………………………………………

I боб хулосаси…………………………………………………………...

**II БОБ.Шахарсозлик марказлари тавсифи…………………………… .**

**2.1.** Умумий шаҳар марказларининг мемориий шахарсозлик ечими……

**2.2.** Шаҳарсозлик булинмалари марказлари ва уларга хос хусусиятлар..

**2.3** Самарқандда чор Россияси даврида шахарозликнинг ривожланиши…...

II боб хулосаси……………………………………………………...............

**III БОБ.Анъаналар…………………………………………………….....**

**3.1.** Шаҳарсозлик режавий тизимини такомиллаштириш……………....

**3.2.** Маҳаллалар архитектурасининг истиқболдаги тараққиёти………...

**3.3** Самарқанд шаҳарсозлигида меъморий комплекс ва ансамбллар........

III боб хулосаси…………………………………………………….............

**IV БОБ. Мавжуд шахар созлик ва меъморий анъаналардан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар**

Якуний хулосалар, диссертация натижалари ва таклифлар……..............

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ........................................................

**Иловалар**.........................................................................................

# Кириш

> Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам қалбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани эди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар ҳаёлимизда намоён бўлади.
>
> Ислом Каримов

**Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидаги пасёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тўғрисида»ги бир қатор қарорлар қабул қилинди. Айниқса 2009 йилни юртбошимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда шаҳар ва қишлоқларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда [6;7]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2010 йилдаги «Қишлоқ жойларда шахсий уй қурилишини намунавий лойиҳалар асосида кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида» ги Қарори хам шахарсозлик қурилишни ривожлантиришда муҳим силжишларга олиб келади [1;2].Бугун Самарқанд шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳарнинг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Янги турар-жой, маъмурий бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб,

атрофи обод этилаётир. Бу янгилик ва ўзгаришларга барчамиз гувоҳ бўлиб, қадимий шаҳримизнинг тарихий улуғлигига мос равишда кун сайин замонавий ва кўкамлашиб бораётганлигини кўриб қалбимиз ғururга тўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27-январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29-январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" мавзуларидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган муаммонинг ечимларини топиш ва уни ҳаётга оғишмай жорий қилиш республикамиз ва Самарқанд шаҳри архитекторлари ва бу соҳа мутахасислари олдига катта вазифалар қўйди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган Самарқанд шаҳрининг ташқи қиёфаси, очиқ муҳитлар архитектурасини Самарқанднинг XX аср бошидаги шахарсозлик режавий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Самарқанд шаҳри шахарсозлигининг бугунги ҳолатига холисона баҳо бериш, унинг келажакдаги тараққиётини тўғри белгилаш учун бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниши, умумлаштирилиши ва тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Мустақиллик йилларига ҳали кўп вақт бўлмасада, бу даврда бажарилган бунёдкорлик ишлари, меъморчилик санъатининг илғор йўналишлари ва камчиликлар аниқланиши, таҳлил қилинмоғи ва холисона баҳоланмоғи зарур. Тўғри, 20 йил ичида Самарқанд шахарсозлигининг фавқулотдаги илғор йўналишлар ва бадиий-меъморий услубларнинг шаклланиб улгуриши қийин албатта. Бироқ, бу даврда бундай йўналиш ва анъаналарнинг тамал тоши қўйилган, уларни таҳлил қилиш ва ўрнатиш учун етарли даражадаги асослар йиғилган. Биз ана

шу имкониятларни ҳисобга олиб мазкур диссертациянинг тадқиқот объектларини, предметини, мақсадини белгилашга ва мавзунинг долзарблигини асослашга муяссар бўлдик. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидaнок халк хужалинининг барча тармокларида янги ва замонавий технологияларни, фан –техника ютуқларини, илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмокда. Барча сохалар каби санъат, архитектура, шахарсозлик сохалари хам ривожланмокда. Кундан кун бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда кўпдан-кўп иқтисодиётга оид масалаларни тез ва самарали ҳал қилиш, шу жумладан, шахарсозлик анъаналарини замонавий илғор талаблар асосида илмий аниқлаш ва янгича ечимга эга таклифларни олга суриш долзарб ахамиятга эгадир. Маълумки Самарқанд ўзининг тарихий обидалари, ажойиб иқлим шароити хамда мехмондуст халки туфайли хаммма даврларда кўплаб подшоху алломалар орзу килган шахар сифатида эътироф этилиб, шарқ гавхари, руйи замин сайкали сифатида тан олинган диёрдир. Шахримиз бугунги кунда хам туристларнинг диккат марказидаги маскан бўлиб келмокда. Бунда албатта, шахар архитектураси ва гузал шахарсозлик ечимлари, меъморчилик ва ландшафт тузилмасининг хам урни бекиёсдир. Мавзуниг долзарблиги шундаки, биз ёш – меъморлар шундай имкониятлар шароитида яшар эканмиз, шахримизнинг янада гузал ва ободонлиги йулида барча куч ғайратимизи сафарбар этмоғимиз лозимдир. Бунинг учун шаҳарсозлик тарихини яхши билишимиз ва уни такомиллаштириб, халкаро талабларига жавоб бера оладиган янги гоя ва таклифларни олға суришимиз лозимдир.Шунинг учун қўйилган мақсад ва вазифалар назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** *Тадқиқот объекти* Самарқанд шаҳрининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошидаги шахарсозлиги ва очиқ муҳитлар архитектураси, боғ – парклар, пиёда кўчалар, скверлар, хиёбонлар, бульварлар, майдонлар, магистрал кўчалар.

*Тадқиқот предмети* Самарқанд шаҳри шахарсозлик режавий анъаналари ва уни шакллантирувчи омиллардир.

**Диссертациянинг мақсади ва тадқиқотнинг вазифалари.** *Тадқиқотнинг мақсади* Самарқанд шаҳрининг XX аср бошидаги (Собиқ Иттифоқ даври) шахарсозлик меросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Самарқанд шаҳри замонавий шахарсозлик архитектурасининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. *Тадқиқотнинг вазифалари* Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат бўлди:

-Самарканд шахрининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошидаги шахарсозлик режавий тизимии ўрганиш;

-Шахарсозлик марказлари тавсифи;

-Шахарсозлик режавий тизимини такомиллаштириш;

-Самарқанд шаҳрининг Собиқ Иттифоқ давридаги шахарсозлик анъаналарини ёритиб бериш, бу соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликларни очиб бериш;

- XX аср бошидаги шахарсозлигининг типологик хусусиятларини ўрганиш;

-Самарқанд шаҳри замонавий шахарсозлигининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Илмий янгилиги.** Мазкур ишда Самарқанд шаҳрининг шахарсозлик ечимлари илк бор магистрлик диссертация шакли ва ҳажмида илмий тадқиқот остига олинган ва, энг муҳими, унда Самарқанд шаҳри замонавий шахарсозлик архитектурасининг истиқболли йўналишлари илк бор аниқланган ва уларни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Диссертация мавзуси бўйича танланган илмий услубларни қўллаб, таклиф этилаётган ва

олға сурилаётган фаразни исботлайдиган натижалар асосида тасдиқловчи материаллар маълум тизимга солинади. Самарканднинг бой тарихий тадрижий шахарсозлик хусусиятларини баҳолаш ва унинг асосини ташкил этувчи воситаларнинг ривожланиш йўллари, методлари ва усуллари ишлаб чиқилади. Шахарсозлик режавий тизимини такомиллаштириш ва яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.

Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш учун аввaламбор, шахар ва унинг атрофи тавсифи, китъаларнинг умумий тавсифи, гузарларга бағишланган илмий техник адабиётлар қисқача таҳлил қилинади. Натижада умумий шахар марказларининг меморий шахарсозлик ечими, Махаллалар архитектурасининг истикболдаги тараккиёти усуллари ўрганилади ва самарали деб ҳисобланган усул назарий жиҳатдан ёритилади.

**Тадкикот мавзуси буйича адабиётлар шархи** (тахлили). Самарқанд шаҳрининг тарихини ўрганишга кўзга кўринган омиллардан В.Л. Вияткин, В.В. Бартольд, М.Е.Массон, Я.Г. Гуломов, Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель, О.А. Сухарова, А.А. Саменов, П.З. Зохидов, М.К. Ахмедов ва бошкаларнинг илмий ишлари богишланган. Бу борада хориж муаммо алломаларининг юзлаб асарлари бор.

Узбекистон анъанавий шахарсозлик ва иморат курилиши тажрибаси умулаштириш ва тарихий ривожланишини урганишга Р.Р. Абдурасулов, В.А.Вороника, В.Д. Димитриев, П.Зохидов, И.И. Ноткин, В.А. Нильсин, С.Н. Полупонов, В.А. Лавров, Р.Т. Тоштемиров ва бошкаларнинг илмий ишлари багишланган.

Узбекистон тарихий шахарларини кайта тиклаш муаммоларга оид асарлар ичида Р.Р.Абдурасулов, В.А. Лавров, А.А. Шукуров, П.З. Зохидов, И.И. Ноткин, М.К. Ахмедов, Р.Т. Тоштемиров, Рахимов К.Ж. ва бошкаларнинг илмий ишлари диккатга сазовордир. Диссертацияда кўтарилган мавзу архитектура назарияси ва тарихи, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва моддий

маданиятимиз соҳаси билан боғлиқ илмий адабиётларда у ёки бу даражада ўрганилган бўлса-да, алоҳида диссертация кўринишидаги тадқиқот сифатида шу чоққача илмий жиҳатдан кенг қамровли ўрганилмаган. Биз ўрганаётган соҳага таалуқли илмий ишлар Массон Е.М, Ремпель Р.И, Нильсен В.А, Крюков К.С, Негматов Э.Н, Ахмедов М.К, Нозилов Д.А, Қодирова Т.Ф, Уралов А.С, Рахимов К.Д, Л.А.Адилова каби олимларнинг ишларида учрайди. Бироқ, таъкидлаш керакки, ушбу олимларнинг ишларида ҳам бизгача сақланмаган Самарқанднинг XX аср бошидаги шахарсозлик архитектураси масалалари, айниқса, Мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ёки оширилиш керак бўлган ишлар таҳлилига тўхталиб ўтилмаган. Президентимиз И.Каримов ҳар сафар Самарқандга ташриф буюрганларида нафақат шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, балки шаҳар архитектураси, шаҳарсозлик муаммоларига ва ландшафт меъморчилигининг савиясини ошириш, шаҳарни туристлар шаҳрига айлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтадилар [1,2]. Бу эса мазкур диссертациянинг мақсад ва вазифаларини асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотда кулланиладиган методиканинг тавсифи.** Мавзуга тегишли тарихий манбалар, махсус илмий адабиётлар, график материаллар, бизгача сақланган тарихий шахарсозлик анъаналарини ўрганиб, илмий таҳлил қилиб, графоаналитик усулда таққослаб, уларни умумлаштириш ва шу асосда илмий хулосалар, назарий ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқишдир. Хамда Самарқанд шаҳри шахарсозлик анъаналарини амалда ўрганиш, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, республикамиз пойтахти Тошкент ва жаҳоннинг тарихий марказлари шахарсозлиги илғор анъана ва йўналишларини комплекс ўрганиш ва умумлаштириш.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** *Назарий аҳамияти* Ўзбекистон архитектурашунослик фани диссертация савзусида кутарилган ва ундаги муаммолар ечимига багишланган илмий асар ёки ишлама сифатида тулдирилади ва бойитилади, бу сохада келгусида бажариладиган янада чукуррок ва бажаришга архитектура тарихи ва

назарияси меъморий ёдгорликларни таъмирлашва тиклаш буйича илмий монографиялар ёзишга асос булиб хизмат килади.Мазкур диссертация ютуқлари, шунингдек, бўлажак архитекторлар ва ландшафт архитекторларини тайёрлаш таълим тизимида ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, тадқиқот натижаларини “Архитектура” таълим йўналишида ва мутахассислиги бўйича ўқиётган талабаларга ”Тарихий шахар марказларини тиклашнинг илмий асослари”, “Ландшафт архитектураси тарихи ва назарияси” каби фанларни ўқитишда ҳамда бу соҳадаги дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий тадқиқотлар, монографиялар тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир. *Амалий аҳамияти* Самарқанд шаҳри шахарсозлик анъаналарини юқори даражага кўтариш ва уларнинг меъморий – бадиий ва композициявий ечимларини такомиллаштириш орқали шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари, сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Магистрлик диссертация иши кириш ва 4 та бобдан иборат бўлиб, ------та жадвал, ------ та расм, хулоса, интернет маълумотлари, адабиётлар рўйхати мавжуд. ------та адабиётдан фойдаланилди. Ишнинг ҳажми ___ бетдан иборат. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди. Магистрлик диссертацияси мавзуси асосида тадқиқот олиб бориш жараёнида 4 та илмий мақолалар чоп этилиб, республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинди.

**I БОБ** да Самарканд шахрининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошидаги шашарсозлик режавий тизими урганилиб имий тадкик килиади. Унда шахар ва унинг атрофи тавсифи, китъаларнинг умумий тавсифи, гузарлар хакида маълумотлар батафсил баён килиниб, таклиф ва хулосалар чикарилади.

**II БОБ**да Шахарсозлик марказлари тавсифига тухталиб утилади. Умумий шахар марказларининг мемори шахарсозлик ечими, шахарсозлик булинмалари марказлари ва уларга хос хусусиятлар баён килиниб илмий урганилиб, тегишли хулоса ва таклифлар чикарилади.

**III БОБ**да Анъаналар, шахарсозлик режавий тизимини такомиллаштириш, махаллалар архитектурасининг истикболдаги тараккиёти каби масалалар юзасидан замонавий илмий асосланган таклиф ва мулохазалар игари сурилади, хамда хулосалар чикарилади.

**Хулоса кисмида**диссертациянинг якуний хулосалари, олинган илмий натижалар ва таклифлар берилган.

# I БОБ.
# САМАРҚАНД ШАХРИНИНГ XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XX АСР БОШЛАРИДА ШАХАРСОЗЛИК РЕЖАВИЙ ТИЗИМИ

## 1.1 Шаҳар ва унинг атрофи тавсифи

Самарқанднинг архитектура ҳудудий шаклланиши шуни кўрсатадики, эски Самарқанд XIX аср XX бошларида, шаҳарнинг турли қисмлари ёзма археологик маълумотларга кўра таъмирланган.Шунинг учун бу давр шаҳарсозликда алоҳида давр сифатида ўрганилади. Бунда шаҳарнинг асосий йўналиши ўзгармаган. Марказий Осиёнинг Бухородек кўхна шахридан фарқли разишда Самарқанд ўз жойлашувини ўзгартирган. (Марв, Тошкент ва бошқа шахарлар каби). Араблар босқинидан сўнг шахарни жойлаштиришда 2 та фактор асосий рол ўйнаган. Бўлғуси эски шаҳарнинг ҳудудидаги дарвозалар ва шаҳарнинг паст баландлигидан иборат релефидир. Бу даврдаги шахар хажми уни атрофини ўраб турган йирик ариқлар билан белгиланган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида келиб ески шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва бу ерда бунёд этилган янги кварталлар емирилиб кетган эски мудофаа деворлари хисобига амалга ошди. Бу ерда янги маҳаллалар пайдо бўлди. Самарқандни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX асрнинг охирларида бошланган эди. 1895 йилда шарқшунос олим В.В.Баршолдшшт ташаббуси билан тузилган “Туркистон археология хаваскорлари тўгараги" аъзолари Самарқанддаги Афросиёбни кўп асрлар хазинаси деб қараб, унда кенг кўламдаги археологик қазишма ишларини олиб бордилар. Афросиёб Самарқанд шаҳрининг қадимий қолдиқлари, узоқ асрлар давомида 10-15 метр чуқурлиқда кўмилиб кетган археологик қазилмалари билан машҳур, қадимий ахолиси VI-VIII асрларда ҳозирги Самарқанд шаҳри яқинидаги тепаликларда, тахминан 2кв км майдонда яшаган. В.Л.Вяткин, Н.И.Веселовскийпар ўтказган археологик қазишмалар натижасида турли хилдаги қадимий буюмлар топилиб музейга берилди. 1908 йилда В.Л.Вяткин Самарканд чеккасида жойлашган Улуғбек расадхонасининт ўрнини аниқлади ва қазиш ишларини ўтказди. Натижада

расадхона ҳаробаси ҳамда унинг ер остидаги бутун қолган қисми қазиб очилди. Ўша даврдан бошлаб Ўрта Осиё халқларининг қадимий маданий меросини ўрганишда дастлабки қадамлар қўйидди. 1 912—-13, 1929—30 йилларда В.Л.Вяткин; 1912 йилларда М.Е.Массон Афросиёбда казиш ишларини олиб бордилар. А.И. Тереножкин 1945—48 йилларда Самарканд 2500 йиллик тарихга эга деб белгилади; шахар тарихи даврлаштирилди. 1950-йиллардан бошлаб Афросиёбда мунтазам археологик қазишмалар ўтказиш, айниқса, 1958-йилдан В.А. Шишкин раҳбарлигида, 1966 йилдан бошлаб эса Я.Ғ.Ғуломов бошчилигида фаоллашди. Афросиёбни ўрганиш ишлари кўламини кенгайтириш максадида, 1966 йилда доимий ҳаракатдаги Афросиёб комплекс археология экспедитсияси ташкил этилди. 1970-йилда Самаркандда Узбекистон ФАнинг мустакил Археология институти ташкил этилиши Самарканддаги археологик қазишмаларни янада кенг кўламда олиб боришга имконият яратди. Археологик казишмалар натижасида Самарканднинг ёши аникланди ва 1970 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. 1971—77 йилларда Ш.Тошхўжаев, 1978—85 йилларда Г.В. Шишкина қазишма ишларини олиб бордилар. Мустақиллик йилларида археологик казиш ва илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш максадида франсиялик академик,шарқшунос археологлар Пол Бернар ва Франс Грене, узбек археолог олимлари проф. М.Исомиддинов, А.Анорбоев ва тадқиқотчи А. Отахўжаевлар билан ҳамкорликца ишладилар. Натижада, Афросиёбдаги энг куйи маданий қатламларни ўрганиш жараёнида ер сатҳидан 10-15 м чуқурликда мил. ав. IX—VII аср ўрталарига оид ашёлар топилди. Булар кўлда ясаб рангли нақш берилган сопол идишларнинг парчалари ва шунингдек, гуваладан тикланган 7м қалинликдаги мудофаа devори қолдикларидир. Афросиёбнинг 19 гектарлик арк қисми девор билан бутунлай ўраб олинган. Афросиёбнинг бошқа жойлари ҳам текшириб кўрилганда қуйи қатламларидан шунга ўхшаш ва мил. ав. 9—8-асрларга оид ашёлар топилди. Афросиёбдан топилган ушбу намуналар Франсияда радиокарбон тадқиқот

усулида ўрганилиб, улар мил. ав. VIII асрга, аниқроги 2750 ёшга тааллукдилиги исботланди.

Самарқанд бунёд бўлганидан буён у Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий хаётида катта мавқега эга бўлиб келди. Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги. Бу ерда кадимдан ҳунармандчиликнинг шойи тўқиш, машҳур Самарқанд коғози ишлаб чиқарилиши, кулолчилик, темирчилик, новвойлик, қандолатчилик, бадиий каштачилик ва бошқа турлари ҳамда савдо-сотиқ ишларининг ривожига туртки бўлди Самарқандда қадимдан равнақ топган ҳунармандчилик турлари маҳалла гузарларни номларида сакланиб колган, масалан: „Сўзангарон" (игна тайёрловчилар), „Камонгарон (ўқ-ей ясовчилар) ва бошқа номлар хозирги кунгача етиб келган.

1841—42 йилларла Бухорога Россия элчиси қилиб юборилган шарқшунос Н.ВХаниковнинг ёзишича, ўша вақтда Самарканд баланд девор билан ўрапган бўлиб, унинг 6 та дарвозаси: Бухоро, Пайкобод, Шоҳизинда, Қаландархона, Сўзангарон, Хожа Ахрор бўлган. Кечалари шаҳарга кириб чиқиш такиқланган. Шаҳар деворининг айланаси 13,9 км, унинг умумий майдони эса 10,4 км$^2$ни ташкил килган. Шаҳарда жуда кўп бог, ариқзовур ва ҳовузлар, иккита ғиштин карвонсарой ва учта ҳаммом (2 таси Хожа Ахрорҳаммомлари, биттаси Мири ҳаммоми) фаолият кўрсатган. Кўчалар шаҳарнинг 6 тадарвозасини Регистон майдони билан боглаган. Бибихоним масжиди билан Чосу ўртасидаги кўча анча серқатнов бўлган. Қўрғон шаҳарнинг ғарбий қисмида бўлиб, унинг узунлиги 3,2 км ли ташқи девори ва иккита дарвозаси бўлган. Қўрғонда ҳоким сарой сипохилар яшайдиган уйлар жойлашган. Шаҳар ахолисининг сони 25—30 мингга етган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва хукумати раҳбарлигида мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳридаги архитектура ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлаш, айниқса эски шахар қисмини қайта куриш ва таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Темурийлар сулоласи яратган архитектура ёдгорликлари Миср, Хитой, Ҳиндистон, Гретсия,Италия каби давлатларда яратилган архитектура обидаларидан асло қолишмайди.

Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ўз битикларида Самарқанд ҳақида қуйидагиларни ёзади: *“Темур бу шахарнинг гуллаб яшнашини хохларди, у кайси юртни эгалламасин, у ердан одамларни бу ерга яшаши учун олиб келар, айникса турли усталарни йигишга харакат киларди.”*

## 1.2 Қитъаларнинг умумий тавсифи

Манбаларнинг гувохлик беришича, Х1Х аср охири ва ХХ асрнинг бошларида Самарканд шахридаги уйлар асосан бир каватли булиб, улар пахса ва хом гиштдан ясалган. Уларнинг деворлари эса сомонли лой билан сувалган. 1910 йилга келиб шахарда 89.700 киши яшарди. Бу ерда 6185 та уй, 28 та карвон сарой хамда 105 та масжид мавжуд эди. гоБу ерда ахоли яшайдиган мавзелар дахалар ёки китъалар деб юритилар ва улар 4 кисмга булинган эди. Бу китъаларнинг хар бири таркибига унлаб гузарлар, яъни кварталлар кирарди. Махаллий яхудийлар яшайдиган гузарлар эса «Махаллаи-Джугуто» деб аталарди.

Бу ерда жойлашган тураржойлар, уйлар Урта Осиёнинг бошка шахарларига нисбатан кескин фарк киларди. Улар ёзнинг жазирамасида салкин, кишда эса иссик саклаши билан бирга миллий меъморчилик анъаналарига мос равишда курилган эди. Гузарлардаги уйлар асосан айвон, мехмонхона, омборхона, бостирма, ертула, ёток учун мулжалланган хоначалардан иборат эди. Ертулаларда озик овкат захираси сакланса, бостирма уй хайвонлари учун хизмат киларди.

XIX асрнинг охирларида шахарнинг Зомини, Пастгузар, Хавоси каби гузарлари асосан айлана уйлардан иборат эди. Тупрок ва лойдан курилган

турт эшикли бу уйлар «чордара» деб аталарди. Кишда бу эшикларнинг учтаси ёпик турса, ёз ойларида хар туртталаси хам очик турар, ундан кираётган шабада уйнинг салкин булишини таъминларди.

Бойлар, савдогарлар, мулкдорларнинг уйлари анчагина хашаматли эди. Улар орасида вино савдогари Д. Филатовнинг уйи алохида ажралиб турарди. 1911-1916 йилларда мухандис Г. Неле томонидан бунёд этилган бу кошонада европа архитектураси миллий анъаналар билан уйгунлашиб кетганди. Аммо бундай уйлар гузарларда саноқлигина бўлиб, гузарнинг асосий қисми оддий аҳолининг ночор кулбалари, хунармандларнинг ўртамиёна уйларидан иборат эди.

Тураржойлар, уйлардан ташқари шахар гузарларида эски мактаблар хам мавжуд бўлиб уларда ўкийдиган ўғил болаларга асосан араб алифбосида диний таълим бериларди. Кизлар аёл укитувчилар томонидан хусусий уйларда ўқитиларди. Уларга ҳам Куръони каримнинг оятлари ўргатиларди.

Гузар кўчалари битта қўқон арава сиғадиган кенгликда бўлиб, уларга тош ёткизилар, айримлари эса қишда лой, ёзда чанг эди.

Самарканд гузарлари ҳакида гап кетганида уларнинг бошка шахарларга ухшамайдиган бир жихатига эътибор каратиш жоиз. Бу ердаги купчилик гузарлар у ерда истикомат килувчи хунармандларнинг касбига ишора тарзида номланган. Масалан, каштачилик, этикдузлик билан шугулланувчилар яшайдиган гузар Сузангарон деб аталган. Сузангарон - мато билан игна деган маънони англатади. Ёки кулол усталар жойлашган махалла Кулолон деб номланган. Гузарларда жойлашган уйларга хос яна бир хусусият – уларда ташки кириш қисми дарвозахоналарнинг мавжудлигидир. Дарвозахона олдида эса ўтириш учун супача бўлган. Ўзига тўк оилаларда супача ўрнига темир каравотлар қўйилган бўлиб, улар ёзнинг жазирама иссиғидан сақланиш учун хизмат килган.

Ташкари ховлида мехмонхона жойлашган бўлиб, мехмонхона ва турли максадларга хизмат қилувчи айвонлар ва бостирмалар, ёртулалар булган. Агарда бу уйда хунармандлар яшаса, ертулаларда уларнинг устахоналари

жойлашган. Агар ховлида от ёки моллар бўлса,улар учун саисхона ва оғилхоналар хам қурилган. Ички ховлида эса, турли яшаш хоналари, айвонлар, ёзги ва қишки ошхоналар мавжуд бўлган. Ошхонада эса овкат тайёрлаш учун иккита учок:оштони, ошпази, хамда нон ёпиш учун тандир курилган. Айрим холларда эса чой кайнатиш учун кичик учок хам курилган. Бу ўчоқнинг устида эса, сув тўлдирилган офтобани дастасидан илиш учун кундаланг холда металл темир урнатилган.

Ўчоқлар шундай қўрилганки, уларнинг ёнида турли махсулотларни куйиш учун супачалари хам бўлган. Агар катта учокда ёнаётган олов унга махсус куйилган туйнукдан ташкарига чикадиган бўлса, ўша туйнук ёнига офтоба қуйилган. Натижада битта учокда ёнган оловдан овқат хам пишган чой хам кайнаган. Учоқ атрофини эса қозонни ушлаб туриш учун махсус қаттиқ ғишт ёки тош билан мустахкамлашган. Ошхонадаги махсус супага урнатилган тандир эса горизонтал холатда бўлиб, унинг тешиги нон ёпаётган аёлнинг кукрагига тугри келган. Тандирнинг икки ёнидаги тешигига махсус туйнукчалар куйилган. Тандир ёнига товукхона-катаклар курилган. Тандир тепасидаги томга куйилган туйнук тутун чикиши учун хизмат килган. Таъкидлаш жоизки, XX аср бошларига келиб шахар гузарларидаги ўзига тўқ хонадонларда ички ва ташки ховлилар мавжуд бўлган. Ички ховли асосан хотин-кизлар, болалар учун ажратилган бўлса, ташқи ҳовли эркак мехмонлар учун хизмат килган.

**Ўша пайтда қадимий шахар китъалари манбаларда қуйидагича номланган:**

1. Хайробод ёки Пойкабок, шимолий-гарбий.
2. Сиёб ёки Каландархона, шимолий-шаркий.
3. Сузангарон, жанубий-шаркий.
4. Хужа Ахрор жанубий-гарбий.

## 1.3 Маҳаллалар ва гузарлар

«Махалла» атамаси арабча бўлиб, «ўрин-жой» деган маънони англатган, У турли минтақаларда маҳаллот (жой). гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган. Адабиётларда махаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан., Наршахий ўзинииг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 й. илгари бир қанча Махаллалар бўлганлига қайд этиб ўтган. Алишер Навоий узининг «Ҳайрат ул-аброр» асарида Махаллани «маҳалла шахар ичидаги шаҳдрча»дир деб таърифлайди, Хирот шахри юз шахарча аҳамиятига эга бўлган махаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўгади. Махаллалар, айннқса, Амир Темур даврида равнақ топган. Махаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номлаиган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик. қошиқчилик, темирчи эгарчи, тақачн ва ҳ. к.Шахарлар орасида «Ер юзининг сайкали» атамаси билан дунёга машхур булган Самарканд шахри яккол ажралиб туради. Бунинг сабаби шундаки, бу абадий шахарнинг меъморий образини яхлит фазовий композицион занжирга бирлашган ўрта асрлар меъморий ансамбллари силсиласи ташкил этади. Бу меъморий ансамблларнинг келиб чиқиши гарчи IX асрдан бошлансада, унинг бугунги кўриниши асосан Амир Темур ва бошқа темурий шахзодалар хамда улардан кейинги авлодлари даврида шаклланган[6].

Бинобарин Ибн Хавкал, ал Истахрий, ал Умарий, Ибн ал Факих ва бошка IX-XII аср арабизабон муаллифлари асарларида, Самарқанднинг бенихоя гузал булганлиги ва бу ерда тахминан бир миллионга якин ахоли яшаганлиги кайд этилади. Шахар ташки калъа деворининг айлана узунлиги 12 фарсахга тенг булган. Унинг 12 та дарвозаси булган. Бу деворни олимлар шахарнинг баъзи бир худудларда номлари ва излари сақланиб қолган девори Киёмат хамда Девори Кундалангга мукояса қиладилар. Уша пайтлар Самарқанд уч кисмдан яъни 540 гектарни эгаллаган рабод, 450 гектарни ташкил этган ташқи шахристон ва 225 гектарли ички шахаристондан иборат бўлган. Бу уша пайтлар Самарқандда умргузаронлик

қилган Имом ал Бухории, Имом ал Мотуридийлар даври эди. Тарихий маълумотларга қараганда, ўша даврда Самарқандда узининг илми билан ислом оламида маълум ва машхур бўлган 400 нафардан ортиқ машхур имомлар яшаган. Уларнинг номлари билан қатор масжид,Мадраса, карвонсарой, работлар боғлик бўлганлиги маълум. Мисол тарикасида

Раъсат Контарату Ротфар, (Ротфар куприги бошланиши), Раъс ат-ток (Ток боши),

Исфизар, Сиккот ул-лаббодийн (Кигизчилар кўчаси) махаллалари Масжид ул-атторин, Масжид ал-минора Масжид ул-жоме, Масжид ул-изз, Дор ул-Жузжония номли масжид ва мадрасаларни эслатиб утиш мумкин. Шулардан бири Қусамия номи билан машхур булган, бугунги Шохи-Зинда меъморий силсиласининг узагини ташкил этувчи Кусам ибн Аббос мажмуаси хисобланган. Бу ерда қурилган бинолар гурухи Самарканд шахрининг IX-XII асрлардаги илк меъморий ансамблини ташкил этган. Унинг таркибига макбара, чиллахона, масжид, минора, аивон ва Мадраса кирган. Самарқандда хам 4 та қадимий дахалар булган. Дахаларнинг хар бирида 30 тадан гузар бўлган. Ҳозирги замон амалиётида маҳаллалар марказларини шакллантиришни ўрганишда хар ҳил турдаги салбий тенденциялар ва шаҳарсозлик архитектураси талабларидан чекиниш мотодологик қоидаларга риоя қилинмасликдан далолат беради. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳам реконструкция ишларини, ҳам лойиҳалаш жараёнини бутунлай шакллантириш лозим. Вазиятни такомиллаштиришнинг янги таклифлари эса маҳалла марказларининг шаҳарсозлик архитектурасида моделлаштириш структурасининг янги йўлларини излаш билан боғлиқ. Бунинг айни муддаоси эса замонавий информацион тизимлар ва лойиҳалашнинг компютерлашган методлари ва воситаларидан фойдаланиш деб ҳисоблаймиз. Маҳалла марказларининг тарихий ва замонавий ривожланиш амалиёти уларнинг қурилиши ва регенерацияси борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари қуйидаги масалалар ечимини излашда қўл келади:

- ✓ миллий анъаналар ва ташкил топган ландшафт тизимини инобатга олган ҳолда композициянинг архитектуравий-режавий ечими.
- ✓ анъанавий хизмат курсатиш қулайликларнидан фойдаланиб маҳалла марказларини жойлаштириш.
- ✓ маҳалла марказларидан бошланғич функциялари ва янги маданий, маърифий, соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда фойдаланиш.

Ушбу принципларни танлаш шаҳарсозлик муносабатларида мураккаб тизим яратишда аҳолига қулайликлар яратиш, тежамкор фойдаланиш, маҳаллар маркази архитектуравий қиёфасини яхшилаш, атрофидаги муҳит ва маданий-маиший хизмат структурасини шакллантириш ҳамда худудни ободонлаштриш тадбирларини олиб бориш билан белгиланади [5]. Маҳалла марказларини оқилона ташкил этиш усулларини топиш учун авваламбор уларнинг юқотилган камчиликларини тиклаган ҳолда келажак авлодга етказиш керак. Буларнинг барчаси илмий тадқиқот усулларида ўз аксини топади. Аммо, тарихий маҳалла марказларини юқотилган аҳамиятга молик жиҳатларини тикланган тарихий қисмларини қўриқлаш ҳақида гап кетганда регенерация қилишда юқорида келтирилган принциплар, ўзгартиришлар ва қўшимча алоҳида изланишларсиз амалга ошмайди.

## I БОБ ХУЛОСАСИ

Самарқанд XIX аср XX бошларида, шаҳарнинг турли қисмлари ёзма археологик маълумотларга кўра таъмирланган.Шунинг учун бу давр шаҳарсозликда алоҳида давр сифатида ўрганилади. Бунда шаҳарнинг асосий йўналиши ўзгармаган. Марказий Осиёнинг Бухородек кўхна шахридан фарқли разишда Самарқанд ўз жойлашувини ўзгартирган. (Марв, Тошкент ва бошқа шахарлар каби). Араблар босқинидан сўнг шахарни жойлаштиришда 2 та фактор асосий рол ўйнаган. Бўлғуси эски шаҳарнинг ҳудудидаги дарвозалар ва шаҳарнинг паст баландлигидан иборат релефидир. Бу даврдаги шахар хажми уни атрофини ўраб турган йирик ариқлар билан белгиланган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX бошларида келиб еcки шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва бу ерда бунёд этилган янги кварталлар емирилиб кетган эски мудофаа деворлари хисобига амалга ошди. Бу ерда янги маҳаллалар пайдо бўлди. Самарқандни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари XIX асрнинг охирларида бошланган эди. 1895 йилда шарқшунос олим В.В.Баршолдшшт ташаббуси билан тузилган "Туркистон археология хаваскорлари тўгараги" аъзолари Самарқанддаги Афросиёбни кўп асрлар хазинаси деб қараб, унда кенг кўламдаги археологик қазишма ишларини олиб бордилар. Афросиёб Самарқанд шаҳрининг қадимий қолдиқлари, узоқ асрлар давомида 10-15 метр чуқурлиқда кўмилиб кетган археологик қазилмалари билан машҳур, қадимий ахолиси VI-VIII асрларда ҳозирги Самарқанд шаҳри яқинидаги тепаликларда, тахминан 2кв км майдонда яшаган. 1950-йиллардан бошлаб Афросиёбда мунтазам археологик қазишмалар ўтказиш, айниқса, 1958-йилдан В.А. Шишкин раҳбарлигида, 1966 йилдан бошлаб эса Я.Ғ.Ғуломов бошчилигида фаоллашди. Афросиёбни ўрганиш ишлари кўламини кенгайтириш максадида, 1966 йилда доимий ҳаракатдаги Афросиёб комплекс археология экспедитсияси ташкил этилди. 1970-йилда Самаркандда Ўзбекистон ФАнинг мустакил Археология институти ташкил этилиши Самарканддаги археологик қазишмаларни янада кенг кўламда олиб боришга имконият яратди. Археологик казишмалар натижасида

Самарқанднинг ёши аниқланди ва 1970 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. 1971—77 йилларда Ш.Тошхўжаев, 1978—85 йилларда Г.В. Шишкина қазишма ишларини олиб бордилар. Мустақиллик йилларида археологик казиш ва илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш максадида франсиялик академик,шарқшунос археологлар Пол Бернар ва Франс Грене, узбек археолог олимлари проф. М.Исомиддинов, А.Анорбоев ва тадқиқотчи А. Отахўжаевлар билан ҳамкорликца ишладилар. Натижада, Афросиёбдаги энг куйи маданий қатламларни ўрганиш жараёнида ер сатҳидан 10-15 м чуқурликда мил. ав. IX—VII аср ўрталарига оид ашёлар топилди. Булар кўлда ясаб рангли нақш берилган сопол идишларнинг парчалари ва шунингдек, гуваладан тикланган 7м қалинликдаги мудофаа девори қолдикларидир. Афросиёбнинг 19 гектарлик арк қисми девор билан бутунлай ўраб олинган. Афросиёбнинг бошқа жойлари ҳам текшириб кўрилганда қуйи қатламларидан шунга ўхшаш ва мил. ав. 9—8-асрларга оид ашёлар топилди. Афросиёбдан топилган ушбу намуналар Франсияда радиокарбон тадқиқот усулида ўрганилиб, улар мил. ав. VIII асрга, аниқроги 2750 ёшга тааллукдилиги исботланди.

1841—42 йилларла Бухорога Россия элчиси қилиб юборилган шарқшунос Н.ВХаниковнинг ёзишича, ўша вақтда Самарканд баланд девор билан ўрапган бўлиб, унинг 6 та дарвозаси: Бухоро, Пайкобод, Шоҳизинда, Қаландархона, Сўзангарон, Хожа Ахрор бўлган. Кечалари шаҳарга кириб чиқиш такиқланган. Шаҳар деворининг айланаси 13,9 км, унинг умумий майдони эса 10,4 км$^2$ни ташкил килган. Шаҳарда жуда кўп бог, ариқзовур ва ҳовузлар, иккита ғиштин карвонсарой ва учта ҳаммом (2 таси Хожа Ахрорҳаммомлари, биттаси Мири ҳаммоми) фаолият кўрсатган. Кўчалар шаҳарнинг 6 тадарвозасини Регистон майдони билан боглаган. Бибихоним масжиди билан Чосу ўртасидаги кўча анча серқатнов бўлган. Қўрғон шаҳарнинг ғарбий қисмида бўлиб, унинг узунлиги 3,2 км ли ташқи девори ва иккита дарвозаси бўлган. Қўрғонда ҳоким сарой

сипохилар яшайдиган уйлар жойлашган. Шаҳар ахолисининг сони 25—30 мингга етган.

X1X аср охири ва XX асрнинг бошларида Самарканд шахридаги уйлар асосан бир каватли булиб, улар пахса ва хом гиштдан ясалган. Уларнинг деворлари эса сомонли лой билан сувалган. 1910 йилга келиб шахарда 89.700 киши яшарди. Бу ерда 6185 та уй, 28 та карвон сарой хамда 105 та масжид мавжуд эди. гоБу ерда ахоли яшайдиган мавзелар дахалар ёки китъалар деб юритилар ва улар 4 кисмга булинган эди. Бу китъаларнинг хар бири таркибига унлаб гузарлар, яъни кварталлар кирарди. Махаллий яхудийлар яшайдиган гузарлар эса «Махаллаи-Джугуто» деб аталарди.

Таъкидлаш жоизки, XX аср бошларига келиб шахар гузарларидаги узига тук хонадонларда ички ва ташки ховлилар мавжуд булган. Ички ховли асосан хотин-кизлар, болалар учун ажратилган булса, ташки ховли эркак мехмонлар учун хизмат килган.

**Уша пайтда кадимий шахар китъалари манбаларда куйидагича номланган:**

1. Хайробод ёки Пойкабок, шимолий-гарбий.
2. Сиёб ёки Каландархона, шимолий-шаркий.
3. Сузангарон, жанубий-шаркий.
4. Хужа Ахрор жанубий-гарбий.

# II БОБ. ШАХАРСОЗЛИК МАРКАЗЛАРИ ТАВСИФИ

## 2.1 Умумий шахарзозлик марказларининг меъморий шахарсозлик ечими.

XVIII аср охири XIX аср бошларида ижтимоий сиёсий шароитларнинг ўзгариши натижасида, объектив тарихий омиллар асосида Ўрта Осиёда феодализмнинг сўниш даври бошланди. XIX аср нинг 20-30 йилларида Россия билан савдо маданий алоқалар ўрнатилиши билан Ўрта Осиё хонликлари маданий иқтисодий ҳаётида бирмунча юксалиш рўй берган. Бу Хива, Бухоро,Самарқанд меъморчилигида прогрессив таъсир кўрсатиб улар рус маданиятининг Ўрта осиёга кирувчи канали ҳисобланган. Шу сабабли

Хива хонлиги кўпроқ маданий иқтисодий тараққиёт имкониятига эга бўлган. Унинг пойтахти бу хақда далалат беради. Хива меъморчилигида романтизм рухи яққол ўзлаштирилган. (Пахлавон Махмуд мақбараси 1810-1825йй.,Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси(1812 й.) ва Оллоҳқулихон мадрасаси (1835 й.), шунингдек, Хива минорадари).

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент вилояти Қўқон хонлиги ва Самарқанд вилояти Чор Россияси тасарруфига ўтган эди. Узоқ давом этмаган ярим мустақилликдан сўнг, 1920 йилдан бошлаб Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ягога иттифоққа бирлаштирилгач Ўрта Осиёга европача маданият кириб кела бошлади. Жумладан, темирйўл алоқа воситалари, замонавий технология, медицина, ғарб маориқининг кириб келиши, Ўрта Осиёда янгича фикрлашни юзага келтирди. Айниқса . шахсий мулкка қарши кураш бу тушунчани кескинлаштирди ва 1920-40 йилларда шахсий мулк эгалари қаторида ҳунармандчилик ҳам қатағонга учради. Натижада юз йиллаб ва минг йиллаб шаклланган меъморчиликнинг анъаналари унутилиб юборилди. [1] бу холат меъморчилик ва шахарсозликда хам ўз аксини топди. Чунончи Ўрта Осиё меъморий обидалари юқори билимга эга бўлмаган оддий халқ томонидан бунёб этилган деган, “пролетариат” ча уйдирма юзага келди. Вазолангки бугунги кунда бу мўжизакорт иншоотлар ўрта сарларда юқори даражада ривожланган илм фан маҳсули эканлиги барчага аён. Олимлардан М.Қ Ахмедов, М.С.булатов, П.Ш Зохидов, К.С.Крюков, Л.Ю. Манковская, Г.А Пугаченкова, Л.И.Ремпелъ, А.С.Уралов ва бошқалар Ўрта Осиё меъморий обидаларининг махсус лойихалаштириш воситаси асосида қурилганлигини, унинг асосида чуқур билимлар ётганлигини исботлаб берганлар.[2]

Ўрта Осиё асрлар шахарсозлиги санъатининг характерли мисоли бўлиб Самарқанд тарихий қисмининг меъморий тархли ечими ҳисобланади. Унинг марказидаги ансамбллар –Бибихоним, Регистон, Амир Темур ва Шохи Зинда

---

[1]Ахмедов М.Қ Ўзбекистон тарихий шахарларининг узвий ривожланиши ҳақида// ўзбекистон архитектураси ва қурилиши.-Т.,2007 8 б.

[2]Ахмедов М.Қ Ўзбекистон ўрта асрлар меъморчилигиди меъморий ансамбллар шаклланишининг тарихий назарий асослари .докторлик диссертацияси. Т.:ТАҚИ, 1996.- 17-205 б

ансамбллари меъморий ансамбллар тизимини ҳосил қилади. Бирин кетин жойлашиб, улар марказнинг композицион қурилиш асосини ташкил қилади. Шахарсозликда бу усул “ анфилада” усули номини олган. [1] самарқанд ва бухоро меъморий ансамбллари анфилада тарзида жойлашган булиб, бир-биридан фарқи шундаки, Самарқанд тархида анфилада ягона пластик ўқ буйлаб ўтади. Бухорода эса у тармоқланган фазовий структурага эга.

Социалистик жамият даврига келиб, шахарлар орасидаги қаъа деворларининг аҳамияти йўқолади.1960-йилдан бошлаб индустриал қурилиш майдонлари пайдо бўлиб, янги тураржой раёнлари юзага келди. Шахарсозликдаги асосий дастур функционализм ақидаларидан ташкил топди. Шахар мажбурий тарзда функционал бўлакларга бўлиниши талаб этилди. Бу талаблар қатор қурилиш норма ва қоидалари тарзида шакллантирилди. Уларни назорат этувчи қатор қонун ва ташкилотлар юзага келди. Бунинг тазйиқи айниқса тарихий шахарларда яққол кўринди. Чунки , 1960 йиллар бошида намунали лойиҳаларсиз ҳар қандай қурилиш таъқиқланиши натижасида, Самарқанд Регистони яқинида мактаб ва ўрта қаватли турар жой бинолари вужудга келди. Кейинчалик ёдгорликларнинг “қўриқлов зонаси”, “мунтазамлаш зонаси” каби палапартиш ғоя тушунчалари келиб чиқиб тарихий обидалар атрофи сайхонликка айланди. Самарқандда Регистон, Шахрисабз Чорсуси, Бухородаги Тоқи заргарон, Тоқи Телпакпурушонгача бўлган ҳудуд шундай кўринишга эга. Уларнинг ораларига типли болалар боғчалари ва мактабларни жойлаштиришга интилиш юзага келади. Буйруқбозлик ва дабдабабозлик эса доҳийлар образини барқарорлаштириш ғоясини авж олдирди. Доҳийларга ҳайкал қўйиш ҳаракати афсуски, Самарқандда ҳам кенг тараққий торган эди. [2] Бизнингча бўлар бўлмасга ҳайкал қўйишдан воз кечмоқ лозим. Чунки биринчидан, бу ҳаракатнинг келиб чиқиши Тангри ва будпарастликка бориб

[1]Ахмедов М.Қ Пути формирования средневековых архитектурных ансамблей Средней Азии и некоторые вопросы вкючения их в современную застройку. Диссертация на соискание ученой степени кандидата архитектуры.Самарканд: СамГАСИ, 1982.-26 б

[2]Ахмедов М.Қ Ўзбекистон ўрта асрлар меъморчилигиди меъморий ансамбллар шаклланишининг тарихий назарий асослари .докторлик диссертацияси. Т.:ТАҚИ, 1996.- 17-204 б

тақалса, иккинчидан доҳийларни илоҳийлаштиришгача етиш ҳавфи бор. Бу камчиликларнинг барчаси Ўзбекистон меъморчилиги ва шахарсозлигининг ўз теран томирларидан ажралиб, кўр-кўрона Россия шахарсозлиги ва у орқали Европа услубларига таклид қилиш натижасида рўй берди. Самарқанд шахри тарихий қисмини кўриб чиқадиган бўлсак, анъанавий турар жойлар орасид атор кўчаларнинг доминанти, шу муҳитдаги компазицион ечими бўлиб, масжид ва чойхоналар яққол кузга ташланади. Шу қурилган турар жойлар комплекс кўринишда бўлса, жамоат бинолари ( масжид, чойхона, маҳалла марказлари) шу кўчаларнинг режавий тузилишига киритилган. Иккинчи томондан кўриб чиқадиган бўлсак, ҳовлили уйлар ўз замонасининг чизиқли уйлари бўлиб, кўчаларнинг режавий тўзилиши ва муҳитига мутаносибликбилан чамбарчас боғлиқдир. Учинчи томондан шу тарихий зонада яратилган компазицион муҳитда анъанавий уйлар, ёғоч устунли айвонлар, тиниқ сувга тўлдирилган ҳовузлар, майда биргли дарахтлардан экилган кукуламзорлар, масжид ҳамда чойхоналар нафақат кўчаларнинг режавий тузилиши, балки, аҳолини бир-бири билан мулоқоти, дам олиб хордиқ чиқариши,ҳамда ёз кунларида салқин ва сояли жойларда дам олиб хордиқ чиқиришига ҳам хизмат қилади. [1]

Маҳалла ансамблллари турар жойлар орасида мутаносиб бир текисликда жойлашган бўлиб, улар орасидаги масофа 450-500 метрни ташкил қилади. Ўтиб кетаетган йўловчилар лабиринт каби торкўчаларда композицион муҳитдан завқланиб, узоқдан кўринаётган масжид минорасидан мшлжал олиб катта кўчага чиқиб кетган.

Шахарнинг тарихий қисмида жойлашган ҳар бир маҳалла ансамбллари турар жой ва кўчаларни режавий тузилишини ташкил қилсада, у Самарқанд шахри тарихий қисми структурасининг организмидир. Улар асрлар давомида етиб келган. Самарқанд шаҳар тарихий композицион муҳит структурасини ўрганиб чиққанда , умумшахар монумент ансамбл ҳамда

[1]Рахматова М.М.,Махамматова Х.И.,Эшмуратов О.А., "Самарқинд шахрида маҳаллалар ва анънавий халқ уйларининг шаклланиши ва ривожланиши" СамДАҚИ конференция материаллари 2016 й,29-30 апрел.,61-б.

маҳалла марказларини анализ қилиб, таққослаб қарасак, кичик маҳалла ансамбллар умумшаҳар ансамбллар билан компазицион режавий тузилиши ва наққшкорлиги билан контраст бўлиб бир-биридан кўзга яққол ташланиб фарқ қилади. Бундан мақсад асосий иншоотларни ажратиб кўрсатишдан иборат бўлган.

*Мактаблар*. «Мактаб» деб аталувчи таълим шакли дастлаб VII-VIII асрларда араб мамлакатларида пайдо бўлган. Дастлаб мактаблар масжидлар қошида шакллантирилади. VIII-IX асрларда улар Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган.

Аксарият мактаблар маҳаллаларнинг жамоат марказлари - гузарларда жойлашиб, гузар масжидлари, мадрасалар ва бошқа вазифадаги жамоат бинолари таркибига кирган (2-расм). Айрим ҳолларда мактаблар учун алоҳида жойлашган бинолар қурилган (3-расм). Исломий анъаналарга кўра қиз ва ўғил болалар ажратиб ўқитилган: қизлар одатда муаллиманинг уйида, ўғил болалар эса мактабда ўқишган. Бой хонадонларнинг фарзандлари одатда ўз уйларида, ўқитувчи ёллаб ўқитилган.[1]

Жамоат бинолари таркибига кирган мактаблар учун хоналар танлашда Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароити эътиборга олинган.



[1]К ик асослари” Т.,2011 й

**1-расм. Мактабларнинг Самарқанд шаҳри маркази атрофидаги гузарларда жойлашиши XIX аср**

Масалан, Самарқанд вилоятининг Ухум қишлоғидаги мактабда ўқув хоналар учун қишлоқ масжидига ёндош жойлашган айвонли хоналар ва очиқ айвонлар танланган. Архитектура доктори Л.Ю.Маньковскаянинг маълум қилишича, Бухородаги маҳаллалардан бирининг масжиди қошида қурилган мактаб 2 қаватли бўлиб, унинг биринчи қаватида қишда, иккинчи қаватидаги болохонада эса ёз фаслида дарс ўтилган.

Алоҳида бинода қурилган мактаблар одатда ёғоч синчли, устунли-тўсинли қурилмалар ёрдамида ёки пишиқ ғиштдан пештоқли-гумбазли шаклларда ишланган. Бухородаги Чашмаи-Айюб маҳалласида ана шундай алоҳида бинога эга гумбазли катта мактаб бўлиб, у тарҳда 29х30 метр, ўртада жойлашган катта гумбазли зали эса 10,5х10,5 метрга тенг бўлган (4-расм). Мактаб таркибида ўқитувчилар хонаси ёки жамоатхона вазифасини бажарган катта залдан ташқари даҳлиз, бир неча дарсхоналар, айвонлар ва равоқ томли ҳужралар бўлган. Бинонинг режавий ечими асимметрик композицияда ишланган. Бироқ, ўрта асрларда алоҳида бино тарзида қурилган мактаблар сони деярли кўп бўлмаган. Архитектура номзоди А.А.Зияевнинг маълумоти бўйича мактабларнинг асосий қисми бошқа жамоат (гузар, маҳкама, мадраса) ёки ибодат (масжид, хонақоҳ) бинолари билан биргаликда қурилган. Архитектура доктори Т.А.Ҳидоятовнинг аниқлашича, бундай мактабларнинг меъморий-режавий ечимларида, хоналар сони, таркиби ва уларнинг функционал боғланишида муқим тартиблар кузатилмайди. Бироқ, мактабларни қуришда меъморлар Ўрта Осиёнинг ноқулай иссиқ ва қуруқ иқлим шароитини эътиборга олиб хоналарни баланд қилиш, дераза юзаларини камайтириш ва бино таркибига ёзги очиқ айвонлар киритишга ҳаракат қилганлар.

Тарихчи олим К. Каттаевнинг “Самарқанд мадрасалари ва илму-фан ривожи” китобида кўрсатилишича, 1864-1868 йилларда Самарқанд шаҳри

маҳаллаларида мадрасалар қаторида бир нечта мактаблар ҳам қурилган. Абулхайрбой, Сўфи Розиқ, Шоҳкашон, Тошкандий, Қози Абдурасул каби маҳалла мактаблари шулар жумласига кирган.

1876 йилгача Туркистонда 300 га яқин мадраса, 7 мингга яқин мактаблар фаолият кўрсатган, деб ёзади тарихчи олим Ш.Ғаффоров.

XIX аср охири - XX аср бошларида айрим зиёли кишилар хусусий мактаблар очиб, уларда даромадли оилаларнинг фарзандларини ўзлари ўқита бошлайдилар.[1]Самарқанддаги Бибихоним, Мирзо Улуғбек, Шайбонихон, Абу Саидхон, Ялангтўш Баҳодир ва Амир Ҳайдар каби ҳукмдорлар қурдирган мадрасалар "олий мадраса" (ёки "мадрасайи олия") деб аталган.(2-расм) Амир Ҳайдар олий мадрасаси 1813 йили Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар томонидан Самарқанд Арки ичида машҳур «Кўктош» турган мавзе ёнида қурилган.

Улуғбекнинг Бухоро ва Ғиждувондаги мадрасалари ҳам Самарқанд мадрасасидек тўртбурчак тарҳга ва чорс ҳовлига эга. Улар ҳажмий тузилиши ва тарҳининг ўлчовлари жиҳатидан Самарқанд мадрасасига нисбатан кичик бўлсада, меъморий жиҳатдан анча мукаммал ишланган. Ҳовлилар икки муқобил айвонли, Бухоро мадрасаси икки қаватли ҳужралар билан, Ғиждувон мадрасаси эса бир қаватли қилиб қурилган. Мадрасаларда дарсхоналар, масжид, кутубхоналар, ҳужралар, айвонлар, миноралар бор. Мадрасалар ҳовлиси берк, лекин ўзига хос жозибадор қилиб безатилган. Мадраса тарзлари серҳашам, пухта ва теран оҳанглиликда гўзал ва маҳобатли қилиб ишланган.

[1]Қодирова Т.Ф. "Ўрта Осиё Архитектура ёдгорликларининг типологик асослари" Т.,2011 й 128-129 б




**2-расм.Самарқанд Регистонидаги майдон услубидаги ансамбл, XV ва XVII аа.**

Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасайи-олияси кейинчалик замон ва даврлар тақозосига кўра бир маромда бўлмасада, XX аср бошларигача ўз фаолиятини давом эттирди. Шундан сўнг Самарқандда аввал педакадемия вужудга келиб, кейинчалик у университетга айлантирилди ва ҳозирда ушбу университет Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети деб юритилади.

Умуман XVIII-XIX асрлар ва XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарларида қурилган бозор иншоотларининг турлари, тизими ва архитектурасида деярли ўзгаришлар сезилмайди. Бу даврда фақат карвон-сарой ва тим ҳамда тим ва дарвозахона биноларини яхлит савдо мажмуаларига айлантиришдек ижобий тажрибаларни кузатиш мумкин. Хивадаги Оллоқулихон карвон-саройи ва тими, Полвондарвоза тими ва дарвозасининг қурилиши бунга мисолдир (3 расм).[1]

[1]Қодирова Т.Ф. "Ўрта Осиё Архитектура ёдгорликларининг типологик асослари" Т.,2011 й.,96-б.



**3-расм. Хива. Оллоқулихон карвон-саройи ва тими**

## 2.2 Шахарсозлик бўлинмалари марказлари ва уларга хос хусусиятлар

Қадим тарих зарварақларини кузатар еканмиз кўз олдимиздан сеҳрли гўзал меъморчилик обидалари ўтади. Қадимий иморатлар, иншоатларнинг ҳар бири инсон қўли билан тикланган, унинг ҳар бир ғиштида аждодлар нафаси мужассам. Асл санъаткорлар ижоди, меҳнатлари билан тикланган биноларда муайян давр маданиятига гувоҳ бўламиз. Нозик дид, юксак маҳорат билан барпо етилган ёдгорликларда халқнинг маданий бойлиги, фахр ва ғururини кўрамиз. Мана шундай буюк санъат дурдоналарини яратган меъморларга, халқ фарзандлари усталарга таҳсинлар айтамиз. Бу буюк уста ва устазодалар санъати асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланган. Лекин афсуски жуда кўп нозик дид соҳиблари, уста меъморлар номи сақланмаган. Бунга сабаб, буюк ўзбек халқининг камтарлиги десак муболаға бўлмайди. Кўплаб биноларда усталаримиз ўз номларини битишмаган. Бироқ, улар яратган меъморий иншоатлар бир умр ўз маҳобатини йўқотмайди.  Ушбу тадқиқотимизнинг яна бир мақсади XIX аср

ва XX аср бошларида фаолият кўрсатган меъморчилик мактабини ўрганишдир. Ишда маҳаллий меъморларимизнинг қурувчилик санъатига холисона ёндашган тадқиқотчиларнинг асарлари асосий манба сифатида олинди.

XVIII асрда Бухоро амирлигида тарқоқлик даври бўлиб, ўзаро урушлар, сиёсий низолар натижасида, мамлакатда чуқур ижтимоий ва сиёсий инқироз ҳукм сураётган давр бўлган.

XVIII аср воқеаларидан Самарқанд енг кўп зарар кўрди. [1] Дарғом каналининг бузилиши оқибатида, очарчилик, юқумли касалликлар кенг тарқалди. Самарқандликлар шаҳарни ташлаб Ургут ва Панжикентга бордилар.[2] Бу холни "Самария" асари муаллифи Абу Тохир Хўжа Самарқанд вилоятининг тушкунлик ҳолати деб атайди.[3] XVIII асрнинг ўрталаридан ҳокимият тепасига манғитлар келгач мамлакатда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. 1753 йилда Бухоро амири Рахимхон Дарғомни қайта тиклади.[4]

Шубҳасиз Самарқанднинг тикланишида Амир Шоҳмуроднинг хизматлари беқи-ёсдир. Амир шаҳардаги кўплаб мадраса биноларини таъмирлаш, қайта қуриш ишларига раҳбарлик қилди. Чор Россияси босқини даврида Самарқанддаги масжидларнинг 50 га яқини Амир Шоҳмурод томонидан қайта қурилган ва таъмирланган. Самарқандда Шоҳмурод учта янги мадраса ҳам қурдирганлигини Писарчик ўз асарида ёзиб қолдирган.

1812-13 йилларда Ўрта Осиёга саёҳат қилган Мир Изаттулло қуйидагича маълумот беради: "Амир Шоҳмурод ҳукмронлигига қадар Самарқанддаги аҳвол ниҳоятда ачинарли еди. Мадраса ҳужраларида ҳайвонлар сақланар еди. Шоҳмурод катта қийинчиликлар билан шаҳарни тиклади ва Самарқанд кундан-кунга ривожланди".[5]

[1] Бортолод. В.В. История культурной жизни Туркистана .- Т:. 1927. С.99,
[2] Абу Тоҳир Хўжа "Самария" -Т 1991-йил 11-бет
[3] Бортолод. В.В. История культурной жизни Туркистана-Т:.1927. С. 99,
[4] История Самарканда ТомI-Т:. 1969 С. 25
[5] ZoxidovP. СамаркандскаяшколаЗодчихXIXначалоXXвека.-Т:. 1965, С.10,

Меендроф маълумотига кўра 1820 йилда Самарқандда 50 минг киши яшаган.[1] Шаҳар деворлари яхши сақланган, деворлар тўғри тўртбурчак ёки тўғри трапеция шаклида бўлиб шимолий қисми кенгроқ. Ғарбий қисми бироз пастроқ қўрғон олдинга чиққан. Деворлар худди Бухороникидек қалин, баланд, ярим доира шаклида. Самарқанд қўрғони Бухороникидан кенгроқ лекин, аҳолиси камроқ. Ғарбий қисмида битта Бухоро дарвозаси, шарқда ҳам битта Қаландархона дарвозаси, жанубий ва шимолий қисмларида 2 тадан дарвоза бўлиб, шимолда Пайкобод ва Шохи Зинда, жанубда Сўзангарон ва Хожа Ахрор дарвозлари жойлашган.[2] Демак шаҳарда 6 та Ҳазрат Шоҳи Зинда, Бухоро, Пайкобод, Қаландархона, Сўзангарон, Хожа Ахрор дарвозалари орқали кирилади.

Шаҳарда боғ ва ҳовузлар кўп. Иккита карвон сарой ва иккита Хожа Ахрор ҳаммоми фаолият кўрсатади. Шаҳар 5 та қисмдан иборат.[3] Булар "даҳа ёки қитъа" деб юритилган. Уларнинг ҳар бирида 30 га яқин маҳаллалар бўлган.

1. Хайробод ёки Пайкобод.
2.Сиёб ёки Қаландархона.
3.Сўзангарон.
4. Хўжа Ахрор.
5.Яҳудийлар маҳалласи

Ҳар бир маҳаллада масжиддан ташқари ҳовуз бўлиб, асосий сув манбаи бўлган. Кечқурун маҳалла дарвозлари ёпилган ёки занжир билан ўралган.[4]

Бу даврда кўплаб уйлар, маҳалла масжидлари, карвонсаройлар қурилди. Янги кўчалар, маҳаллалар пайдо бўлди. Айниқса, мадрасаларнинг қурилишига алоҳида аҳамият берилган. Мадрасалар вақф мулклари ва бойлар ёрдамида қурилган. Кичик икки қаватли, лекин катта ҳовлига ега бўлган уйлар кўп қурилган. Самарқанддаги уйлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларидаги турар жойлардан бироз фарқ қилган. Ҳар бир уй икки қисмга

[1] Мейндроф Б.К. Путушествие из Оренбурга в Бухару
[2]Из Самарканда (коррипенденция русского инвалида) // Туркестанскийсборник. -Т112С.202
[3] Ўша жойдаС.201
[4] Файзиев А.Ф. История Самарканда первий пол XIXвека.- С:. 1992, С. 7

ташқи - берун ва ички дарунга бўлинган. Меҳмонларни қабул қилиш учун махсус хоналар уйнинг берун ташқи қисмида жойлашган. Ҳар бир уйда боғлар бўлган. Карвонсаройлар шаҳар меъморчилигини ажралмас қисми бўлиб, ХИХ асрда 58 га яқин карвонсаройлар
фаолият кўрсатган. [1]

Карвонсаройлар унда сотиладиган маҳсулотлар номи билан аталган. Масалан: Саройи Майиз, Саройи орд, Саройи биринчи майда, Саройи Рангубор, Саройи Тамаки-фурушон, Саройи Чинни, Саройи Орифжон бой, Саройи Махсум, Саройи Карим бой, Саройи Муҳаммад, Саройи Подшоҳи, Жун сарой ва бошқалар.

Давлат қушбеги карвосаройнинг 1-қаватида 30 та ҳужра, 3 та хона , ертўла, 2-қаватида ҳам 30 та хона бўлган. Қўшҳовуз маҳалласидаги Орифжон бой карвон-саройида 45та хона, Махсум карвонсаройида 14 та хона ва 7 та ҳужра, Муҳаммад Карим бой карвонсаройида 26 та хона, Қори Юзуфнинг карвонсаройида 15 та хона бўлган. Самарқанд шаҳрида ҳаммом қурилиши илк ўрта асрларга бориб тақалади ва бино қурилишига алоҳида еътибор берилган. Ҳаммолар ўзига хос иситиш тизими, сув ўтказмовчи хусусиятлари билан ажралиб туради. В.В.Бартолд маълумотига кўра Мирзо Улуғбек давридаёқ Самарқандда ҳаммомлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Самарқанд ҳаммомлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, ўзига хос услубда қурилган. Ташқи томондан ҳаммомлар кенг, лекин паст бинодек кўринади, тошли бўлиб, 7-8 та хоналардан иборат, хоналарга ўтган сари иссиқлик ортиб бораверади. XIX асрнинг 60-йилларида шаҳарда 7 та ҳаммом фаолият кўрсатган. Самарқанддаги машур маҳаллалар ИХ-ХИ асрда пайдо бўлган Фақиҳ Абулайс. X-XI асрда ривожланган Чокардиза, Наводон, Гатифор, ХИИ асрда тараққий етган Сўзангарон, XIV асрда вужудга келган Дари Занжир, XV асрга оид Махдуми Хоразм, Мирзо Пўлат, Қози Калон, Қорабой Оқсоқол, Зингарон, Қўшҳовуз, Хўжа Зулмурод, Хўжа Юсуф бўлиб, Сўзангароннинг ўзида ҳам бир нечта янги маҳаллалар пайдо бўлган. Сиёб даҳасида

[1] Ўша жойда, С11

Шоҳмуроднинг кўчириш сиёсати натижасида қуйидаги 24 та янги маҳалла вужудга келган: Зомини, Ёмини, Ялангбек, Каварзор, Култепаги, Урметани, Имом Восе, Муборак, Кул Обод, Даҳбеди, Хўжанди, Қошғари, Шайх ул-Ислом, Хожа Латиф Маддони, Хавоси I, Хавоси II, Қаландархона, Ургутий, Шаҳрисабзий, Тошканди I (Абул Қосим), Тошканди II (Ориф Жомбой), Тошканди III (Фоний), Тошканди IV (Баланд кўприк). Тошкентдан келган аҳоли Сўзангаронга, фарғоналиклар Хайрободга, Зомин, Ургут ва Шаҳрисабздан келганлар Қаландархона мавзеъларига ўрнашганлар.

Қаландархонада 20 та маҳалла бўлиб, 7 таси X-XV асрларда, 8 таси XVIII асрда, 5 таси XIX аср боҳсларида вужудга келган. Хайрободда ҳам 20 та маҳалла бўлиб, 3 таси X-XV асрларда, 8 таси XVIII аср охирида, 9 таси XIX аср бошларида пайдо бўлган. Сўзангаронда еса 25 та маҳалла бўлган. 7 таси XVIII аср охирида, 18 таси XIX аср бошларида вужудга келган. Хожа Ахрор даҳасидаги 31 та маҳалладан 2 таси X-XV асрларда, қолганлари XIX аср бошларида пайдо бўлди.

Умуман олганда XIX асрда жами 63 та маҳалла пайдо бўлган: Ёмини, Шарбатдор, Шоҳ-касчианг ҳовли, Қози Ғофур, Оби Машхад, Боғи Майдон И, Боғи Майдон II, Боғи Майдон III, Таги шўр, Кўк Масжид, Юсуф бой, Сўфи Розиқ, Янги Хайробод, Хўжажон Хожа , Ҳовузи Баланд, Мўлиён И, Мўлиён II, Мўлиён III, Кафтархона, Ражабамин, Иброҳим Хўжа, Қози Абдурасул, Хонақоҳ, Мадрасаи Сафед, Хожа Нисбатдор, Ургутий И, Каболай И, Каболай II, Намазгоҳ И, Намазгоҳ II, Пули Мирзо, Бўстонхона, Мотруди, Хўжа қишлоқ, Қўрғонча, Лаби ғор, Булбулак, Ески Камардон, Пули Сафед, Кулолон, Декча-бирён, Рухобод, Гўри Амир, Хон Саид Имом, Луччакон, Вайсул қора, Юсуф Харрот, Амушмухаммад, КулбаI, КулбаII, Дониёрбек, Муллақаландар И, Муллақаландар II, Чақар, Толи Регак И, Толи Регак II, Толи Регак III, Нуробод, Лолазор И, Лолазор II, Лолазор III.

Бу даврда шаҳар маркази Арк, сиёсий марказ Регистон, савдо маркази Чорсу, ҳисобланган. Енг машур жой Бибихоним ва Чорсу оралиғидаги кўча

бўлган. Корезгоҳ дарвозаси—Хўжа Ахрор, Феруза—қаландархона, Оханин—Шохи Зинда, Хайробод—Пайкобод деб ўзгартирилган.

Қаландархонада дарвешлар кўп бўлган. Янги маҳаллаларда ҳунармандлар кўпчиликни ташкил этган.[1]

Каттақўрғон ҳам бир-бирига ўхшаш 3 қисмга бўлинган.

1. Шимолий қисм. Зарафшон ва Оқтошнинг ўртаси.
2. Ўрта қисм. Шаҳрисабз тоғларигача.
3. Жанубий қисм.

Ўрта қисмида аҳоли кўп бўлиб Каттақўрғон ва Пайшанба шаҳарлари, Нарпай ариғининг чап қирғоғида жойлашган. Каттақўрғоннинг тўртта дарвозаси бор.

Шимолий қисмида—Бозор дарвоза , Шарқий қисмида—Ҳайдар Омон

Жанубий қисмида—Самарқанд , Ғарбий қисмида— Бухоро дарвозалари.

Шаҳарда 25 та маҳаллалар бор: Хожи Латиф, Бамиён, Чордара, Курпа, Ешонмозор, Ҳайдар-Жомон, Мадраса, Қул-Ҳожи, Мирохур, Шўр, Яккабоғ, Арабхона, Катта арабхона, кўча хўр, Бозор-Масжид, Оқ-Масжид, Мўри қўрғон, Сўфи Оллоёр, Мурод Қосим. Каттақўрғонда тарихий ёдгорликлар кам. Енг яхши жойи Амир боғидир, бозорлари кичик, Чоршанба ва Шанба кунлари бўлади. Пайшанба шаҳри пахса девор билан ўралган бўлиб учта шимолда Кўчахўр, шаркда Сарбозор, Ғарбда Қибла дарвозлари бор. Қибла, Масжид, Читнор, Мундиён, Қадоқ, Сари-бозор, Кўчхўр, Тошкент, Мадраса каби маҳаллалари бор. Минг қишлоғида Душанба кунлари, Иштихонда Пайшанба кунлари, Оқтепада Жума кунлари бозор бўлади.[2]

---

[1]Файзиев А.Ф.Сообщение из история Самарканде конце XVIII начало XXвека.// Общеетвенные наука в Узбекистане.год 1970. № 4. С.98-99

[2] Каттакурганский отдель// Туркестанскийсборник. Т38С.201.С.. 240-248

Каттақўрғонда Оқ-Масжид, Сўфиён, Катта Арабхона, Мадраса, Хайдар, Чаман каби даҳалар, шунингдек, 30 дан ортиқ масжид, 30 га яқин мадраса, 10 га яқин карвонсаройлар фаолият кўрсатган. [1]

Ургутда эса 46 та масжид, 40 та мадраса 7 та карвонсарой фаолият кўрсатган. Ғўс, Жар, Сўфиён, Чағизмон, Торинжак, Мўминобод, Ғиждувон каби йирик маҳаллалар бўлган.[2]

Даҳбедда ҳам бозор бўлиб бу ер кўпроқ шаҳарни ўхшатади.[3]
Ҳақиқатдан ҳам ўрганилаётган даврда нафақат Самарқанд балки Катткўғон, Ургут, Даҳбет шаҳарлари ҳам анча тараққий етган.

Юқоридаги бино ва иншоотлар сонига қараб, Ўрта Зарафшон Воҳасида XVX асрда ўзига хос бўлган меъморчилик мактаби бўлганлигига амин бўламиз.

Вамбери таъкидлашича воҳада қурувчиларнинг алоҳида касби йўқ, ҳар бир одам ўзига керакли бўлган бинони қуриш учун етарли тажрибам бор деб ҳисоблайди. Қурилган деворларнинг деярли барчаси қийшиқ ва тезда бузилади. Ўрта Осиё халқларини ўрганишда улкан хизмат қилган Вамберининг бу фикрлари асоссиз еканлигини бизнинг давримизгача етиб келган тарихий ёдгорликлар исботлайди Вамберининг фикрича Самарқанд меъморчилиги форс меъморчилигига яқин.[4]

Ўрганилаётган даврда воҳада турли қурувчилик касблари бўлган. Уларнинг ўзига хос иш қуроллари ҳам бўлиб, қурилиш пайтида мураккаб геометрик шаклларни ҳам яратганлар.[5]

Воҳадаги меъморий терминларнинг кўпчилиги тожик тилида бўлган, чунки аҳолининг аксарияти ўзбек тилини яхши билсада, тожик тилида сўзлашган.

---

[1]Вирский М.М. Список населенных месть Самаркандской области по сваедениям 1904 и 1905 г.г. -С:. 1906 С. 37
[2] Ўша жойда
[3] 1872-yil. Samarqand //Туркестанскийсборник.Т.57. С.231.
[4]Самарканд (поВамбери) //Туркестанскийсборник.Т.112.С.207-208
[5]Зохидов.П. СамаркандскаяшколаЗодчихXIXначалоXXвека-.Т:.1965,С12

Уста—ўз ишини яхши билган, қурувчилик соҳаларида мутахассис бўлган устоз ҳунарманд шундай аталган. Уста сўзини қурувчиларнинг табақасини, маҳоратини кўрсатган. Қилаётган ишининг моҳиятига қараб қурувчилар касбларининг номи келиб чиққан. Масалан: “Деворзан—лой иншоатлар деворини қурувчи. Агар бу қурувчи яъни деворзон ўз ишини яхшироқ билса—Пахсакаш деб юритилган. Самарқанд қурилишларида асосан лойдан фойдаланишган. Шаҳар атрофидаги қурилишларда қўрғонлар аҳамиятли ҳисобланган. Шунингдек, қурилишда Синчли деворлар услуби ҳам бўлиб, Чўбкор бундай иншоатларни қурган. Чўбкор—катта қурилишларни бошқаради ва унинг қўл остида гуруҳлар ишлаган.

У шунингдек иншоат қурилишини режалаштиради. Чўбкор—қурувчи—меъмор ҳисобланади. Кўпинча Чўбкор усталар орасидан кичик цех ва корхоналарнинг бошлиқлари чиққан ва улар қурувчи гуруҳларини бошқарган.

Ғўслик Уста Муродилланинг маълумотига кўра қадим даврдан бошлаб, қурувчилар орасида мусобақалар уюштирилган. Бу мусобақада истеъдодли, тажрибали ва бир қанча иншоатларда ўз маҳоратини кўрсата олганлар қатнашган. Ушбу мусобақада қурувчилар ўз ишларни намоён етганлар лекин, кўпинча ғолибни аниқлаш қийин бўлган. Шундай ҳолда номзодларга маълум мавзу ва вақт берилган ва тайёр бўлган ишларни махсус комиссия кўриб чиқиб, ғалаба қозонган усталар аниқланган. Бундай мусобақаларда ғалаба қозонганлар Ғолиб деб аталган.[1]

Ургутлик уста Облоқулни ҳамма Ғолиб Бува деб атаган, чунки у мусобоқаларда ғолиб чиққан. Облоқул уста халқ орасида ҳурматга сазовор бўлиб, барча усталар унинг ўгитларига риоя етишган.[2]

Катта қурилишларни Ғолиб усталар бўлиб беришган. Шунингдек, нажжор, дурадгор, дурузгор каби соҳалар бўлган. Ғиштకор—ғиштли девор қуриш бўйича мутахассис улар билан бирга , Гилкор—штукатуршиклар

---

[1] Ўша жойда,С13,

[2] Маҳматмуродов Ў. Ургут ва ургутликлар. -Т:. 1995. 15-бет

ишлаган. Меъморий декорация усталари наққош ва ганчкорлар ҳисобланган. Наққош—бу иншоатни безаш ишларини бажарган.

Ганчкор—турли ганч композицияларини яратган. Тоштарош—сангтарош—тош кесиш бўйича мутахассис, булар бир мунча бой аҳоли қурилишларида иштирок етганлар. Меъмор—бу қурилишдаги енг асосий ўринни егалловчи уста бўлиб, барча қурувчилик соҳаларини биладиган, қурилишни режалаштира оладиган кишидир. Муҳандис—агар меъморлар геометрик қийин қурилишлар билан шуғулланса шундай аталган. Қандай шароитда ва қурилишда неча киши ишлашидан қатъи назар қурилиш воҳада икки йўл билан амалга оширилган:

1) қурилиш пайтида бино шакли аниқланган ёки

2) қурилишдан олдин ескизлар, чизмалар тайёрланган. Албатта катта иншоатлар қурилишида олдиндан ескизлар, чизмалар тайёрланган.

Усталарнинг касби авлоддан-авлодга ўтган ва бу билан фахрланишган. Устазода—номининг ўзи халқ орасида ҳурматни билдирган. Ота касби—Давлат касби мақолига амал қилинган. Қурилиш ишлари Усталар ва уларнинг ёрдамчиларидан катта меҳнат талаб қилган. Катта усталарнинг ўқувчилари бўлиб—Шогирд деб юритилган. Шогирдлар бир қанча йиллар мобайнидаги тажриба амалиёт натижасида ҳақиқий қурувчига айланган. Бу қурилиш санъатини егалашнинг ягона йўли еди. Устоз ўз шогирдини мустақил ишга тайёр деб билса, унга оқ фотиҳа берган. Умуман Устоз-шогирд йўли барча соҳаларда шаклланган йўл бўлган. Кейинчалик биз 2-3 усталарнинг бирлашиб, устахоналар ташкил етганликларини ҳам кўришимиз мумкин.

Ўрганилаётган даврда воҳада кўплаб қурилиш хом ашёлари бўлиб, ундан кенг фойдаланилган. Уларнинг енг асосийси топиш осон бўлган, қулай хусусиятларга ега бўлган, барча учун манфаатли Тупроқ саналган. Тупроқдан тайёрланган қоришма—лой дейилади.

Ганч ва тупроқ аралашмасидан—ганчҳок ҳосил бўлган ва кейин қурилишларда ҳам бемалол ишлатилган.[1]

Лойни яхшилаб аралаштириб сомон солгач бу аралашма шкатурка ишлари учун ишлатилган. Мураккаб ишлар учун лойга тўзғоқ солиб ҳам ишлатилган.

Бир неча кун турган лой—пахса деворлар қурилишида ишлатилган. Шунингдек, хом ва пишиқ ғиштлар тайёрланиб қурилишда кенг ишлатилган. Ғиштлар квадрат ёки тўртбурчак шаклида бўлган. Ғиштларнинг қуйидаги турлари бўлган: “Ғишти оби, ғишти ҳолок, келиб чиқиши Султон Санжарга бориб тақаладиган Санжар ғиштлари”. Ғиштлар 22-24 ; 5-6 см катталикда бўлган.[2]

Ғиштлар маҳаллий ҳумдонларда тайёрланган. Бу ҳумдонлар бист ҳазора, си ҳазора, чил ҳазора деб аталиб, 20,30,40 мингтагача ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган.[3] XIX аср охирларидагина ғишт заводлари қурилган, уларни халқ Шайтон хумдон деб атаган. Ески Намозгоҳ маҳалласида Уста Абдуқодир томонидан биринчи ғишт заводи қурилган.

Ганч—гипснинг маҳаллий турларидан бири бу қоришма сифатида ишлатилган. Унинг Тезганч ва Гулганч каби турлари бўлган. тезганчга қизил кесак аралаштирилиб ложуворд, қорақурум кесаклари ҳосил қилинади. Ганч тезда пишиқ ҳолга келади. Ганчнинг Ҳобакда деб аталувчи тури мураккаб шаклларни ҳосил қилиш учун ишлатилган. Шу соҳада ишловчи уста Ганчкор дейилган. Ганчлар Чўпонота тепалигидан кейинчалик Панжикентдан келтирилган. Ганчлар учун махсус чуқурлиги 1 м, кенглиги 2 м бўлган чуқурликдаги ҳумлардан фойдаланилган.

Намликка қарши Қир деган қоришмадан фойдаланишган. Ҳаммом, Сардобалар қурилишида Қир қоришмасига тут ёки узум томири баъзан ширач (елим) аралаштирилиб ишлатилган. Бинони безаш учун бир ёки турли ранглардаги кичик ғиштлардан фойдаланишган. Бундай ғиштлар парчин ёки

---

[1]Зохидов.П.СамаркандскаяшколаЗодчихXIXначалоXXвека.-Т:. 1965, С 16,
[2] Писарчик А.К. Народная Архитектура Самарканде XIX-XXв.в по мат. 1938-41г -Душанбе 1941 С.38
[3] Ўша жойда С39

кошин деб аталган. Деярли барча маҳаллий дарахтлардан фойдаланилган. Лекин, асосан терак, тол, қайрағоч, тут, чинор, арча ёғочлари ишлатиган. Намлик кучли бўлган жойларда тут ва арча доим ишлатилган.

Қамиш—томда ҳавони бир хилда ушлаб туриш термоизолияция сифатида ишлатилган.[1]

Биноларни тасвирий безашда маҳаллий бўёқлардан фойдаланишган. Тухум сариғи ва елим ёрдамида тайёрланган. Бўёқлар ёрқинлиги, мустаҳкамлиги рангининг йўқолмаслиги, намликка қарши таъсирчанлиги билан ажралиб турган. Лаклар зиғир ва арча елими аралашмасидан тайёрланиб бўёқ сифатида ишлатилган. Бино қурилиши пойдевор қуриш билан бошланган. Пойдевор тош ва пишиқ ғиштдан қурилган. Ариқларга яқин жойларнинг пойдеври жуда мустаҳкам қурилган. Кўп ҳолларда пойдевор 3 метр чуқурликда қазилган. Курси барча синч иморатларда асосий елемент бўлиб, хизмат қилган. Пойдевор ва курси деярли бир хил вазифани бажарган. Шунинг учун бино пойдеври бўлмаса ҳам курси албатта бўлган. Курси асосан ғиштдан баъзи ҳолларда тошдан қурилган. Зилзилаларга чидамлилигини ошириш мақсадида девор бурчакларидан курсилар мустаҳкамлаб қурилган. Деворларнинг турли хили бўлиб, булар Тупроқ девор бу енг арзон ва енг тез девор қуриш услуби бўлган. Лойдевор—бир неча пахсалардан иборат. Лойни бир неча кун давомида тайёрлашади. Пахса урушда иккита уста иштирок етган. Ҳар бир қатор пахса уриб тугатилгач тектарош билан қаторни тўғирлаб, қатор қуригач кейинги қаторга ўтган. Ғишт девор— хом ёки пишиқ ғиштда қурилган. Қулф-калит услубида ғиштлар терилган. Синч девор—воҳада енг кўп тарқалган девор тури ҳисобланади. Тахталар бу девор қурилишида асосий ўрин егаллайди. Синчларнинг ҳам тагсинч, тепасинч, заваррав, қалама, пўштак, хавон, каби турлари бўлган. Шунингдек, якка ва қўш синчли деворлар бўлиб, қўш синчлиси иссиқлик ва шовқиндан ҳимояланиш воситасида фойдаланилган. Синчли уйлар халқ орасида машҳур бўлиб, ўзи кенг қулайлиги билан

[1]Зохидов.П.Самаркандская школа Зодчих XIX начало XXвека.-Т:. 1965, С. 17,

ажралиб турган. Синч девор—тинч девор деган мақоллар машҳур бўлган. Кам бўлса ҳам баъзан тош деворлар ҳам қурилган. Бундай деворлар кўпинча тоғли туманларда учраган. Қамиш девор—қамиш билан қопланаган ва тахта деворлар ҳосил бўлган. Устун—бу қурилишдаги енг асосий елемент ҳисобланади. Устун-курси, кўзаги, тана, калла ва бошдан иборатдир. Маҳаллий бозорларда устунларнинг қисмлари сотилган. Устунлар уйнинг мустаҳкамлиги учун хизмат қилган.

Том—бу бинонинг устини ёпиш учун болор ёки тўсин ҳар қадамда қўйилган. Кейин улар орасига васса қўйилиб, васса устида қамиш ёпилади. Баъзи ҳолларда 2-3 қават қамиш ёпилган. Кейин ғиштдан дондана қуришган, қамиш устидан лой қуйилган. Бу сув ўтказмаслик хусусиятига ега бўлган. Кейин яна тупроқ билан тўлдирилиб яна лой билан сувалган. Томда сув учун тарновлар қўйилган. Шифт—кўпчилик шифтлар воҳада Болор ва вассадан иборат. Болорлар ҳам турли хил бўлиб, лўли болар, айлана болар, сорлаб болар, тўртбурчак девор. Ҳар 2,5-3,5 м оралиғида шопил ёки хори қўйилган.

Шопил—бу хона ўртасидан ўтган. Қишлоқ бинокорлигида кенг тарқалган шифтлар тўртбурчак шаклда хоналардан иборат бўлади. Шифтлар уч хил бўлган. 1.Васса шифт. 2. Кабзо шифт. 3. Ломба шифт.

Бу даврда Ургутда вассаларнинг пилтавасса, дувасса, йилвасса каби турлари бўл-ган. Масжид шифтлари қўшкабза, давраҳошия каби услубда қурилган.[1]

Болар ва вассалар яқин қўйилса вассажуфт, бир-биридан узоқ қўйилса—Васса буйра деб аталган.[2]

Равоқ—бу ўзига хос арка бўлган. Бу еса усталарнинг геометрик билимларидан далолат беради. Линга—қийшиқ арка. Гумбаз—бу воҳадаги ўзига хос қурилишни ифода етади Самарқандда Ғаровли гумбаз кенг тарқалган.

---

[1] Писарчик А.К. Народная Архитектура Самарканде XIX-XXв.в по мат. 1938-41г -Душанбе 1941 С. 79
[2] Ўша жойда С. 72

Бизгача етиб келган меъморларнинг чизмаларини кўриб, бу чизмалар ўзига хослиги ва ҳеч қандай замоний чизмалардан фарқ қилмаслигини кўрамиз. Бу еса бизга меъморларимиз ҳаваскор қурувчилар емас балки ўз касби бўйича муайян билимга ега еканлигидан далолат беради. Қурилишнинг катта-кичиклиги, аҳамиятига кўра жой танланган. Қуёш чиқиши ҳам ботиши ҳам ҳиссобга олинган. Айниқса, масжид ва мадрасалар қурилишига алоҳида аҳамият берилган. Албатта бино қурилишида авваламбор тўғри чиқиши учун меъморларимиз режа, чизишга ва хушнурдан фойдаланганлар. Шунингдек газчўб деган асбоб ҳам бўлган. Қурилишдан олдин Режа тортиш иши амалга оширилган. Усталар Режасиз иш—қолипсиз ғишт мақолига амал қилишган. Бу еса меъмор қурувчиларимизнинг ўз ишларига нечоғлик маъсулият билан ёндашганлигидан далолат беради. Режа тортиш мураккаб жараён бўлмасада бинони тўғри, аниқ қурилиши учун хизмат қилган ва барча қурилишларда кенг фойдаланилган. Мавороуннаҳрда меъморчилик ҳақида китоб бўлган, бу “Матла ул-улум ва Мажмаъ ул-фунун” деб аталган, 1845-1846-йилларда тузилган. Ушбу қўлланманинг 31-боби “Меъморлар санъати” деб аталиб, ушбу бобда ҳар бир қурувчи билиши ва амал қилиши шарт бўлган 14 асосий қоидалар белгилаб қўйилган.

1. Авваламбор қаттиқ, мустаҳкам жой танлаш.
2. Танланган жой тўртбурчак бўлиши керак.
3. Пойдеворнинг ҳажми бир-бирига тўғри келиши шарт. Агар бино 1 қаватли бўлса пойдеворнинг кенглиги 1-1,5 газ бўлиши лозим, чуқурлиги ҳам шунча бўлиши керак. Агар кўп қаватли бўлса пойдевор янада қаттиқроқ-кенгроқ бўлиши лозим.
4. Устунлар қанча катта бўлса, бино шунчалик чиройли ва кўркам чиқади. Деворларнинг кенглиги пойдевордан кичикроқ бўлиши лозим. Иккинчи қаватдаги девор пастки қаватдан енсизроқ бўлиши керак. Девор бурчакларини ниҳоятда мустаҳкам қилиб ғишт териш лозим.
5. Томдаги устунлар тоқ қўйилмаган, чунки тоқ хосияциз ҳисобланган. Том мустаҳкамлигига еътибор бериш лозим.

6. Бино баландлиги унинг енига тўғри келиши керак. Иложи борича хоналар квадрат бўлиб қолмаслиги керак, чунки бундай бинолар ноқулай бўлган. Бинонинг узунлиги унинг кенглигидан узунроқ бўлиши лозим. Дарвозалар жанубга қарамаслиги лозим ва бу дарвозалар бошқа ешиклардан каттароқ бўлиши лозим.

7. Бинога ҳаво кириб чиқиши учун катта аҳамият бериш лозим, агар бунга еътибор берилмаса, деворларнинг намиқишига, бузилишига олиб келади.

Шунингдек ушбу қўлланмада турли қоришмалар тайёрлаш тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.[1]

Албатта бу мисоллар яна бир карра меъмор қурувчиларимизнинг чуқур билимга таяниб, ишлаганларидан далолат беради. Воҳа маҳаллаларида кўчалар тор ва бир-бирига чатишиб кетган бўлсада, меъморларнинг санъати қурувчилардаги нозик диди, уйларнинг ўзига хос чирой касб етишига хизмат қилган. Уста—Меъморлар турар жой қурилишига катта аҳамият берганлар ва буни биз неча олимларнинг фикрларига таяниб бaралла айта оламиз. Турар жойлар қурилишига назар ташласак қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин: Уйлар дарвозахонадан бошланиб, уйларга кириш қисми бўлиб, турли кўринишларда қурилган. Дарвозахоналарнинг енг кўп учрайдиган шакли чортоқ бўлган. Шоҳи Зинда, Хожа Абду Дарун, Қаландархона масжидларида чортоқ шаклини кўришимиз мумкин. Йўлак—усти очиқ бўлган.

Далон—еса усти ёпиқ узун йўлак бўлган. Кириш қисмида қурилган.[2] Бостирма усти ёпиқ ёзги хўжалик учун мослаб қурилган жой. Икки қаватли балконли бўлган. Айвон—усти ёпиқ бир, икки баъзида уч томони очиқ хона бўлиб бостирмадан фарқли ўлароқ яшаш учун хизмат қилган. Айвон ердан бироз юқорида қурилган, унинг ёнида яшаш учун хизмат қилувчи хона жойлашган. Бино марказида кириш учун қулай жойда мехмонхона

---

[1] Зохидов.П. Самаркандская школа Зодчих XIX начало XXвека.- Т:. 1965, С 27-28,

[2]Зохидов П.Ш. «Меъмор олами». -Т.: 1996. С. 45

қурилган. Мехмонхонага кириш жойи пойгоҳ хона тўри пешгоҳ дейилган. Ҳурматга сазовор меҳмонлар учун алоҳида жой шохиншилар жойлашган.

Кўпгина бинолар қиблага қаратилган бу еса шаҳар об-ҳавосига ҳам тўғри келган.[1] Шоҳиншинлар Самарқандда икки хил бўлган. Бириҳчи қаватдагиси ердан 40-50 см баландда жойлашган,иккинчи қаватдагиси очиқ балкон тарзида бўлиб, бу ҳол икки қаватдаги меҳмонларнинг бемалол суҳбатлашишларини таъминлайди. Биринчи қаватдаги меҳмонларнинг деразалари бўлмаган. Кўпинча савдогарлар икки қаватли балконли мехмонхона қуришганлар. Булар Европа ва Шарқона дид билан безатилган. Икки ешикли мехмонхоналар дудара деб аталган.

Агар ер майдони кичик бўлиб икки хона қуришга имкон бўлмаса бир хонали қилиб қурилган ва ёзги хоналар шимол томонга қаратилган йил давомида яшашган.

Агар хонанинг олдида даҳлиз бўлса, қишда оилавий яшашган. Бу даҳлиз Зимистон деб юритилган. Хоналар кичикроқ бўлиб қишда иссиқ бўлган.[2]

Қишда яшашга молжалланган уйлар қуёш нури тушиб туриши учун жанубга қаратилган. Даҳлиз айвон ва хона орасидаги хона бўлиб ёритилиши учун деразарга алоҳида аҳамият берилган. Мадон—қоронғу, совуқ хона бўлиб кичик тирқичлар билан ёритилган. Мадонларда ёзги иссиқ ҳаводан озиқ-овқатлар сақланган. Қишда еса хўжалик буюмлари сақланган.[3]

Шунингдек, уйларда ошхона, отхона, сомонхона, оғил, молхона, қазноқ, ҳожатхона (ҳолажой)лар ҳам бўлган. Ошхона қурилишига алоҳида аҳамият берилган ёзда ташқарида ҳам овқат пиширилган. Ошхоналарда тандир, ўчоқ, мўри, хаштак, дудбуролар овқат ҳидини ва тутунини ташқарига чиқиб кетиши учун хизмат қилган. Шунингдек, оштонхона ҳам бўлган.

Хўжалик буюмлари ертўла ёки тагтўлаларда сақланган.[4] Биноларнинг иккинчи қавати болахона дейилган. Ҳар бир уйда чуқурлиги ўртача 1 метрли

---

[1]Зохидов.П. . Самаркандская школа Зодчих XIX начало XXвека.- Т:. 1965, С46,
[2] Писарчик А.К. Народная Архитектура Самарканде XIX-XXв.в по мат. 1938-41г- Душанбе 1941С. 19
[3]Зохидов.П. . Самаркандская школа Зодчих XIX начало XX века. -Т:. 1965, С.46,
[4]Зохидов П.Ш. меъмор санъати. Ўзбекистон архитектураси тарихидан лавҳалар.- Т.1978 11-бет

қудуқлар бўлиб, 6 йилда бир тўлдирилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ошхоналар ташқарида қурилган. Қишда сандаллардан иситиш воситаси сифатида фойдаланганар. Баландлиги ва кенглиги бир хил хоналар қадубор дейилган. Ҳовли биноларни бирлаштирган гуллар, дарахтлар екилган. Шунингдек, ҳовлиларда сўри ва чорпоялар ҳам бўлган. Биноларнинг иккинчи қаватига махсус зинаи- мунори деб аталувчи зинапоялардан чиқишган. Воҳада кўпинча ер майдонининг тўртбурчак 2:3 шаклида бўлишига катта аҳамият берилган. Бундай уйлар чиройли кўринган ва китоб деб аталган. Ҳовлилар икки қисмдан иборат бўлиб ташқари ҳовлида меҳмонлар кутиб олинган ичкарида оилавий истиқомат қилишган.

Қишлоқларда уй-жойлар қурилиши бир оз бошқача бўлган. Оилавий Қўрғон деб аталувчи мустаҳкам пахса девор билан қурилган ташқи ҳовлида яшашган. Ичкари ҳовли чорбоғ деб аталган, ҳовуз ва боғлар ҳам бўлган. Чорбоғларда шийпонлар бўлиб ёзги икки баъзида уч томони очиқ холда қурилган. Ёз кунларида деразалар ёпилган ва уйлар махсус кичик панжаралар орқали ёритлиган. Хоналарнинг пастки қисмида 0,8-1,20 м деразалар бўлиб, совуқ ҳаво кириши учун хизмат қилган. Шунингдек панжара, ковак ва туйнуклар ҳам ҳаво алмаштиришга хизмат қилган. Хаштак—ёритгич вазифасини бажарган ва бинонинг ўртасида параллел шаклда қурилган ва бу ошхоналарда ҳам бўлган.[1]

Карвонсаройларнинг аҳамиятли еканини ҳисобга олиб унинг қурилишига ҳам алоҳида еътибор берилган. Карвонсаройлар савдо учун муҳим бўлган. Сўзангарон, Панжикент, Тошкент кўчаларида карвонсаройлар кўп бўлган. Карвонсаройлар усти ёпиқ ҳовли ичкарида отлар учун емхона бўлган. Шуниндек, меҳмон ва савдогарлар учун алоҳида хоналар ҳам бўлган.

Қишлоқларда соягихона деб ном олган бино бўлиб, унда мева, сабзавотлар ва тамаки маҳсулотлари қуритилган. Шиннихоналарда еса узумдан тайёрланган маҳсулотлар сақланган. Самарқанд шимолида шиннихоналар кўп бўлиб улар квадрат шаклда бўлган. Шиннихоналар ичида

[1]Архитектура Узбекистана. Альманах. -Т. 1985С.55,

ёмлар бўлиб уларда узум шарбатлари сақланган. Шиннихоналарда оилй навли мусалласлар тайёрланганлиги биноларнинг мукаммал қурилганлигидан далолат беради ва бу соҳада ҳам меъморларнинг чуқур билимга ега бўлганликларини исботидир.

Ўрганилаётган даврда воҳада маданий, диний бинолар бўлмиш масжид, мад-раса, ва мақбаралар қурилишига алоҳида еътибор берилган. Масжид қурилишига кўплаб усталар жалб етилган ва улар ўзларининг маҳоратларини бу қурилишда тўла намоён етишга ҳаракат қилганлар. Масжидларда кўплаб одамлар йиғилганлар ва уста қурувчиларнинг кейинги иҳслари учун бу қурилишнинг аҳамияти катта бўлган. Диний нуқтаи назардан бу савобли иш ҳисобланган ва масжидлар қурилиши халқ усталарининг истеъдодини барчага намоён етган. Масжидлар ўз вақфларига ега бўлганлар ва ундан даромад олинган. Масжидлар қурилишини молиялаштирганлар БОНИ дейилган.[1] Баъзи ҳолларда меросхўри бўлмаган одамлар ҳам ўз ер мулкларини, уйларини масжидларга қолдирганлар. Масалан: Мулла Қаландар масжидиниг вақфлари ижарага берилган бир неча дўкон ва чойхонадан иборат бўлган.

**Хожа ЗулМурод** масжиди—шаҳарнинг ичкарисида жойлашган бўлиб, Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида 1833-йилда (1249 ҳижрий) Уста Мухаммад Шариф Дикриз ҳонақоҳ атрофида бино усти ёпиқ айвон курганлиги ҳақида маълумот беради. Шимолий айвонда бу жойни Ҳижрий 1314 йилда милодий 1896 йилда Уста Хушкомилбой Дегреза қурганлиги ёзилган. Шунингдек Уста Мухтор , Уста Абдурауф нажжорлар , Уста Маҳмуд, Уста Наим, Уста Шариф, каби наққошлар, Уста Сайфулла, Уста Камол каби ганчкорлар қурганлиги ҳақида маълумотлар сақланган. Хонақоҳ квадрат шаклда бўлиб ёруғлик манбаи панжаралар ҳисобланади. Масжид хоналари дид билан тош ва аркалар билан безатилган.

**Ҳазрати Хизр Масжиди**— XVIII асрда шаҳардаги вайронагарчилик ва бузиқчилик оқибатларида бу масжид ҳам қаровсиз қолиб катта зарар кўрган.

[1] Писарчик А.К. Народная Архитектура Самарканде XIX-XXв.в по мат. 1938-41г -Душанбе 1941С. 47

Масжид қайта таъмирталаб бўлиб қолади. Бизгача етиб келган масжиднинг ҳозирги биноси XIX аср ўрталарида бунёд етилган ва бир неча марта ўзгартирилган. Масжид меҳробидаги ёзувга таянадиган бўлсак ҳижрий 1271 йилда милодий 1854 йилда охирги марта таъмирланганлигини билиб оламиз. Кейинги ёзувда 1884 йилда таъмирланганлиги ҳақида маълумот бор. 1899 йилда Хонақоҳдаги айвон қайта қурилган.1919 йилда Дарвозахона ҳам қайта тикланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор ва бу қурилишни Хожи Мулла Абдуқодир амалга оширганлиги маълум бўлди.[1] 1854 йилдаги Хонақоҳ Уста Абдуқодир Боқиев бошчилигидаги меъморлар томонидан қайта таъмирланган.[2] Масжид ўзининг чиройли кўриниши билан ҳайратга сазовор бўлиб келмоқда.

**Хожа Ахрор Масжиди**—бу мадрасанинг баъзи бинолари XVIII асрда Нодир Девонбеги томонидан қурилган ,дарвозасида “Шу йўлдан хоҳлаганингни топасан” деган ёзув сақланган. Мадраса ҳовлисида ҳовуз бўлиб, чинорлар билан ўралган. Жануб ва Шарқий қисмида қабристон жойлашган. Шимолий ва жанубий томонларида чиройли айвон жойлашган. Кейинчалик қишда намоз ўқиш учун мўлжалланган бино ва бир нечта ҳужралар жойлашган. Иккинчи айвон ёнида ҳовуз яқинида минора қурилган. Масжид шифти моҳир рассом томонидан нозик дид билан безатилган бўлиб Хўжа Абду Дарун, Хўжа ЗулМурод, Чокардиза меъморлари чизмаларига ўхшайди. Бу масжид ҳам XIX-XX асрларда таъмирланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

**Хожа Нисбат** масжиди—Сўзангарон кўчасида жойлашган. Тўртбучак ғиштдан ганчли қоришмадан қурилган. Масжид квадрат шаклдаги хонақоҳ важанубий томондан унга туташган айвондан иборат. Айвон олдида кичикроқ минора жойлашган. Масжиднинг ўзига хослигини шу таъминлайди. Масжид иморатлари, устунлари лола кўринишида ўймакорлик билан безатилган. Бу қурилиш ҳижрий 1319, милодий 1901 йилда

[1] Зохидов.П.. Самаркандская школа Зодчих XIX начало XX века. -Т:. 1965, С.68
[2]Ўша жойда С.69

қурилганлиги ёзиб қўйилган. Масжид Уста Чамдивор бошчилигида қурилган. Ғишт териш ишларини Уста Зайниддин ва Уста Жамолиддинлар, ганч ишларини Уста Сайдулла бажарган, масжидни наққош Уста Маҳмуд безаган. Бу масжид халқ меъморчилигининг гўзал, ноёб намуналаридан ҳисобланади.

**Хожа Абду Дарун** масжиди XII асрда қурилган бўлсада масжиддаги бизгача сақланиб қолган ёзувларда XIX ва XX асрда қайта таъмирланганлиги маълум ва шу асрда ўзининг ҳозирги кўринишига келган. Уста Абдуқодир, Уста Собир, Уста Содиқ, Уста Абдуғани, Уста Абдузохидлар томонидан қайта қурилган ва ўзининг ҳар томонлама мукаммал шаклга егалигини кўрсатади.

**Шоҳи Зинда** ансабилидаги баъзи бинолар ҳам XIX-XX асрда қурилган. Самарқанд ҳокими Давлат Қусгбеги ҳижрий 1228 йилда, 1812-1813милодий йилларда мадраса қурдирган.[1]

Бу мадраса XVIIIасрдан кейинги даврда қурилган бино ҳисобланади. Ўрганилаётган даврда қурилилган яна бир масжид Каттақўрғоннинг марказида бозор яқинида қурилган Қаландархона масжидидир. Бу масжид хонақоҳ ва айвон, ҳовуз ва минорадан иборат. Тўртбурчак ғишт ва ганч аралашмасидан қурилган. Айвон 1909-10 йилларда қурилганлиги ёзилган. Бу масжиднинг безатиш ишларини наққошлар Жамолиддин ва Уста Камолиддинлар амалгам оширишган. Масжиднинг қурилишига Насрулло Махсум бошчилик қилган.[2]

Бу масжид халқни ҳайратга слоган ва уни мадҳ етувчи кўплаб шеърлар ёзишган. Каттақо`рг`ондаги Қаландархона масжиди минора ва ҳовуз биргаликда такрорланмас гўзалликни намоён еттиради. Бу масжид ўрганилаётган даврда маҳаллий меъморлар томонидан бунёд етилган енг нодир санъат кўринишидир.

Самарқанд ва Каттақўрғон оралиғида Янгиқўрғон тумани бўлиб, бу ердаги масжид кўпчиликни диққатини тортади. Бу масжид қурилишида Уста

---

[1] История Самарканда ТомI-Т:. 1969 С. 301

[2]Зохидов.П. Самаркандская школа Зодчих XIX начало XXвека.- Т:. 1965, С. 87

Зиёдулла фаол иштирок етган. Уста Зариф, Уста Абдуваҳоблар ҳам иштирок етганлар. Бу масжид хонақоҳ, айвондан иборат бўлиб, устунлари ва меҳроблари билан ажралиб туради.[1] Самарқанддаги Оқ Масжид минораси ҳам ўрганилаётган даврдаги меъморларимизнинг маҳоратини намоён қилиб беради. Бу минора ғиштлари сиёҳланган бўлиб, ганч қоришмаси ёрдамида терилган. Минора устида саккиз аркали деразалар бўлиб Уста Мухтор томонидан 1910 йилда қурилган. Бу турдаги миноралар Самарқандда XIX аср охирларида қурила бошланган бўлиб ҳозир ўнлаб шундай миноралларни кўришимиз мумкин.

Ўрганилаётган даврда Ўрта Зарафшон воҳасида масжидлар қурилишини кузатиб қуйидагича хулоса қилсак бўлад: Барча масжидлар анъанавий тарзда ёзги айвон ва қишги хонақоҳдан иборатдир. Масжид тузилиши: айвон, хонақоҳ, пешайвон, қўшайвон, кўшк айвон, бурчак айвон. Қўш айвон енг баланд ва енг мураккаб кўриниши ҳисобланади. Хонақоҳ-кўпинча квадрат шаклда баъзида тўртбурчак шаклда қурилган. Устунларнинг сони катталигига қараб турлича бўлган. Маҳаллий аҳоли кўп ҳолларда бир ва тўрт устунли хонақоҳлар бино қилганлар. Агар бино тўртбурчак шаклда бўлса иккита устун бўлган. Хонақоҳларга кириш ешиклари саккизтагача бўлган. Ешиклар устида ёруғлик манбаи бўлиб хизмат қиладиган панжаралар ўрнатилган. Меъморлар айниқса мехроб қуришга ва уни безашга алоҳида аҳамият берганлар. Чунки меҳроб муқаддас ҳисобланган. Шифтлар кўпинча ганч ва турли безаклар билан безатилган. Маҳалла масжидлари маҳаллаларни бир-бири билан туташтирувчи бино вазифасини бажариб марказда қурилган. Қишллоқ масжилари еса ўзига хос оддий қурилиш услуби билан ажралиб турган.

Тадқиқотларимиз натижасида яна шу аниқландики мақбаралар қуриш ва қайта таъмирлаш ҳам меъморлар томонидан аъло даражада бажаришган. Шундай мақбаралардан бири Хўжа Дониёр мақбараси бўлиб, Абу Тоҳирхўжа ўзининг “Самария” асарида бу мақбара ҳақида маълумотлар берган. Мақбара

[1]ЗохидовП.Ш. меъморсанъати. Ўзбекистон архитектураси тарихидан лавҳалар.- Т.1978 89-бет

XX асрда таъмирланиб Уста Рофи ишларни бошқарган. Бу бино Сиёб ариғи ёнида шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган. Бу мақбара дарвозахона ва бош бинодан иборат бўлиб, зинапояларининг кўриниши аҳамиятлидир.[1]

Умуман олганда ўрганилаётган даврда асосан Саҳн, айвон, хона асосий бино қисмлари ҳисобланган. Деворлар тўрида тахмон, танча бўлган. Саҳн—бу бинонинг қолган қисмлари билан туташтирувчи очиқ қисмдир.[2] Саҳнсиз халқ қурилиш услубини тассаввур қилиб бўлмайди. Айвон—бу меъморлар орасида турли кўринишга ега бўлган ва кенг тарқалган қисмдир. Айвон марказий қисм ҳисобланиб, халқ меъморларининг ўзига хос томонларини ифодалайди. Хона—бу ўз вазифасига кўра турлича аталади ва бу яшаш учун хизмат қилади. Биноларнинг ташқи кўрниши турлича қилиб безатилган. Масжидларнинг кўриниши жуда оддий бўлган. Шунингдек, мақбара ва хўжалик биноларининг ҳам кўриниши оддий лекин, қулай бўлган. Деворларнинг марказида турли композициялар ишланган.

XIX аср ва XX асрда Самарқанд меъморчилигида ўзига хос дарвозасозлик мактаби ҳам шаккланди. Ўрганилаётган даврда дарвозалар орасида Уста Сиддиқ томонидан "Тиллакори" мадрасаси дарвозаси Мирзо Улуғбек мадрасалари дарвозалари мисол бўла олади. Шунингдек, Шердор мадрасасининг шимолий, Ҳазрат Хизр мадарасаларининг кириш қисмидаги дарвозлари, Шоҳи Зинданинг кириш дарвозалари шу даврда ишланган. Дарвозалар 3 турга бўлинган: 1) Боғдодий 2) Хувайдо 3) Нишон (Нишонбой).

Дарвозалар бир табақали ва икки (қўш) табақали бўлган. Меъморлар айниқса ташқи дарвозаларга катта аҳамият берганлар. Бу еса халқ меъморчилигининг асл моҳиятини англатади. Самарқанд усталарининг ганчкорлик ва ўймакорлик махоратлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Шунингдек, биноларда турли тасвирлар чизилган. Мажнунтол тасвири ёки гулдондаги гуллар тасвири кўпроқ туширилган, гуллар наққошлар меҳнати

[1]Абу Тоҳир Хўжа "Самария" -Т 1991-йил 51-бет
[2]Зохидов.П. Самаркандская школа Зодчих XIX начало XXвека.- Т:. 1965, С.98

билан тасвирланган. Шунингдек, якзанжир, қўшзанжир, Сардорканор, Сардарбогайи (севишганлар), Сардарконари дудтаги каби тасвирлар ҳам бўлган. Биноларни бўяшда қалам, пилта қалам, заварров, минкор, шутургардон, патак бинни, пух, ёйқалам, нова деб аталган турли асбоблардан фойдаланилган. Асосан гул, боғлар тасвири туширилган, кашиш, охта, гирех-геометрик шакл бўлган. Заминкор, лўли пардоз, по`х пардоз, табақа пардоз каби деворлар безаги бўлиб ҳар бири ўзига хос хусусияти билан бир-биридан фарқ қилган. Ўймакорлик заминсиз ва заминли ўймакорликка бўлинади. Заминли ўйманинг зангмира, қирма, ёрма, ёйма, лўли пардоз каби турлари бор.

Самарқандликлар ёйма, қирма, ёрма пардоз турларидан кенг фойдаланаганлар.[1]

Сангтарош-тоштарош усталар бинонинг мармар ва тош безакларини пардозлаш-ган. Шунингдек, кошинтарош усталар бўлиб, улар ҳар хил рангдаги кошинларни кесиб, улардам гуллар ва ёзувлар мазоикасини ишлаганлар. Наққошлар уста мўйқалами билан деворлар, шифт ва гумбаз остига расмлар чизиб, турли рангларда бўяганлар. Бундан бир неча ўн йиллар олдин рассом рестовратор Г.Н. Никитин Самарқанддаги Шоҳи Зинда мақбарасини таъмирга тайёрлаш вақтида ганч шувоғи қатламини кўчириб, шувоқ тагида нақшин гулларни кўриб қолади. Ниҳоятда нозик дид билан ишланган гуллар рассом еътиборини жалб етади. Ушбу нақшларда ижодкор устанинг номи ҳам битилган. Бу нақш 1832 йилда уста Раҳмонхол томонидан бажарилган екан. Г.Никитин бинонинг бир неча юз йил олдин қурилганлигини тахмин қилиб, шувоқларни тагида яна бошқа нақш ҳам борлигини айтди ва рассом худди китобни варақлагандек ганч қатламларини очиб, тўрт даврга оид, бир-биридан бутунлай фарқ қилувчи ҳар бири етук санъат намунаси бўлган нақшларни топди. Наққошларнинг бу бой ва турли хил санъат намуналарини таърифлашга тил ожиздир.[2]

---

[1]Зоҳидов П.Ш.Меъмор санъати.Ўзбекистон архитектураси тарихидан лавҳалар.-Т.1978-йил. Б-122

[2]Зохидов.П. Самаркандская школа Зодчих XIX начало XX века. -Т:. 1965, С.122

Наққошлар ўз иш услубларини етти хилга бўлишган булар: ислимий, хитоий, обр, вах, нилуфар, фаранги ва банди Румийдир.  Ислимий асосан табиатдаги ўсимликларга тақлид қилиб ишланган гуллардан иборат бўлган. Хитоий—кўпроқ геометрик шакллардан, абр нақши минятураларида ҳаво ва булутлар тасвирланган. Абрдончилик безаги асосан мато безакларида шохи атласларда кенг тараққий етган.

Банди Румий нақши ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб алоҳида ажралиб турувчи кесишган бандлардан ясалган.  Ислимий нақши икки турга бўлинган:

1) декаратив панно  асосини ташкил етувчи мажнунтол, тувакда гул каби сифатидаги нақшлар.

2) енг кўп тарқалган таноб, барг, банд, ғунча, гул каби декаратив елементлардан иборат. Бу усулни усталар севиб ишлатишган.  Таноб—нақшини таҳскил етувчи ўзак йўл-чизиқ бўлган.  Банд—ислимий нақшларидаги бирор ўсимлик ва дарахт танасини ифодалайди. Меъморлар қўшкабза, давра-хошия услубидан фойдаланганлар. Пардоз деб ганчкор усталар ўймакор нақшда таноб, банд, барг каби елементларнинг кесиб шакллантириш усулига айтилади. Масалан бирор гул ўйиб ишланган екан битта шакл асосида турлича натижа олиш мумкин: кўндаланг кесим, ярим доира, тўғри тўртбурчак, учбурчак ва ҳоказо шаклда кесилса нақш кўриниши ўзгаради. Шу кўндаланг кесимга нисбатан усталар қирма, ёрма, чизма, табақа каби пардоз турларини фарқ еришган. Ганчдан ишланган нақшларнинг пардозига қараб ўймакорларнинг чексиз й имкониятларини намоён етиш мумкин.  Мажнунтол—декоратив санъати ўзбек меъморчилигининг ажраламас қисмидир. Нозик ва нафис ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, ранг-баранг наққошлик намуналари халқ меъморчилиги тараққиётини, унинг услуб хусусиятларини кўрсатиб берувчи бадиий воситадир.

Каттақўрғонда шундай бир афсона бор: “Ўз даврининг икки етук наққош ва ганчкорлари узоқ вақт давомида  қайси бирларининг санъатлари кучли еканлигини тўғрисида баҳслашибдилар.  Уларнинг ҳар бири ўз

ишларининг устаси ва уларнинг иши бирдек чиройли ва бетакрор еди. Шунда бу масалани ҳал етиш учун ҳар бир устага бир бинонинг икки томони ажратиб берилибди. Усталар бир-бирларининг ишларини кўрмай ишга тушибдилар. Наққош жуда кўп ва маҳорат билан ишлабди, ганчкор вазминлик билан ишлаб тез орада ишини тугатганлигини айтди. Бинонинг бошқа қисмини бир неча кун ўтгачгина наққош томонидан тугатилганлиги маълум қилинди ва ниҳоят пардалар олинди. Ганчкор ва наққошнинг санъатларидан одамлар баҳраманд бўлдилар ва ҳайратдан лол қолдилар. Иккала устанинг ҳам иши бир хил еди. Қандай қилиб бир-бирини ишини билмаган усталар бир хил композиция яратишди. Ақл бовар қилмайди. Бунинг сири нимада? Кейин аниқлашларича ганчкор деворни шундай маҳорат билан ишлаган едики бу девор ойна каби қаршисидаги нақшларни акс еттирган. Ўшанда ғолиблик ганчкорга берилган екан. Айтишларича ганчкор ва наққош ўртасидаги бахс ҳозиргача давом етмоқда. Наққош ва ганчкор бир-бирларидан ўзишга ҳаракатлари давом етмоқда ва натижада халқ меъморчилиги янада тараққий етмоқда. Халқ бу ҳар иккала буюк санъаткорлик қобилиятини асрлар оша асраб авайлаб келмоқда. Чунки ҳар бирининг меъморчиликда ўз ўрни бор, улар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради, гўзаллаш-тиради."[1]

Енг бақувват мустаҳкам тоғда ўсувчи заранг дарахти ҳисобланган ва шу дарахтдан асбоблар, дасталар ясалган.[2] Воҳа меъморчилиги ҳақида шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, меъморчилик санъати Бухоро ва Тошкент услубига яқин бўлган. Фарқли томонлари сифатида воҳа меъморчилигидаги айвон ва шохиншинларни кўрсатишимиз мумкин. Ганч санъати Бухоро услубига яқиндир. Самарқандда асосан ганч панжаралар бўлиб, Тошкент ва Фарғонада панжаралар йўгочдан тайёрланган. Иморат усталари турли вазифаларни бажарганлар. Оддий девор урувчи пахсакашдан то синчкорий иморат усталари чўбкор, нажжор, дуруздор, дурадгорларгача

[1] Ўша жойда С.127-128
[2] Писарчик А.К. Народная Архитектура Самарканде XIX-XXв.в по мат. 1938-41г- Душанбе 1941 С.65

мавжуд бўлган. Бино деворларини кўтарган ғиштткор унга гумбаз ва равоқлар боғлаб, пештоқлар ўрнатган, гилкор ва ганчкор усталар шувоқ ва ганчин безаклар беришган. Кошинтарош усталар турли ранг кошинларни кесиб, улардан гуллар ва ёзувлар мозоинларини ишлаганлар. Наққош уста мўйқалами билан деворлар, шифт ва гумбаз остига расмлар чизиб, ранг-баранг тусда бўяган. Бино қурилишида енг олий мутахассислар: меъмор, бонно, муҳандислар ҳисобланишган. Бинокорликда енг асосий касбларни егаллаган ижодкорлар меъмор ёки муҳандис деб таърифланган. Халқ меъморлари гиреҳ деб номланувчи мураккаб геометрик орноментлардан фойдаланганлар.

Гиреҳ—тугун демакдир. Тўғри чизиқларнинг кесишмаси натижасида шундай чигал шакллар пайдо бўладики уларни қандай ясалганлигини англаш қийин. Гиреҳлар чизилган қоғоз ўрамлари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кузатишлар натижасида барча гиреҳлар тақсим деб аталган жуда оддий елементдан ташкил топиши аниқланди ва шу тақсимнинг такрорланиши тугалланган композицияни ҳосил қилади. Гиреҳ каби муқарнас, ироқи системалар ҳам бўлган.[1]

Барча бинолар маҳаллий қурилиш материалларидан қурилган. Меъморлар хона ҳавосига катта аҳамият бериб вертикал ва горизонтал ҳаво алмашувини таъминлашган. Мадраса қурилиши асосан Улуғбек мадрасасининг кичикроқ нусхаларини намоён етади. Карвонсаройлар қурилиши анъанавий тарзда давом етган.Ургутлик уста Облоқул халқ меъморчилиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Ўрганилаётган давр меъморчилигида Ургут шаҳри қурилишлари бевосита Облоқул уста номи билан боғлиқдир.

Каттақўрғонлик Уста Шокир ғиштли бинолар қурувчиси сифатида, Уста Яшузоқ еса синч иморат устаси сифатида машур бо`лган. Янгиқўрғонда ёғоч ўймакорлиги билан Уста Сайдулло машҳур бўлган. Шунингдек, наққош Уста

---

[1]Зохидов П.Ш. Меъмор санъати -Т:.И том 1978. 28-бет

Рахмонхол, Уста Маҳмуд, Уста Мансур, Уста Камолиддин, Уста Жамолиддинларнинг номлари ҳам халқ орасида машҳур бўлган.[1]

Халқ меъморлари микроклиммат яратишга, кундузги хонанинг исишига, хоналарда салқинликни сақлаб қолишга, ҳаво алмашинувига катта еътибор берганлар. XIX аср ва XX асрда Самарқандлик усталар халқ меъморчилгининг ворислари ва давомчилари сифатида Самарқандда асрлар оша шаклланган меъморчилик мактабининг ривожига улкан хисса қўшдилар. Усталаримиз анъанавий услубни давом еттириб янги бетакрор бинолар қуришни давом еттирдилар. Ўрганилаётган давр меъморчилиги ўзининг турфа хиллиги билан давр ижтимоий-иқтисодий маданий ҳаётини акс еттиради. Меъморларимиз юқори билимларга асосланиб қурилиш олиб борганлар. Улар давр маданиятини акс еттирганлар ва ривожлантирганлар. Самарқандлик Уста Абдуқодир Боқиев воҳа меъморчилиги тараққиётига муносиб хисса қўшган ва ўзининг ишлари билан машҳур бўлган. Уста Абдуқодир Ўрта Шарқнинг кўплаб мамлакатларида бўлган. Макка зиёратидан Самарқандга қайтгач уста ўз кўрганларини дўстларига сўзлаб беради ва ўз шаҳри Самарқандда Авлиё София ибодатхонаси каби бино қуриш фикри пайдо бўлганлигини айтади.[2]

Албатта бу мисолларга таяниб шуни айтиш мумкинки Самарқандда XIX аср ва XX асрларда ўзига хос юксак меъморчилик санъати ривожланган, Самарқандлик усталар ўз даврининг енг замонавий билимларига ега бўлиб, инсониятни лол қолдираёрган юксак қурувчилик маданиятининг муносиб ворислари бўлишган. Уларнинг фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш тарихимизни ўрганиш ўтмиш маданиятимиздан хабардор етиши шубҳасиздир.

## 2.3 Самарқандда чор россияси даврида шахарсозликнинг ривожланиши

[1] Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқасҳа тарихи- С:. 1993. 17-бет
[2]Зохидов.П. СамаркандскаяшколаЗодчихXIXначалоXXвека. –Т. 1965, С.135

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси армияси Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон каби шаҳарларини истило қилади. Босиб олинган ҳар бир шаҳарда улар ўз қўними ва тинчлигини тъминлаб бўлгач, ўзлари ва армиясининг эркин жойлашиши, шаҳарлар ва округларни бошқариш, ўлкадаги ўз вазифаларни бажариш мақсадида шаҳарсозлик ва меъморчилик ишлари бошлаб юборади. Шаҳарларнинг экси қисми эса ўзгаришсиз ўз ҳолича қолдирилади.

Чор Россияси армияси эгаллаган тарихий шаҳарларда ўзлари учун шаҳарнинг янги "европача" қисмини шакллантирадилар. Шаҳарларнинг янги европача қисмида армия баталионлари, рус чиновниклари ва уларга хизмат кўрсатувчи русий забон аҳоли жойлаштирилиб, уларнинг эркин ва осойишта европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берилади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб то Христиан дини черковларигача қурилади.

Бунинг учун эса энг аввало Чор Россияси ҳукумати истило этилган шаҳарларда янги европача шаҳар қуриш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни ўз армиялари ва маҳаллий халқ кучи ёрдамида амалга оширишга киришадилар. Масалан, Самарқандда бунинг учун энг қулай шаҳарсозлик режаси тарзида тарихий шаҳардаги мавжуд арк-қалъадан бошлаб унга нисбатан радиал-доира шаклида жойлашадиган янги шаҳар қурилиши амалга оширилади. Ўқдай тўғри радиал ва айлана кўчалар қурилиши ва уларни европача кўкаламзорлаштириш, кўчалар четимига соя берувчи манзаравий дарахтлар (улкан чинорлар, қайрағочлар, пирамидасимон толлар) қаторлаб экилиб тротуарлар вужудга келади [29].

Самарқанд шаҳри коменданти жойлашган кўча бўйлаб европача узун ва кенг хиёбон - "бульвар" лойиҳаси ишланиб амалга оширилади. Бу бульвар (у ўша даврда Абрамовский бульвар деб аталган) Самарқанд шаҳарнинг янги европача қисмини унинг эски тарихий қисмидан ажратиб турган. Унинг дастлабки майдони 7 гектар, узунлиги 804 м., эни 133 м. бўлган [2]. Узун ва

энли бульвар буйлаб дастлаб тўртта ёпиқ хиёбон ташкил этилган. Хиёбонларга чинор ва “Сафидори Самарқандий” деб номланган соя берувчи оқ терак дарахтлари экилган. Кейинчалик Собиқ Шўро ҳукумати даврида бульвар энига анча қисқариб четки хиёбонлар ўрнига магистрал кўчалар ўтказилади. Натижада у торайиб 2 хиёбонлик бульварга, яъни ҳозирги кўринишига келиб қолади.

Шаҳар коменданти биносининг олдида унга туташ тарзда катта боғ ҳам ташкил этилган. У дастлаб 6.5 гектар бўлган. Янги шаҳар марказида эса Зарафшон округи бошлиғи биносининг атрофида ҳудуди 5.67 гектарли янги боғ ташкил этилади [22].

Округ бошлиғи биносининг олдида 1868 йилдаги жангда қурбон бўлган русларга атаб ёдгорлик ва боғча бунёд этилади.

Шаҳар коменданти боғи ичида манзарали кўл ҳам мавжуд бўлиб, боғ атрофи девор билан айлантирилган ва унда асосан рус чиновниклари ва уларнинг оилалари фойдланган. Кўл ичидаги оролчада сувда ўсувчи ва соя берувчи кўркам дарахтлар экилган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Боғнинг дарвозаси қошига “Солдатам, собакам и сартам вход в парк строго воспрещен” деб ёзиб қўйилган. Шўролар даврида бу боғлар бир-бирига қўшилиб юборилиб, социалистик тизимга хос “маданият ва истироҳат боғи” ташкил этилган. Ҳозирги қайта ишланган боғ ўша боғлар ҳудудида барпо этилган.

Самарканднинг европача типдаги қисмини қуриш ишлари 1871 йилда бошланди. Ўша вақтда округ губернатори генерал Абрамовнинг буйруғига мувофиқ, маҳаллий аҳолининг ер участкалари мусодара қилиниб ва сотиб олиниб, офитсерлар ҳамда амалдорларга, кичик ҳарбий лавозимдаги оилали кишиларга, ва мустасно тариқасида, рус савдогарлари ҳамда мешчанларга бўлиб берилган. Кичик лавозимдаги ҳарбийларга „Солдатская слободка" аталувчи шим.ғарбий блок ажратилган. Уша даврда эски ва янги шаҳар ўртасида хиёбон бог барпо этилди, ҳарбий губернатор уйи, казармалар, офитсерлар мажлис ўтказадиган бино қурилди. Подшо Россияси

мустамлакачилиги даврида Самаркандда бир нечта кайта  ишловчи майда корхоналар вужудга келди. Шаҳарда 34 пахта тозалаш, 20 та вино, бир нечта спирт, пиво заводлари, тегирмонлар ишлаган. Металлни кайта ишлаш заводида 1та пресслаш, 2 та йўнувчи, 2 та винт кесиш станоги бўлиб, чуян буюмлар, занжир, паншаха, кетмон, болта каби буюмлари ишлаб чикарилган. Самарканд ахолисининг саноатининг кўлами бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринлардан бирида булган. 1930 йиллапиллакашлик ва шойи тўқнш фабрикалари, меваконсерва заводи, чой қадоқлаш фабрикаси курилди. 1940—70 йилларда Самаркандда, "Красний двигател", „Кинап" тамаки ферментатсия заводлари, йигирув фабрикаси, суперфосфат заводи, поябзал| тикувчилик фабрикалари, чинни заводи ва бошка корхоналар қуриб ишга туширилди. Шўро даврида шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисми обод қилинди, аҳолиси кўчиб келувчилар хисобига ортиб борди. Эски шахар қисми эса ўз ҳолича ташлаб кўйилди. Кўп меъморий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, ҳароба ҳолига келиб қолди.

Европа шаҳарсозлигининг кириб келиши ва Туркистон шаҳарларининг янгича қиёфаси  Маҳаллий меъморчилик ва рус архитектурасининг ўзаро таъсири натижасида юзага келган янги муҳандислик қурилиши ечимлари тараққий етди. Анъанавий меъморчиликнинг ривожланиши рус савдо саноат егалари, бошқа тил ва  диндаги халқнинг Туркистонга кириб келиши бевосита шаҳар тузилишига ҳам таъсир кўрсатади.

Самарқанднинг шарқий, жанубий, жанубий-ғарбий қисмлари Дарғом каналигача боғлар билан ўралган. Бу боғларнинг мевалари жуда машҳур бўлган. Самарқанддаги масжид ва боғлар кўплигидан, уларнинг аниқ сонини аниқлашнинг иложи йўқ. Ҳиндларнинг алоҳида карвонсаройи ҳам бор. Бибихоним мақбараси яқинидаги майдонда жазо ижро етилади.[1] Шаҳарнинг асосий қисми баланд тепаликда жойлашган қўрғон ҳисобланган. Қўрғоннинг бир қисми шаҳарнинг ичида, яна бир қисми еса шаҳарнинг ташқарисида еди. Қўрғон халқа деворлар билан ўралган ва махсус хандақлар ҳимоя воситаси

---

[1]1872-yil. Самарканд //Туркестанскийсборник. Т.57. С.210-213

бўлган. Қўрг ъоннинг умумий майдони 100 таноб, 40000 $м^2$ бўлиб, Бухоро қўрғонидан каттароқ бўлган.[1] Қўрғон ичида шаҳарнинг асосий марказий кўчалар, жанубий-ғарбида  Темурийлар даврига оид Қутби Чор Духум сақланган.[2]  Қўрғонда Самарқанд мудофаасида ҳалок бўлган аскарларга ва полковник Саковинга монумент қўйилди.[3]   Шаҳарда Қутби Чор Духум ва бошқа 200 дан ортиқ мақбаралар жойлашган. Кўктошда ҳозир рус байроғи ўрнатилган.[4]  Шаҳарнинг енг катта жойи Кўк Тош номидан келиб чиққан Кўк Сарой ўрнидаги сарой ҳисобланган.

Самарқандда иккита карвонсарой, иккита Хожа Ахрор ва Мирий ҳаммомлари мавжуд. Кунлик савдодан ташқари ҳафтанинг Душанба ва Пайшанба кунлари катта бозор бўлади. Шердор мадрасаси олдида атторлик буюмлари, Бибихоним мадрасаси яқинида от савдоси бўлади.[5] Регистоннинг шимолий-шарқий бурчагида Тиллакори мадрасаси орасида кўча бўлиб ҳар икки томонида дўконлар жойлашган. Бу янги растада Чоршанба ва Якшанба кунлари бозор бўлади.[6] Қўръгонда сарбозлар саройи, масжидлар, мадрасалар ва кўплаб дўконлар хизмат кўрсатган.

Сарбозлар саройи олдида порох омбори, бу ерда шунингдек полковник Скоболевга ва бошқа аскарларга қўйилган мақбара жойлашган. 1871 йилда бу ерда черков очилган. Бухоро дарвозаси ёнида рус савдогарлари растаси ва рус мактаби бор.[7] 1868 йилда руслар биринчи бўлиб кирган жой ҳам шу қўрғон ҳисобланади. Рус аскарлари қўрғон ичкарисидаги ва унга яқин маҳаллаларга жойлаштирилган.  Саройда—лазират, масжидда округ бошлиғининг девонхонаси, Али мадрасасида қамоқхона, Юсуфбой маҳалласида маҳаллий халқ учун шифохона ташкил етилган.

---

[1] Нильсон В.А. Уистоков совеременного гродостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века -Т:. 1988.С. 96

2Курахмедов А.Е. Шарипов С.И. “Туркистон тўплами”да  Самарқанд тарихий ёдгорликлари.// Ватантарихинингдолзарбмуаммолари. 2004

[3] Из Среднеазиатских Владений год 1873. //Туркестанскийсборник. Т.57.  №23.С. 195.

[4]Самарканд //Туркестанскийсборник. Т.57. .С.198

[5]XaпikovСамарканд //Туркестанскийсборник. Т.389.С. 7

[6]Самарканд //Туркестанскийсборник. Т.57. С184

[7] Ўша жойда С199

Албатта русларнинг келиши билан иқтисодий-сиёсий, маданий ҳаётда катта ўзгаришлар рўй берди. Воҳа шаҳарларида янги Оврўпа услубидаги меъморчилик кириб келди. Албатта бу қурилган янги бинолар шаҳар ҳаёти тараққиётига хисса қўшди. Лекин кўплаб тарихий масжид, мақбара, мадрасалар бузилиб ташланганлиги ачинарли ҳолатдир. Бундай социал муносабатлар шаҳарларни кенгайтиришдаЕвропа шаҳарсозлигида қўлланиб келинаётган икки хил усулни татбиқ етишини тақоза қилди. Биринчиси буенг қадимги замонда Ҳиндистон ваХитойда маълум бўлган ҳамдаЕвропа шаҳарсозлигида Милет шаҳрининг тарихини тузган меъмор Гиппо номи билан боғлиқ «Гипподамово плонировка» деб аталадиган муттасил (регулярная плонировка) тарҳ тузиш ва унинг асоси шаҳар бунёд етиш ҳисобианади. ЎртаОсиёда муттасил катакли шаҳар тарҳи қурилишдаБишкек, Олма-ота каби шаҳарлар бунёд етилди. Европа шаҳарсозлигининг иккинчи кўриниши - бу уч нурли композиция кўринишидир. Бундай усулни Москва шаҳрининг тузилишига ўхшаш радиал-ҳалқа (русчасига-радиалноколсевая плонировка) тарҳ тузилиши деб ҳам аталади. Умуман олганда бу дастлаб Версалда қўлланилиб, қаср биносига келиб туташувчи учта нур тарзида жойлашган кўчалар воситасида тузилган тарҳдан борат. Вашингтон ҳам шу усул (капитолий ва унга йўналган уч кўча) тарзида солинган. Москва шаҳрининг ҳам XIXасргача бўлган кенгайиши бу усулни бир қадар ўзгартириб нур-ҳалқа тарзигаолиб келди. Самарқанд, Тошкент, янги Марғилон (Фарғона), Андижон каби шаҳарларнинг янги қисмлари шу усулда кенгайтирилди. Бунда кўпинча ўртаасрларда бунёд етилган арк, ўрда ёки қъалъа ўрнида ўшашаҳарлар ҳарбий ҳокими қароргоҳи қилиб, ундан кенгайиб борувчи кўчалар бунёд етилган. Ба`зи ҳолатларда ҳам янги ҳоким қўрғони олдига кенг хиёбон тарзидаги майдон-есплонода ташкил қилинганини кўриш мумкин[1].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд янги шаҳри қурилиши учун ғарб томондан ески шаҳарга ёндашган Амир Темур Кўксаройи ўрнида турган

[1]АҳмедовМ.К. ЎртаОсиёмеъморчилигитаърихи.-Т:. 1995, 132-бет.

Ўрта аср қўрғони марказ қилиб олинди. Қўръгон эски шаҳардан чуқур орқали ажралган, баландлиги 10 метрча келадиган тепаликда мудофаа девоир билан ўралган мавзеъидан иборат.

1868 йилдан кейин қўрғон қисман бузилган. Аммо девор ичкарисида Самарқанд бекларининг "Кўк Тош"ли саройи ва Темурийлар даврида қурилган кошинли безак қолдиқлари сақланган. Улкан гумбазли Нуриддин Басир Қутби чор Духум мақбараси жойлашган.[1] Ҳозирда қўрғон ўрнида кўп қаватли маъмурий бинолар ва опера ва балет театри қурилган. Самарқанд вилоятининг маъмурий маркази сифатида қурилишлар бошланди. Янгича услуб, дид, янги қурилиш материаллари кириб келди. Чор ҳукумати воҳани босиб олгач ҳар томонлама халқни динидан, маданиятидан йироқлаштиришга ҳаракат қилди. Янги шаҳарсозликда ҳам бу бош ғоя бўлиб қолаверди. Албатта, бу даврда қурилган аксарият бинолар ҳозирги кунгача сақланган. Бунда баъзан кўчаларни кенгайтириш ва янги қўрғонларни бунёд етишдаэски тарихий ва меъморий обидалар бузилиб йўқ қилинди. Буни айниқса Самарқанд шаҳри мисолида кўриш мумкин. Самарқанддаги қурилиш ишлари 1868 йилнинг охирида Георгий христиан черкови қурилиши билан бошланди. У бир уч олддан иборат бўлиб унинг гумбази яссироқ ғарб томони икки қаватли қўнғироқхонадан ташкил топган. Қўнғироқхона ва черков биноси шимол ва жануб томондан оддий фигурали хоч белгиси билан безатилган. Бу черков унча катта бўлмасадаархитектуравий жиҳатдан чиройли қилиб безатилган мустаҳкам бино еди. Бу черков чиройлироқ қилиб кўриниши учун унинг атрофида тез орада қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бундай ободонлаштириш ишларига полковник Л.Серов раҳбарлик қилган. Бу ердан Регистонга бориш учун кенг йўл ваэски шаҳар орқали Регистоннинг шимоли - ғарбидан утган битта йўл очилди. Бу икки йўл ҳам Самарқанд беги қароргоҳи олдидан ўтар еди. ХИХаср охирида Самарқанд беги қароргоҳи ҳозирги опера-балет театри

---

[1]Галендар Борис. "Янги шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари".Фан ва турмуш. 2007 л 3-4-сон. 74-бет

ўрнида жойлашган еди[1]. 1868 йилдаёқ К.П.Кауфман буйруғи билан Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари бошланди. Бу таъмирлаш ишларини ҳарбийлар бошчилигида аскарлар ва маҳаллий усталар бажаришган. Бу ишларни маҳаллий меъморларсиз қилиб бўлмас еди. Чунки анъанавий қурилишдан фақат уларгина бохабар бўлганлар.

1870 йилдан бошлаб Шоҳи Зинда ансамбилида катта таъмирлаш ишлари бошланди ва бу ишларга Уста Боқининг хизматлари катта еди.[2] 1871 йилда ҳарбий муҳандис З.Е.Жижеменский қўрғондан Гўри Амирга олиб борадиган йўл қурди ва мақбара ёнида кичик боғ ташкил етилди. Палаков ва Л.Серова бошчилигида арк атрофи тўла қайтадан режалаштирилди. Подшо россиясининг ҳам, рус савдогарларининг ҳам бош мақсади ўлкани руслаштириш бўлган. 1870 йилда А.П.Черновский бошчилигида Шоҳи Зинда зинапоялари қайта тикланди ва мақбарани шаҳар билан туташтирувчи йўл қурилди. Регистонга елтувчи кенг кўча шимолий-ғарбий регистонни бирлаштирувчи яна бир кўча қурилиб, шаҳар маркази билан туташтирилди. 1875 йилда Регистон майдонида таъмирлаш ишлари бошланди. Қамал вақтида вайрон қилинган деворлар, миноралар тикланди. Вақтинчалик фаолият кўрсатадиган растaлар олинди. Майдон ғиштли панжара билан ўраб чиқилди. Бу ишларнинг асл мазмуни шубҳасиз маҳаллий халқни ҳурматини, еътиборини қозониш бўлган. Лекин, агар ески мақбара ёки мадарасалар ҳарбий режага тўсқинлик қилса ҳеч шубҳасиз бузиб ташланган. 1893 йилда қурилиш вақтида Қутби-Чор-Духумни портлатишган. Чор маъмуриятининг бу шаҳарга қизиқишидан асосий мақсади аста-секинлик билан руслаштириш еди. Шунинг учун уларнинг олдидаги асосий масала Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Зарафшон водийсида янги “Самарқанд шаҳри”қуриш эди. Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1870 йилда бўлажак шаҳарнинг қурилиш режасини тасдиқлади. Режада шаҳар

---

[1]Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX начало XX века- Т:. 1988. С. 97

2Ирискулов О. Ёрқулов А. Самарқанд шаҳрининг ХИХ аср охири ХХ аср бошларида қурилган маданий иншоотлари. // Тарих ва хотира. -С 2007

атрофидаги маҳаллий аҳоли участкалари тортиб олиниши ҳам назарда тутилган эди.

1871-йилда Генерал-маёр А.К.Абрамов буйруғи билан учинчи баталъён командири полковник Норбота бошчилигида Самарқандда “Рус шаҳри” қуриш ҳақида буйруқ берилди. Бу махсус комиссия янги рус шаҳри учун қулай, сувли, ёз кунларида салқин жойни танлади.[1] Яшаш шароити қулай бўлган ер участкалари рус ҳарбийларигаажратилди. 1871 йилда шаҳарнинг жанубий-ғарбида, Бухоро дарвозаси томонда, Каттақўрғон йўлидаги участкалар ажратилди. Шу ернинг ўзида ҳарбий қалъа бунёд этилди. 1871 йилда муҳандис П.А.Наладкурний лойиҳаси асосида Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторлари қароргоҳи қурилган. Округ штаби биносида шунингдек, штаб бошлиғининг уйи ҳам жойлашган. 1872 йилда топогроф И.Т.Сехопович бўлажак шаҳар кўчаларини тасвирга тушириб, янги шаҳар қурилишини тезлаштиришга ҳаракат қилди. 1875 йилга келиб лойиҳаасосида қурилиши керак бўлган жойлар битказилди, лекин қўрғоннинг ички қурилиши ҳам тугалланмаган еди. Бу вақтга келиб янги Самарқанд шаҳрининг характери композицияси ишлаб чиқилган еди. 1875 йил 1 январда Самарқанд шаҳрининг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Самарқанд шаҳри бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари каби икки қисмдан: эски ва янги шаҳар-дан иборат бўлди. Шаҳар аҳолисининг этник таркибида ҳам кўпгина ўзгаришлар юз берди.

Шаҳарнинг асосий композицияси бўлган қўрғон атрофи 31,2 гектарни ташкил етарди.[2] Унинг мудофаа деворлари 1875 йилгача сақланган. Бу ерда кўпгина янги қурилиш ишлари бошланди. Шаҳарнинг кенг атрофини оъраб турган ески мудофаа деворларининг ғарб томонидагилари тугатилди, шимол, шарқ ва жануб томондагилари сақланди. Янги шаҳар қўрғоннинг жануби-ғарбида жойлашган бўлиб 121 гектар майдонни егаллаган. Янги шаҳар кўриниши айлана шаклига ўхшарди. Ҳарбийлар ва савдогарлар

[1] Русский инвалид изь Самарканда год 1973. №8. 27-ноябр. //Туркестанскийсборник. Т.248. Стр 189-191
[2]Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века -Т:. 1988. С.97

ўртасида ер учун талаш бошланган, охир-оқибат енг яхши ерлар чиновникларга тегди.

Яхши, қулай ерлар аҳолиси уйларидан ҳайдаб чиқарилади. Одамлар хотин-болаларини билан дуч келган жойга қараб кетишади. Фақат шикоят эвазига баъзи одамларга пул бериб уйларини қайтариб олишади.[1] Шаҳар режаси юқорида айтганимиздек пур халқа тарзида эди. Бу вақтда Зарафшон ҳарбий губернатори қароргоҳи ҳозирги шаҳар ҳокимияти биноси ўрнида эди. Уч нурли композицияда шаҳар қурилиши учун бу бино олдида кенг хиёбон шаклидаги майдон - еспланада, яъни Булвар, ҳамда ушбу бино томон тўғри туташтирилган учта катта кўча ташкил қилинган. Бу кўчалар Кауфманская (Ҳозирги Мустақиллик), Александровская (ҳозирги Шоҳруҳ) ва Николайевская (ҳозирги Шароф Рашидов) кўчалари еди. Қолган учта кўча Ургут (ҳозирги Ўзбекистон кўчаси) Тошкент ва Каттақўрғон кўчалари шаҳар қурилишининг давоми бўлиб, улар ҳам шаҳар марказига қараб йўналтирилган эди. Тўртта асосий магистрал йўл ёйсимон шаклдаги кўчаларни боғлаб турарди. Шаҳарни ғарбдан Черняйевская (ҳозирги Маҳмуд Қошғарий кўчаси). Шарқдан Александровская (ҳозирги Шоҳруҳ кўчаси) кўчалари чегаралаб турган. Қолган икки кўча Кауфман (мустақиллик) ва Николайевская (ҳозирги Шароф Рашидов) кўчалари шаҳар марказидан ўтган бўлиб, бу кўчаларда ҳар хил жамоат ва савдо бинолари қурилиши бошланди. Бошқа кичик кўчалар, хусусан, Челекская, Домская, Петровская, Пушкинская кўчалари шаҳар кўчаларини майда кварталларга ажратди. Зарафшон ҳарбий округи марказида режали равишда ҳарбий ва маъмурий марказ бинолари мажмуаси шаклланди. Янги саноат иншоатлари ҳам жуда оз эди. Филотовнинг пиво ва вино заводлари. Ляминнинг Сиёбда тегирмони қурилди. Бу корхоналар фақат шаҳар ичида тайёр маҳсулотни сотиш учун мўлжалланган эди. Янги шаҳар кўринишини акс эттирадиган асосий қурилмалар энг аввало хусусий уйлар, савдо дўконлари ва ҳарбий иншоотлар ҳисобланади.Бу биноларнинг меъморий кўриниши оддий эди.

[1]Самарканд //Туркестанскийсборник. Т.57. 1872-.С. 210-212

Улар одатда бир қаватли бўлиб, маҳаллий шароитдан келиб чиққиан ҳолда қурилган эди. Юқорида айтганимиздек ҳарбий қурилишларнинг асосий қисми қалъа атрофида жойлашган эди. Кейинчалик шаҳарнинг ўсиши натижасида буларнинг баъзилари бошқа жойларга кўчди. 1883 йилда Абрамов Булварининг бошида ва охирида ҳарбий қалъалар қурилди. Асосий ҳарбий қалъаАбрамов Булвари ва Николайевская (ҳозирги Шароф Рашидов) кўчаларининг бурчагида жойлашган эди. Бу қурилишларнинг давоми сифатида Ургут кўчасида ҳам ҳарбий қалъа қурилди. Қурилиш натижасида иккита квартал, Даволаш корпуси ва ҳарбий касалхона вужудга келди. Шундан сўнг янги шаҳар майдони 270,5 гектарни ташкил қилган.

Янги Самарқанд шаҳри режасига баҳо берадиган бўлсак унда биз анча тараққий этган лойиҳани кўришимиз мумкин. Тўғридан тўғри кенг кўчалар бунёд этилди, йўлдан ажратилган йўлаклар ажратилди, кўчаларда экилган дарахтларни суғориш учун ариқлар ўтказилди. Буни биз Николайевская кўчаси мисолида кўришимиз мумкин.[1] Янги шаҳарда кенг майдон ҳисобланган Абрамов булъвари, иккита парк, марказий парк (ҳозирги шаҳар парки) ваИвановская парки (парк озеро) бунёд етилди.[2]

Абрамов Булвари эски шаҳарнинг жануби-ғарбидан янги шаҳарни ажратиб турадиган радиус ва Самарқанднинг икки қисмини боғлаб турувчи магистрал йўл эди. Асосий марказ бўлган Абрамов Булварининг кенглиги 128 метр (60 сожен), узунлиги 1044 метр (490 сожен) бўлган. Ҳозирги пайтдаги кенглиги 113 метр, узунлиги еса 804 метрдир. Чунки XIX аср охирида Булвар майдонига Самарқанд ҳокими қароргоҳи, яъни ҳозирги Ҳамид Олимжон театри олдигача бўлган ҳудуд қарарди. Булвар сўзи ҳам луғавий маънода дарахт экилган кенг кўча дейилади. Булвар жамоатчилик фойдаланадиган энг оммавий яшил хиёбондир.

Ғарбий европада Булварлар XVII-XVIII асрларда пайдо бўлган.

---

[1]Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века -Т:. 1988.С. 100

[2]История Самарканда Т.: 1971, С.356.

Москвада 1796 йилда биринчи бўлиб Твер Булвари қурилди.[1]

Ҳозирги вақтда Булвар шаҳарнинг энг муҳим ободонлаштирилган қисми ҳисобианади. Булвар ўзининг моҳиятига кўра оддий кўчалар билан шаҳар хиёбонлари ўртасидаги майдонни эгаллайди. Руслар Ўрта Осиёни босиб олгач шаҳар қурилишида кўкаламзорлаштиришга катта еътибор бердилар.Русларнинг шаҳарни кўкаламзорлаштириш тизими елементлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Шаҳар аҳолисига хизмат қилувчи уат-яшил умумий шаҳар паркининг шаклланиши.
- ✓ Шаҳар туманларидаги аҳолининг дам олиши учун мўлжалланган кичкина яшил паркларнинг шаклланиши.
- ✓ Микрораён кўринишидаги боғ тизими паркнинг шаклланиши.

Бу кўриниш икки қисмдан: спорт ўйинлари оромгоҳи ва сокин оромгоҳдан ташкил топган. Кичкина кварталларга мўлжалланган боғларнинг шаклланиши. Сквер - унча катта бўлмаган уат-яшил майдон бўлиб, қисқа муддатли дам олиш учун мўлжалланган хиёбондир. Булвар - аҳолининг дам олиши учун ҳамда пиёдалар юриши учун мўлжалланган ям-яшил хиёбондир.

XIX аср охирида Самарқандда ушбу тизим елементларини ўзида мужассамлаштирган Булвар шаклланди. Булварда уйлар ҳамда тротуарлар бўйлаб уч қатор йўғон танали дарахтлар екилди. Дарахтлар ораси яшил ўсимликлар билан қопланди. Бу уч қаторли яшил полосалар Булварнинг икки томонидаги йўлаклар бўйлаб шаклланган. Булварнинг ўртасидаеса беш қатор дарахтлар екилди. Булвардаги бундай кўчат екиш ишлари ХИХасрнинг 80 йиллариданоқ бошланган еди. Бундай ташкилотчилик ишларига М.В.Невский раҳбарлик қилган. Чунки уподполковник бўлсада ботаника билимидан хабардор еди. 1894 йилдан бошлаб Булвардаги ва марказий паркдаги дарахт екиш ишларига инженер полковник В.И.Королков раҳбарлик қилган. Булварда испан татаси, кўкарчалар, катта-каттадарахт ва буталар, Ливан кедри, ҳар хил чинорлар, ғарбдан келтирилган оддий туя деб

[1]Рубсов Л.И. Проэктирование садов и парков.- М.: 1979, С-141.

аталувчи дарахтлар, шаркдан келтирилган биоталар ва бошқа дарахтлар екилган.

XIX аср охирида 6,5 гектардан иборат уат-яшил боғ - яъни Абрамов Булвари массиви қурилди. Ўша даврдаАбрамов Булварида маданий ва жамоатчилик иншоатлари ҳам қурила бошланди. Шундай иншоатлардан бири 1902-1904 йилларда Г.М.Сваричевский лойиҳаси асосида қурилган аёллар гимназиясидир.

1902-1904 йилларда Туркистонлик машҳур меъмор Г.М. Сваричевский томонидан хотин-қизлар гимназияси Булъварда қурилган.[1] Шу йилнинг 11-августида Марғилонда ҳам ўша лойиҳа асосида еркаклар гимназияси қурилади. Бино марказида икки қаватда жойлашган зал иншоатга чирой баххс етади, (ҳозир бу ерда СамДУ нинг Биология факултети жойлашган). Бу икки қаватли бино йетарли даражадаетук лойиҳаасосида қурилган бўлиб, аудиториялардан, мажлислар залидан, шу билан бирга черков ва бир неча ўқитувчилар хонасидан иборат. Мажлислар зали иккинчи қаватда бинонинг марказида, зинадан чиққан жойда жойлашган.

Ғиштдан қурилган бинонинг ташқи кўриниши оддий , фақатгина бинонинг марказий қисми ажралиб туради. Деразалари ярим ой шаклида қурилган. Бу бино айрим камчиликларга қарамасдан Абрамов Булварида XX аср бошларида қурилган энг мустаҳкам бино эди.[2]

1912 йилда ҳарбий муҳандис Ф.Смирнов лойиҳаси асосида Растовсова ва Николаевский кўчалари бурчагида ҳарбий шаҳар учун Алексеев черкови қурилади.[3] Ушбу лойиҳа 1902 йилнинг март ойида тузилган бўлиб сентябрда Термизда, 1903 йил Тошкентда тасдиқланган бўлиб 900 кишини сиғдира оларди. Черков зал услубида қурилган бўлиб 24х16 м ҳажмдаги зал баланд гумбазли ёруғ бинодир, чуқур алтардан узун ва ёруғ куполадан иборат. Алтарнинг ён томонларида иккитадан хона бор. Бу хоналарнинг

---

[1]Галендар Борис. “Янги шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари”.Фан ва турмуш. 2007-йил 3-4-сон.74.бет

[2]Нильсон В.А. Уистоков совереseverенного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века -Т:. 1988.С.101

3Ирисқулов О. Ёрқулов А. Самарқанд шаҳрининг ХИХ аср охири XX аср бошларида қурилган маданий иншоотлари. // Тарих ва хотира. -С 2007

биридаги зиналар орқали қўнғироқ жойлашган бинога чиқилади. Қўнғироқ черков устида жойлашган бўлиб, черков асосини ташкил етади.

XIX аср охирида шаҳар қурилишида ривожланаётган савдо, молиявий муносабатлар ҳам ўз таъсирини ўтказди, натижада банклар пайдо бўла бошлайди.

Шундай банклардан бири рус-хитой банки ҳиссобланади. Бу банк 1896 йилдаАбрамов Булварида қурилди. (ҳозир бу бинода СамДУнинг ректорати жойлашган). Бу бинонинг чуқур портики-яъни бинога кириш жойи фасаднинг симметрик марказини ташкил қилади. Ясси плестлар, деворлар усти ва карнизларини ушлаб турадиган ойналар чизмаларида ҳам классик принсиплар кўзга ташланади. Умуман олганда бу бино бир мунча ёқимли кўринишга эга, ҳатто бинодаги айрим безаклар ва деталлар қурилишнинг меъморий сифатини кўрсатади. Худди шу даврда Тошкентда ҳам савдо - мануфактуралари, банклар қурила бошланди.

Шундай қилиб банклардан бири Азов - банки бўлиб, 1915 йилда Ф.И.Линдвол томонидан қурилган. Рус - Осиё банки еса 1911 йилда қурилган.[4]

Абрамов Булвари қурилишида фаолият кўрсатган инженер меъморлар А.Н.СҲерневский, Н.А.Непокупний, И.А.Лимкеларнинг хизмати катта бўлди. Абрамов Булварида ҳозирги СамДУ нинг Тарих факултети биноси ўрнида 1875 йилдаёқ шаҳар қўриқхонасига асос солинган эди. Булварда экилган дарахт турлари ҳам қўриқхонада мавжуд бўлган. Булварда «гуллур майдончаси» деб номланувчи майдонча ҳам мавжуд бўлиб, бу майдонча ҳозирги Ҳамид Олимжон театри олдида жойлашган эди. Булвар қурилишига генерал Абрамов бошчилик қилгани учун Абрамов Булвари дейилади. Баъзи маълумотларга қараганда Булвар 1917 йилгачаАбрамов номи билан аталган. 1917 йилдан 1938 йилгача Булвар Всеобугая Булвари дейилган. 1938 йил мартдаги Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан Максим Горкий Булвари деб аталган. 1991 йилдан бошлаб бу массивга Университет хиёбони деб ном берилди.

Генерал - губернатор қароргоҳидаги ҳовузлар, Николайевская ва Кауфман кўчалари ўртасида жойлашган еди. Абрамов Булваридан Ургут (ҳозирги Ўзбекистон) кўчасигача ҳовузлар қурилди. Губернатор қароргоҳининг орқа томонидан Тошкент кўчасигача бўлган жойда марказий парк жойлашган еди. XIX аср охирида Марказий парк билан губернатор қароргоҳи ўртасида шаҳарнинг бош майдони, намойишлар, байрамлар, ўтказувчи майдон шаклланди. Бу майдонда Георгий черкови, офицерлар уйи, халқ йиғини ўтказиладиган бинолар бунёд етилди. Черняйевская кўчасининг орқа томонида жарлик бўйлаб Иванов парки шаклланди. Умуман олганда шаҳардаги ободончилик ишлари маҳаллий халқнинг меҳнати евазигаамалгаоширилди. Бу вақтларда ҳали ҳамма кўчалар ҳам кенгайган емас еди. Россия империяси ҳукмронлиги даврида Самарқанд шаҳрида канализация системаси йўқ еди. Ичимлик суви Филатов чашмасидан бочкаларда, сув ташувчи машиналарда олиб келинар еди. Шаҳар ўзгариши тезлик билан амалгаоширилди. Янги кварталлар шаклланди, ҳарбий корпуслар, янги массивлар қурилди. Шаҳарнинг ғарбий қисмида эса, Каттақўрғон йўлида чор маъмуриятининг қамоқхонаси қурилди. (ҳозирги вилоят касалхона ўрнида эди). 1988 йилда Самарқандда қурилиш ишлари жадаллашди. 1888 йилдан бошлаб Кросноводск-Самарқанд, 1895 йилдан бошлаб Самарқанд-Андижон темир йўли қурилди.[1] 1885 йилда генерал губернаторлик девонхонаси қошида ташкил етилган қурилиш комитети ўлка меъморчилигида муҳим ўрин тутади. В.И.Якушновский бошчилигида 360 км Самарқанд –Термиз почта тракти қурилди. Худди шу йили Самарқандни каспий орти вилояти билан боғловчи темир йўл қурилди. Вокзал, темир йўл устахоналари, омборхоналар, Вокзал атрофидаги темирйўлчилар шаҳарчаси бунёд етилди. XIXасрнинг 90 йиллари охирларига келиб шаҳар ичида ҳам темир йўл қурилиши бошланди. Қисқа вақт мобайнида шаҳарда сезиларли даражада йирик ўзгаришлар юз берди. 1880 йилда шаҳар ичида янги қалъа

1Ирисқулов О. Шарипов С. Университет хиёбони тарихидан. // Ватан тарихининг долзарб муаммолари. 2004

бунёд етилди. Унинг майдони 8 гектар бўлиб деворлари жуда мустаҳкам. Беш қиррали ҳарбий дала девори билан қопланган. Қалъа деворлари шимол ва жануби-шарқдан душмандан мудофаа мақсадида қурилган. Қалъа ичида янги қалъа қурилиш режалаштирилган эди. Маҳаллий шаклдаги эски бинолар янги қалъа ташқарисида қолди. Есплонада шаклидаги кенг майдон шаклланди. Бу майдон янги қурилган қалъанинг кўркамлаштирилди. Баъзи ҳарбий қалъалар шаҳарга кўчирилди.

Ҳарбий қалъаларнинг кўчирилиши шаҳарни қалъа томонга қараб кенгайтирилди. Бу ерда Есплонадная (аввалги Охунбобойев, ҳозирги Бўстонсарой) кўчаси пайдо бўлди.[1] 1903 йилда янги шаҳардан шимолга қараб кичик ҳудудий чегара ажратилди. Петровская, Николайевская, Кауфман кўчалари шимол томонга чўзилди. Бу кўчалар Кладбишинская кўчаси ҳисобига кенгайтирилди. 1906 йилга келиб 1883 йилда тузилган режа бажаришга киришилди. Ва бу режа топограф Нилленинг лойиҳасига биноан ҳарбий касалхона томонга йўналган Черняйевская хиёбони кварталларининг майдонида вужудга келди. Худди шу ернинг ўзида Ростовсева Каршинская кўчалари давом эттирилди. Ҳамда бу кўчалар  Некрасова, Новагоспиталная кўчалари майдонини эгаллади. Шаҳарнинг бу қисмидаги ўзгаришлар 1916 йилгача давом эттирилди.  Самарқанд статистика бошқармасининг 1893 йилги маълумотларга кўра шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида 10128 та киши яшаган, шулардан 4828 таси ҳарбий хизматчилар эди. Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида 115 та офицер, 130 та хизмат қилувчилар, 42 та шифокорлар, 7 та инжинер, 32 та земломер, 6 та артрист 4 та мусиқачилар, 1 та ҳайкалтарош, 1 та рассом яшаган.[2]Шаҳар майдони унча каттаемас еди. XXаср бошларида руслар яшайдиган майдон еса 4629 десятина еди. Бу даврдаасосан шаҳар ҳаёти учун муҳим бўлган савдо ва саноатни қайта ишлаш тармоқларига каттаеътибор берилди.[2] Лекин бу нарсалар ҳам шаҳар қиёфасини ўзгартираолмади. Чунки Самарқанд қадимдан ихчам, уат - яшил

---

[1]Чабров Г. Страницы истории Самарканда (1808-1916) -Т:. 1962, С.98

[2] Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века -Т:. 1988. С.104

обод шаҳар еди. Самарқанд меъморлари, муҳандислари орасида шаҳар қурилиши учун муҳим хизмат кўрсатганлардан бири, ҳарбий, жонкуяр муҳандис Черняйевский еди. Бо`лажак топограф, ажойиб ташкилотчи, ирригатор, биринчилардан бўлиб, йирик ишларга қўл урди. У Шоҳизинда йўлининг қурилишида, бошқа катта кўчаларнинг кенгайтирилишида, кўприклар бунёд етилишида жонбозлик кўрсатди. У биринчи бўлиб, Зарафшон округининг географик харитасини тузишга раҳбарлик қилди. Шу жумладан 1873 йилдан 1875 йилгача бўлган давр орасида бунёд етилган округ бошлиғининг уйи қурилишида, марказий парк қурилишида қатнашди. 1874 йилдаеса йўллар, ариқлар қурилишига ҳамда бошқа кўкаламзорлаштириш ишларига бошчилик қилди. Самарқандаги қурилишларда инженер П.А.Непокупний фаол иштирок етиб, округ бошлиғининг уйини режалаштирган.Муҳандис Сҳерняйевский янги Самарқанд маркази бўлмиш булварни кўкаламзорлаштириш ишида ҳам фаолият кўрсатган.

Зарафшон округи губернатори уйи лойиҳасини, офицерлар уйи қурилиш лойиҳасини тузган. Самарқанд шаҳри қурилишида фаолият кўрсатган меъморлардан бири Лимке еди. 1882 йилда Самарқандлик меъмор И.А.Лимке томонидан авлиё Георгий Победаносис провaслав черкови лойиҳаси тузилади.[1]Ушбу Черковнинг гумбазлари меъморий қисмларининг аксарияти сақланмаган 1917 йилдан кейин Черков беркитилди, унинг биносида узоқ йиллар Самарқанд ОСОАВИАХИМ (мудофага, авиация) ташкилоти жойлашган. 1919 йилда 1-жаҳон урушида асирга тушган меъмор Е.Раум лойиҳаси бўйича черков ёнида Озодлик ёдгорлиги барпо этилган. У янги Георгий христиан черкови қурилиши лойиҳасинии шлаб чиққан. Георгий черкови ўзининг аввалги қиёфасини йўқотган. Черковнинг ҳозирга қадар сақланган бирдан-бир елементи кириш пештоқидир. Тўрттаката тўғри бурчакли фасаддан узоқда жойлашган устунлар черковнинг олд қисмидаги

[1]Галендар Борис. “Янги шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари”.Фан ва турмуш. 2007-йил 3-4-сон.74.бет

унча чуқур бўлмаган нақшлари бинонинг ташқи кўринишини безаб туради. Георгий христиан черкови 1882 йилда қурилган иншоатлар ичида энг ажойиб меъморчилик дурдонаси ҳисобланади. Бошқа йирик шаҳарлардаги черковлар билан солиштирсак (хусусан Тошкентдаги черков)[1] бу черковни унча ката деб бўлмайди. Бошқа черковлар каби унинг ҳам лойиҳаси оддий эди. 17, 35 х 8, 9 черковнинг ғарбий қисмида ўзига мос алтарбор. Кириш пештоқи уч қисмли портик шаклда қурилган. Черковга кирувчи хизматхонаси иккита хонадан иборат. Черковнинг шарқий томонида худи шундай тўртбурчакли хона мавжуд. Черковнинг барча ички хоналарининг шифтлари бир хил ҳажмда эди ва уларнинг тепасини темир қатламалар босиб турарди. Черковнинг ҳажмий кўриниши ўзига хос қизиқарли эди. Бинонинг олд қисмининг кўриниши унинг ҳашаматлилигини ифодалайди. Қўнғироқ хонанинг икки ёнидаги гумбазчалар черковга ажойиб кўриниш берарди. Бу черковнинг умумий кўринишига кўкранг манзара берар эди. Унинг ичидаги оқ сояли чизиқлар уни кўркамлаштириб турарди. Икки қисмдан иборат аркнинг чап томондаги тошлари ажралиб турарди. XIX асрнинг иккинчи ярми Россия черковлари ·орасида шу черков ўзига хос кўриниши билан ажралиб турарди. Шаҳардаги иккинчи энг асосий бино зобитлар уйи бўлиб, черков қаршисида қурилган. Бу бино бой тарихга эга. Ўзбекистон пойтахти Самарқанд бўлганида шу бинода ҳукуматнинг бош биноси жойлашган. Мана шунча вақт давомида кўп маротаба таъмирланганлигига қарамай ўзининг асл кўринишини йўқотгани йўқ . 1887 йилда зобитлар уйида 1 марта таъмирлашишлари бўлиб ўтган. Катталиги жиҳатидан Тошкентдаги зобитлар уйидан кичикроқ бўлсада, турли кечалар, баллар, учрашувлар учун барча шароитлар бўлган. Бу бино лойиҳаси ҳам оддий бўлиб, кичик квадрат шаклдаги вестйбулидан 12,5 метр ярмидаги ката залга кирилади. Бино марказидаги бу зал ошхона ва мехмонхонага туташиб кетган. Билярдхонаси, карта ўйинихонаси ҳам бўлган. Кириш ешигини

[1]Зияев А. Центр Ташкента: прошлое и настоящее. -Т:. 1987, С.9

қаршисидаги даҳлиздан боғга чиқиш йўли бўлган. Бу иншоат 1882 йилда қурилган. Бинонинг композицион кўриниши жуда оддий. Бинонинг марказий қисмини ката зал ташкил этади. Залнинг узунлиги 18.5 метр бўлиб, кириш жойининг қаршисида пешайвон жойлашган. Бу ердан марказий парка чиқиш мумкин эди. Бир қаватли бу бинонинг олд қисми кўриниши классицизм услубига хос бўлмаган кўринишда қурилган. Бино деворларида қаторасига устки қисми ёйсимон бўлган деразалар жойлашган бўлиб, карнизлари классик кўринишда эди. Кириш қисмидаги айвон устунлари ғишт билан терилган бўлиб бинони ҳашаматли қилиб кўрсатар эди. Бино қурилишида етарли даражада юқори меъморчилик услубидан фойдаланганлиги ва унинг масштаби яхши белгиланганлиги сабаби ҳозирги меъморчилик талабларига жавоб беради.

1895 йилда Кауфман ва Ургут кўчалари бурчагида жамоатчилик мажлиси (общеетвеннтйсобрание) биноси қурилди ва 1896 йилда Г.М.Сварчевский режаси асосида қайта қурилиб, томоша зали ҳисобига кенгайтирилди.[1] Ўзининг техник ва бадиий гўзаллиги жиҳатидан бошқа бинолардан фарқ қилмас эди.

1880 йилнинг бошларига келиб Николайевская ва Ургут кўчаларининг бурчагида биринчи ёзги театр биноси қурилиши бошланди. Бу бино 1891 йилга келиб инженер Петровский томонидан қайта тикланди. Тузилиши жиҳатидан оддий кўринишидан бино вақтинчалик характер касб этарди. Бу биномаҳаллий томошалар жойи вазифасини бажарди.

Ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатаётган Абрамов Булварининг бошида жойлашган «Ватан» мехмонхонаси ўша даврда қурилган. Бу бипо «Р» шаклда қурилган бўлиб, рус ҳарбий қўшинлари штаби бошлиғи биноси эди. Бинонинг шу қисми Булварга қаратилган. Қўшинлар штаби биноси ҳарбий мақсадлар учун қурилган эди. Бир қаватли бу бино пишиқ ғиштдан қурилган. Бу ғиштлар бинога ҳарбий кўриниш бериш учун

---

[1] Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века-Т:. 1988. С103

қилинган восита эди. Бинонинг деталлари ўз қиёфасини яхши кўрсатади, ҳамда унинг сифатли қурилганлигидан далолат беради. Бинонинг ички тузилишига эътибор берсак уй ерда зал мавжуд бўлиб, бу залга штаб бошлиғининг хонаси туташиб кетган. Услублардан тўғри фойдаланиш ва чизиқларидаги тозалик бинони бошқа бинолардан ажратиб туради. Бинонинг ички тузилиши унчалик мураккаб эмас, бинонинг асоси ҳиссобланган зал штабга боғлангандир. XX аср бошларида Самарқандда қурилган маданий иншоатларнинг барчаси рус ҳарбий муҳандислари номи билан боғлиқдир. 1911йилдаЧернаевва Верешагина кўчалари туташган жойда В.С.Гейцелман лойиҳаси асосида халқ кутубхонаси қурилган.[1] Бу бинонинг биринчи чизмалари 1899 йилда М.В.Инишхий-Герман томонидан тузилган, лекин бу лойиҳа В.С.Гейцелман томонидан рад этилган. Гейцелман ушбу бино учун иккита лойиҳа тайёрлайди ва унда музей, томошазали, ўқув зали ҳам киритилган. 1901 йил 9-ноябрда Самарацкий ушбу режалардан бирини тасдиқлайди ва музей, томоша зали, ўқув залига эга бино қурилиши лозим эди. Лекин қурилишишлари 1910 йилгача бошланмайди. 1910 йил 22-июнда қурилишлари бўйича маъсул Г.М. Сварчевский лойиҳани тасдиқлагач, Самарқанд вилоят меъмори П.Лебедов бошчилигида қурилишлари бошланди. Биринчи бўлиб Чернаев кўчасидаги қисми қурилган. Бинода турли катталикдаги бешта хона бўлиб махсус йўлак уларни бирлаштиради. Ички томони содда қилиб безатилган. Ташқи қиёфаси анча чиройли. Марказий қисми алоҳида ажратилган. Темир панжара билан ўраб олинган. Бироқ томоша зали қурилмаган.

Бинонинг ички кўриниши Гейцелмон ижодини намоен етади.[2]Халқ кутубхонаси қурилиши Самарқанд меъморчилиги ривожига катта ҳисса қўшади, ҳамда унинг қурилиши готик услубининг характерини беради. Унинг марказий қисми диққатга сазовордир. У ғиштдан қурилган икки бурчакли минорадан иборат. Миноранинг пастки қисмида иккита ёйсимон

[1] Ўша жойда С 106.
[2]Хусаинова А.А. Вопрос теории и истории архетектуры Узбекистана. -Т:. 1975, С.36-40

дераза юқори қисмидаесанақшли фрактон мавжуд. Кутубхонанинг чап томонларидаги деворларда ҳам деразалар бор. Бу бипо ўзининг қурилиш услуби жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

Самарқандда 1908 йилда муҳандис Косталский лойиҳаси асосида Черняевская ва Қарши кўчаларининг бурчагида Давлат банки қурилган. Қадимги рус меъморчилиги шаклларига о`хшаш . Инженер бинони жуда ҳам мураккаб тарзда, кўп ҳажмли композиция лойиҳаси билан бунёд етди. Бу бино қурилган жойларни ўрганиб чиққандан сўнг қарасак , булар жамоат ва маданият маркази бўлиши учун режалаштирилганлигини кўрамиз.

Биз биноларнинг қурилишини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келдикки, Самарқанд дастлаб ҳарбий қалъа вазифасини бажариш учун қурилган еди. Чунки Чор россияси маъмурияти бу ҳарбий қалъадан Туркистоннинг барча шаҳарларини босиб олишда қароргоҳ сифатида фойдаланмоқчи еди. Қолаверса Бухороамирлиги ҳудудини ҳам ишғол қилиш режалари йўқ емас еди. Шунинг учун ҳам шаҳардаги қурилишларнинг асосини ҳарбий иншоатлар ташкил етади.

1916 йилда Черняев кўчасида католик черкови ҳам қурилган.[1] Бу бино маҳалла марказида жойлшган ва уйлар билан ўралган еди. Кириш қисми унчалик катта емас. Залда алтар ва икки томонида кичик хоналар жойлашган. Черков самарқандлик меъмор Е.О.Нелле бошчилигида қурилган бўлиб, ўрта аср европа услубига яқиндир. Ҳарбий иншоатлардан ташқари қурилган барча меъморчилик иншоатлари асосан Кауфман майдони ваАбрамов Булварида қурилди. Офицерлар уйи, халқ йиғини биноси, Георгий черкови жойлашган Кауфман майдон янги Самарқанд шаҳрининг асосий меъморий кўринишини ифодалар еди. Савдо - саноат иншоатлари асосан Кауфман, Каттақўрғон ва Верешагина кўчалари ўртасида қурилган. Бу йердахусусий савдо дўконлари, дорихоналар вабошқа майиший хизмат бинолари жойлашган. Барча бинолар бир қаватли бўлиб. Булар маҳаллий Самарқандликлар учун шаҳарнинг

[1] Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века- Т:.1988. С 107.

маркази саналган еди. Чунки бу йерда чор маъмуриятининг идоралари жойлашган еди. Алексейев черкови, ҳаммом, давлат банклари бинолари кўчаларнинг чорраҳа қисмида жойлашган бўлиб, кварталларни бирлаштириб турарди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўриниши оддий бўлган. Самарқандда қурилган яшаш жойлари содда ва бир ёқламахарактер касб етарди, буларда мураккаб меъморий кўриниш сезилмасди. Маҳаллий ғиштдан қурилган уйлар, шифт карнизлари, ҳар турдаги сувоқ ишлари ушбу биноларгахос хусусият ҳисобианади. Деворларининг ени 70 см бўлган , улардан амалда иссиқ ўтмаган. Бинонинг енг баландлари айвон ҳисобланади, улар иқлимга мос равишда шамоллатиш факторлари билан жиҳозланган. XXаср бошларида қурилган уйларнинг кўчадаги ташқъи кўриниши замонавийликни ўзида мужассамлаштиргшан. Енг оммавий бинолар маъмуриятнинг амалдорлари учун қурилган. Жумладан, уй-жой қурилишларда Самарқанд вилояти инженери М.А.Тумpraovанинг Ургут кўчасида қурилган уйи аҳамиятлидир. Уй икки қисмга, меҳмонхона, ошхона, хоналар, йўлаклар, ёроқхоналарданн биорат. Кўкаламзорлаштирилган ҳовлиси бўлиб айвон орқали чиқилган. Вино савдоси билан шуғулланувчи Филотовнинг уйи ҳам бир қаватли кўп сонли, турли хил деталлари билан ажралиб турарди. Уйдахўжалик аҳамиятигаега бўлган ярим ертўла шаклидаги ерто`ла бўлиб, унда вино тайёрлаш учун зарур бўлган маҳсулотлар сақланган. Каттаойналар билан қопланган кенг айвондан боғ томонга чиқиларди.

Савдогар Калонтаровнинг уйи есаанъанавий ва маҳаллий усулаасосида қурилган. Бу иншоат 1911-1916 йилларда муҳандис Г.О.Нелле лойиҳаси асосида қурилган, унинг атрофи боғ билан ўралган. Шунинг учун унинг кўриниши европача тус олган.[1] Ҳовлига икки томонлама дарахт екилган бўлиб, бу ҳашаматли бинода Бухороча меъморчилик услуби ҳам мавжуд. Меҳмонхона шоҳона усулдаганч қилинган. Бинодаги ганчларгахатли лавҳа ҳам туширилган. Ҳозир бу бино ўрнида Вилоят ўлкашунослик музейи жойлашган. 1891 йилда муҳандис Павлов томонидан ҳарбий госпитал бош

[1]Чабров Г. Страницы истории Самарканда (1808-1916) -Т:. 1962, С.101.

шифокорининг уйи қурилади.Етти хонали бу уйда мехмонхона, кабинет, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси бўлиб бир қаватли бўлган. Кириш қисми иккита асосий ва яширин бўлган.

1891 йилда муҳандис Павлов томонидан ҳарбий госпитал қурилди. Бу бино бир қаватли бўлиб, ички томондан рақобатбардош емас, банлки кенг ва ихчам еди. 1885 йилда Самарқандда почта биноси ҳам қурилади. Булардан ташқари ўша даврда горнизон, ҳарбийлари учун махсус уйлар қурилди. Бу уйлар казарма шаклида бўлиб, режага кўра ҳар бир хонанинг ўз ешиги бўлган. Бу даврда амалга, ишига қараб уларга уйлар қурилган ва ажратилган. Масалан:1885-йилда почта бошлиғининг уйи уч хонали, унинг ёрдамчисиники икки хонали, почта ходимларига бир хонали уйлар ажратилган.[1] Бундай кўринишдаги уйлар кўплаб аскар ва офицерларга ҳам қуриб берилган. 1916 йилда Арусхомов ижара уйини қурдиради. Бу уйда 6 та икки хонали 12 та то`рт хонали уйлар бўлган.

Шаҳар қурилиши жуда қийин давом етган. 1895 йили 29-сентябрда губернаторнинг руслар яшайдиган қисмини ободонлаштириш, йўлаклар қуриш ҳақида фармони чиқди. Лекин бу фармон 1899-йилдагина амалгам оширилди.[2] Бу давр Самарқанд қурилишларини пойтахт меъморлари номи билан боғлашади. Аммо 1882 йилдан бошлаб то`рт йил давомида Самарқандда машҳур меъмор А.Л.Бенуа яшаган бўлсада ҳеч қандай кўзга кўринадиган иш қилгани йўқ.Янги шаҳар асосан ҳарбий марказ сифатида қурилган бўлсада, вақт ўтиши билан катта савдо ва маданий марказга айланди. Шаҳар ески ва янги қисмларга ажратилган. Самарқанд аҳолиси йилдан-йилга ўсиб борди. 1904 йилда В.В.Стратонов бошчилигида Туркистон календарида ўлкадаги асосий шаҳарлар аҳолиси ро`йхатига кўра Самарқандда 1897 йили 54900 киши рўйхатга олинган бўлса 1904 йилда 60000 киши рўйхатга олинган.

1Ирисқулов О. Ёрқулов А. Самарқанд шаҳрининг XIX аср охири XX аср бошларида қурилган маданий иншоотлари. // Тарих ва хотира. С:. 2007

[2] Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века-Т:. 1988. С 107.

1914 йилда шаҳар аҳолиси 97500 кишига етган. Асосан маҳаллий халқ кўпайиши ҳисобига бу сон ортиб броган.

Шубҳасиз Самарқанд Ўлка вилоят марказлари орасида катта ва енг муҳим маданий марказ ҳисобланган. 1868 йил 2-майда босиб олингач вилоят маркази, кейинчалик савдо-сотиқ марказига айланди

Руслар ўн йилдан бери Самарқандда яшашади холос, аммо шаҳар ҳақиқий Оврупача тусга кирган. Шаҳарда қизлар гимназияси, боғлар, дам олиш жойлари ҳам бор.[1] Наҳотки биз Туркистон халқларини ичкиликка, қиморга ўргатиб ривожлантира олсак. Тараққиёт учун темир йўл зарур. Руслар бу ерга келишлари билан Осиёлик бўлишади. Агар Туркистонни инглизлар қўлга олишганда бу ерлар гуллаб яшнарди.[2] Деярли барча аскарларнинг аёллари фоҳиша, бунга сабаб ерларининг ичкиликка ружу қўйиганидир.[3]

Бу ҳар изҳорлар холис рус зиёлилариниг Туркистондаги аҳвол ҳақидаги фикридир, бу фикрга таянган ҳолда янна бир карра русларниниг О`лка маданиятига о`тказган аянчли та`сирига гувоҳ бо`лишимиз мумкин. Шунингдек бу мавзуни янада чуқуррок таҳлил етиш лозимлиги ва бу борада еҳтиётлик билан ишлаш кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Умуман олганда барча соҳаларда бўлганидек меъморчиликда ҳам рус босқинидан кейин бир қанча ўзгаришлар рўй берди.Анъанавий меъморчиликнинг ривожланиши бошқа тил ва диндаги халқнинг о`лкага кириб келиши билан шаҳар тузилишини о`згартирди. Европа шаҳарсозлигининг кириб келиши Туркистон шаҳарларининг янгича қиёфага киришига олиб келди. Рус маъмурлари иложи борича ўзлари учун қулай бо`лган ерларни егаллаб олишган. Самарқанд шаҳри икки ески ва янги қисмларга бўлинди. Шаҳарнинг янги қисмида маъмурий бинолар, руслар учун уй-жойлар қурилган. Шаҳарлар қиёфаси ўзгарди кенг кўчалар, мустаҳкам бинолар, янги қурилиш материаллари, янги услуб кириб келди. Бу

[1]Афганистан//Туркестанскийсборник. Т 214 С. 21
[2]Голос 1872 №3. //Туркестанскийсборник. Т 426стр 14.
[3] 1872-yil. . //Туркестанскийсборник. Т 426стр 213.

даврда қурилган бир неча биноларда рус ва маҳаллий услубининг уйғунлашганлигини ҳам кўрдик. Маҳаллий меъморчилик ва рус архитектурасининг ўзаро таъсири натижасида янги муҳандислик қурилиши услуби ривожланди.Хулоса қилиб айтганда ўрганилаётган давр меъморчилигида шарқ ва ғарб архетиктураси уйғунлашди, тараққий етди.

## II БОБ ХУЛОСАСИ

XIX аср нинг 20-30 йилларида Россия билан савдо маданий алоқалар ўрнатилиши билан Ўрта Осиё хонликлари маданий иқтисодий ҳаётида бирмунча юксалиш рўй берган. Бу Хива, Бухоро,Самарқанд меъморчилигида прогрессив таъсир кўрсатиб улар рус маданиятининг Ўрта осиёга кирувчи канали ҳисобланган. Шу сабабли Хива хонлиги кўпроқ маданий иқтисодий тараққиёт имкониятига эга бўлган. Унинг пойтахти бу хақда далалат беради. Хива меъморчилигида романтизм рухи яққол ўзлаштирилган. (Пахлавон Махмуд мақбараси 1810-1825йй.,Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси(1812 й.) ва Оллоҳқулихон мадрасаси (1835 й.), шунингдек, Хива минорадари).

1960 йиллар бошида намунали лойиҳаларсиз ҳар қандай қурилиш таъқиқланиши натижасида, Самарқанд Регистони яқинида мактаб ва ўрта қаватли турар жой бинолари вужудга келди. Кейинчалик ёдгорликларнинг “ қўриқлов зонаси”, “мунтазамлаш зонаси” каби палапартиш ғоя тушунчалари келиб чиқиб тарихий обидалар атрофи сайхонликка айланди. Самарқандда Регистон, Шахрисабз Чорсуси, Бухородаги Тоқи заргарон, Тоқи Телпакпурушонгача бўлган ҳудуд шундай кўринишга эга. Уларнинг ораларига типли болалар боғчалари ва мактабларни жойлаштиришга интилиш юзага келади.

1871-йилда Генерал-маёр А.К.Абрамов буйруғи билан учинчи баталён командири полковник Норбота бошчилигида Самарқандда “Рус шаҳри” қуриш ҳақида буйруқ берилди. Бу махсус комиссия янги рус шаҳри учун

қулай, сувли, ёз кунларида салқин жойни танлади.[1] Яшаш шароити қулай бўлган ер участкалари рус ҳарбийларигаажратилди. 1871 йилда шаҳарнинг жанубий-ғарбида, Бухоро дарвозаси томонда, Каттақўрғон йўлидаги участкалар ажратилди. Шу йернинг ўзида ҳарбий қалъа бунёд етилди. 1871 йилда муҳандис П.А.Наладкурний лойиҳаси асосида Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторлари қароргоҳи қурилган. Округ штаби биносида шунингдек, штаб бошлиғининг уйи ҳам жойлашган. 1872 йилда топогроф И.Т.Сехопович бўлажак шаҳар кўчаларини тасвирга тушириб, янги шаҳар қурилишини тезлаштиришга ҳаракат қилди. 1875 йилга келиб лойиҳаасосида қурилиши керак бўлган жойлар битказилди, лекин қўрғоннинг ички қурилиши ҳам тугалланмаган еди. Бу вақтга келиб янги Самарқанд шаҳрининг характери композицияси ишлаб чиқилган еди. 1875 йил 1 январда Самарқанд шаҳрининг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Самарқанд шаҳри бошқа ЎртаОсиё шаҳарлари каби икки қисмдан: ески ва янги шаҳар-дан иборат бўлди. Шаҳараҳолисининг етник таркибида ҳам кўпгина ўзгаришлар юз берди.

1895 йили 29-сентябрда губернаторнинг руслар яшайдиган қисмини ободонлаштириш, йўлаклар қуриш ҳақида фармони чиқди. Лекин бу фармон 1899-йилдагина амалгам оширилди.[2] Бу давр Самарқанд қурилишларини пойтахт меъморлари номи билан боғлашади. Аммо 1882 йилдан бошлаб то`рт йил давомида Самарқандда машҳур меъмор А.Л.Бенуа яшаган бўлсада ҳеч қандай кўзга кўринадиган иш қилгани йўқ.Янги шаҳар асосан ҳарбий марказ сифатида қурилган бўлсада, вақт ўтиши билан катта савдо ва маданий марказга айланди. Шаҳар ески ва янги қисмларга ажратилган. Самарқанд аҳолиси йилдан-йилга ўсиб борди. 1904 йилда В.В.Стратонов бошчилигида Туркистон календарида ўлкадаги асосий шаҳарлар аҳолиси ро`йхатига кўра Самарқандда 1897 йили 54900 киши рўйхатга олинган бўлса 1904 йилда 60000 киши рўйхатга олинган.

[1] Русский инвалид изъ Самарканда год 1973. №8. 27-ноябр. //Туркестанскийсборник. Т.248. Стр 189-191
[2] Нильсон В.А. Уистоков совеременного градостроительства Узбекистана с конца XIX началоXX века-Т:. 1988. С 107.

1914 йилда шаҳар аҳолиси 97500 кишига етган. Асосан маҳаллий халқ кўпайиши ҳисобига бу сон ортиб броган.

Шубҳасиз Самарқанд Ўлка вилоят марказлари орасида катта ва енг муҳим маданий марказ ҳисобланган. 1868 йил 2-майда босиб олингач вилоят маркази, кейинчалик савдо-сотиқ марказига айланди

## III БОБ АНЪАНАЛАР

### 3.1 Шаҳарсозлик режавий тизимини такомиллаштириш

XX асрда шаҳар худудида тасодифан пайдо бўлиб, меъморий ёдгорликлар ҳуснини бузаётган ва уларни кўришга тўсқинлик қилаётган Рухобод макбараси худудидаги "Таббасум" кафеси, Спирт заводи, ҳаммом, телевизион устахоналар бошкармаси, тажриба заводи каби бир катор бадиий аҳамиятга эга бўлмаган бинолар олиб ташланди. Регистон меъморий мажмуаси атрофини тўсиб турган кинотеатр, ресторан, универмаг, чала ётган уч каватли хусусий банк бинолари олиб ташланди.

Тиллакори мадрасаси орка томонидаги пала-партиш курилиб колган хусусий иморатлар томонда Юртбошимиз ғояси асосида Мадраса безагига мос тушадиган девор тикланди;

-Давр тақозоси билан истеъмол ва ишлаб чикариш қобилиятини йўқотган улкан саноат корхоналари ўрнида янги, ихчам ишлаб чиқариш фирмалари бунёд этилди;

-Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга имкон берадиган корхоналар шахар структурасига киритилди;

-Янгича шахарсозлик кучлари - туризм индустрияси объектларини бунёд этишга катта ахамият берилмокда. Жумладан, 30 дан ортик хусусий мехмонхоналар эски шахар структурасига ўринлаштирилди.

Энг мухими шуки, Афросиёб қалъасини музей қўрикхонага айлантириш, трикотаж фабрикаси, спирт заводи ва тажриба заводлари сингари саноат корхоналарини эски шахар худудидан чиқариш масаласи

сўнгги 35-40 йил давомида бир неча марта кўтарилиб келинаётган эди. Хаттоки, 1976 йилда собик Ўзбекистан Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Афросиёбни музей-қўрикхонага айлантириш ҳақида қарори хам чиккан эди. Аммо, ўша даврдаги қарорлар хам, лойихалар ҳам қоғозда қолиб кетаверар эди. Мана энди эса, қўлансаҳид ва шовкин бериб турган саноат корхоналари эски шахар ҳудудидан чиқарилиб, Афросиёб қалъаси музей-қўрикхонага айлантирилди.

Кейинги йилларда шаҳарда халкаро туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Самаркандда бугунги кунда сайёхлик фирмалари сони 80 дан ошиб кетди. Мехмонхоналар ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Айни пайгда шаҳарда 50 га якин замонавий, хар жиҳатдан қулай меҳмонхоналар хизмат қилмокда.

Бош архитекторлар олдидаги энг муҳим биринчи масала, бу-ҳар бир шаҳарқиёфасини шакллантиришда юқори қаватли, намунали лойиҳаларга асосланган бинолардан воз кечиб, у ёки бу шаҳарга мос индувидуал архитектуравий кўринишга эга биноларни лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят шахаркўринишини янада кенгроқ очиб берадиган омил бу-шахарнинг понорамасини ёритиш. Табиат шаҳарлар қиёфасини гўзал ландшафтлар билан тўлдирган. Азалдан меъморлар бундан самарали фойдаланганлар. Масалан Неро кўлида Ростов –Ярославск шаҳрининг кўриниши, Днепр дарёсидан Киев шахрининг кўриниши таҳсинга сазовор. Бу шаҳарсозлик фаолиятидаги ижодий йўналишни ривожлантириш керак. Шаҳар бош архитектори шаклланган шаҳар панорамасинисақлаб қолиб, янги кўркам панорамалар яратиш йўлларини қидириши керак.[1]

Саид Маноев яна шуни таъкидлайдики: “Юқори қаватли биноларни кўп системали қилмаган ҳолда,шаҳар қиёфасини яратишда юқори қаватли биноларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас”. Бунинг сабабини деб эса

[1]Маноев С.Б. “Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигида меъморий ансамбл ва комплекслар”С.,2014. 77-б

бундай усул капиталистик шаҳарларга хослигини ва унда бинолар хаотик тарзда жойлашганлигини кўрсатади.

Шаҳарни қулай ва кўркам қилиш учун шаҳар бош архитекторларидан катта тажриба ва шаҳарсозлик усталигини талаб этади. Шаҳар организмида йўллар қон томирлари, ансамбллар ўзаклари ва турар жойлар шахарни тўлдирувчи биноларни ташкил этади. Кўркам меъморий ансамбллар ташкил этиш, боғ ва парк яратиш асослари шахарсозлик вазифаларининг мағзини, жумладан шаҳар ҳаракат тизимини ва транспорт тизимини жуда ҳам яхши билишлари керак. Меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланиши натижасида анънавийлик ва новаторлик масалалари келиб чиқади. Новаторлик ижтимоий иқтисодийшароитнинг ўзгариши ёки, илмий техник ютуқлар натижасида келиб чиқади. Масалан, авиациянинг пайдо бўлишидан олдин аэропорт бинолари йўқ эди. Янгиликлар пайдо бўлиши ва жорий этилиши билан бирга, ўтган бир неча асрлик тажрибалар ҳам қўлланилади.

Шаҳарсозлик анъаналари "тирик" ёки "ўлик" бўлиши мумкин. Ўтган асрларда шаҳарлар атрофини ҳимоя деворлари билан ўраб олиш анъанаси бор эди. Лекин,XIX асрнинг ўрталарига келиб бу анъана ўз кўчини йўқотди. Лекин шундай "тирик" анъаналар борки, уларни рад этиш замонавий шаҳарсозлик амалиётига путур етказиши мумкин. Буларга: шаҳарлар қурилишини табиий шароит билан қўшилган ҳолда олиб бориш анъанаси, меъморий ансамбллар шакллантириш анъанаси, архитектура синтези анъанаси киради.[1]

Самарканд ва янги Марғилон шахарлари ҳам ягона принцип асосида лойиҳаланган эди: асосий кўчаларнинг хаммаси калъадан бошланар эди. Бу аҳолини назорат килиш ва кўзғолонларнинг лдини олиш максадида қилинган эди (4-расм) [1.1.35, 83 б.].

[1]Ўша манба. 77-б




**4-расм. Самарканд шахрининг XIX аср охиридаги бош тархи.**

1868 йил 2 май куни генерал Константин фон Кауфман бошчилигидаги Россия империяси қўшинлари томонидан Самарқанд шахри эгаллаб олинади ва Зарафшон округининг маркази бўлади. Улар Самарқанд калъасида жойлашиб, уни уз максадларида узгартирадилар. Зарафшон округи ташкил килиниб, Самарканд Туркистон генерал-губернаторлиги маркази булганидан кейин, руслар шахарнинг европача кисмини ташкил қиладилар. Самарканд Россия империясининг чегара шахри булганлиги учун асосий эътибор харбий объектлар - казармалар, харбий

: мборхоналар, арсенал ва офицерлар учун уйлар курил иш ига каратилди, чейинчалик маъмурий ва диний объектлар курилди. Курилиш ишлари 1868 йилдан калъа атрофини тозалаб, эспланада курилишидан бошланди. Кейинчалик Регистон чайдонига кеиг магистрал йул ёткизилди [3.8, 79 б.]. Хдрбий махкама ва кушинлар калъа ичидаги барча бинолар ва якин жойлашган махаллаларнинг уйларида жойлашди. Масжидда округ бошлигининг концелярияси, Али мадрасасида камокхона, якинидаги Юсуфбой мадрасасида халк ичида шухрат козониш максадида махаллий ах,олини бепул даволайдиган шифохона жойлаштирилди. Чор Россияси армияси Узбекистоннинг йирик шахарлари: Тошкент, Жиззах, Самарканд, Бухоро, Фаргона, Кукон каби шахарларини истило килади. Босиб олинган

хар бир шахарда улар уз куними ва тинчлигини таъминлаб булгач, узлари ва армиясининг эркин жойлашиши, шахарлар ва округларни бошкариш, улкадаги уз вазифаларини бажариш максадида шахарсозлик ва меъморчилик ишларини бошлаб юборади. Шахдрларнинг эски кисми эса узгаришсиз У$^{3}$ холича колдирилади. Чор Россияси армияси эгаллаган тарихий шахарларда узлари учун шахарнинг янги "европача" кисмини шакллантирадилар. Шахарларнинг янги кисмида армия батальонлари, рус чиновниклари ва уларга хизмат курсатувчи русийзабон ахоли жойлаштирилиб, уларнинг эркин ва осойишта европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берил'ади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб, то христиан дини ибодатхоналаригача курилади. Бинолар жойлашувига бахо берадиган булсак, янги шахар режавий ечимида аник маданий-жамоа марказ йуклигини англаймиз. Шахарнинг ядросини асосан калъа ташкил этиб, колган бинолар кучалар кесишган бурчакларнинг бадиий ечим максадида жойлаштирилганлигини курамиз. Савдо, маиший ва тураржой бинолари бир каватли булиб, куплари хом гиштдан курилиб, пишик гишт билан пардозланган [1.1.35, 96 б.].

Фаргона водийсида хар бир уезд шахарларида - Кукон, Маргилон, Андижон, Наманган, Чует ва Ушда рус калъасидан кейин биринчи навбатда анъанавий бинолар комплекслари курилиши мулжалланган. Маъмурий бинолардан уезд хокимлиги, газначилик биноси, камокхона, почта-телеграф станцияси ва контора, уезд бошлигининг уйи; диний бинолардан - шахар черкови, харбий бинолардан **Харбин** йиғилиш биноси, казарма, лазаретлар; таълим муассасаларидан - мактаблар, катта шахарларда гимназия ва укув юртлари; согликни саклаш муассасаларидан - амбулатория, аёллар касалхонаси, умумий турдаги кичик касалхоналар ва дорихоналар курилган. Куплаб бинолар инженер В. С. Гейнцельманнинг лойихалари асосида курилар эди [2.7, 105 б.].

Губернатор уйининг икки каватли биноси мураккаб тархга эга эди. Бу тархда (67,3*27,5) асосий икки каторли хоналардан иборат корпусдан, туртта

ёрдамчи блоклар ажралиб чиккан. Асосий тарзда унинг аркадага эга булган марказий кисми ажралиб турар эди [2.7, 105 б.].

Россиядаги Октябрь инкилобидан сунг шуролар даври меъморчилиги эмоционал бурттирилиб, уша даврнинг белги ва сифатларини намоён этди. Янги сиёсат мафкурасини ёркин, символик ва тушунарли меъморий шакллар билан курсатиш анъанага кирган эди. Бу давр романтик символизм даври булиб, меъморчиликда гигант ва ёркин шакллар оркали революцион хдракатнинг сунмас мафкурасини курсатиш одатий тусга кирган эди. Янги мафкуранинг жорий этилиши натижасида меъморчиликда янги турдаги жамоат бинолари: ишчилар саройлари, клублар, театрлар, шифохоналар, болалар богчалари ва бошка бинолар яратйЛди. Тошкент шахрининг узида инкилобдан кейин 167 та болалар богчалари, 56 та ясли, 60 та шифохоналар ва 90 та поликлиникалар курилди. Инкилобдан олдин шахарда 15 та укув муассасалари мавжуд булган булса, кейинчалик 114 та урта мактаблар, 35 та техникумлар ва 16 та олий укув муассасалари ташкил этилди [1.1.35,7 6.].

## 3.2 Маҳаллар архитектурасининг истиқболдаги тараққиёти

Самарқанд шаҳри дастлаб Алп Эр Тунға номли машхур ва донишманд инсон раҳбарлиги остида жонли организм тарзида, маҳаллаларнинг куртаги сифатида шакллана борди. Шунга кўра, бу ерда пайдо бўлган биринси маҳаллалар сомонийлар (IX-X асрлар), қорахонийлар (XI-XII асрлар)ҳукмронлиги даврига бориб тақалади деб ҳисоблашга ҳақлимиз. Масалан, Чокардиза қабристони билан боғлиқ бўлган маҳалла IX асрда шахарнинг жанубий шарқий қисмида пайдо бўлган. Бу кабристон жахондаги энг нуфузли қўйиндилардан биридир. “Қандия” китобида ёзилишича,Маккадаги Муалла,Мадинадаги Бахия қабристонларидан кейин у учинчи ўринди туради. [1] самарқанднинг ривожланиши ва янгидан янги маҳаллаларнинг пайдо бўлиши XIV асрнинг иккинчи ярмидан, яъни Амир

[1] “Қандия” –Самарқанд , “Суғдиёна”,1994.,12-б.

Темур бу масканни марказлишган йирик давлатнинг пойтахти этиб танлагандан кейин бошланди. Соҳибқироннинг фикри бўйича бу қадим маскан жаҳондаги донгдор шаҳарлардан бири бўлиб қолиши керак эди. Шунги учун ҳам Самарқанд атроқида ўзи бриш қилган мамлакатларнинг бош шаҳарлари номи билан аталадиган Бағдод, Дамашқ , Миср, Шероз,Султония қишлоқларини қурдирди. Олтин Ўрда, Хуросон, Озарбайжон, Арманистон, Эрон, Карман, Месопотамия ва бошқа мамлакатлардан ҳамда вилоятлардан ҳунармандларни Самарқандга кўчириб келтирди. Бундан асосий мақсад шаҳарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш эди.

Амир Темур Эронда эришган ғалабаси натижасида Шероз ва Исфахондан машхур усталарни келтириб, Гўри амир ва оқсарой обидаларини бунёд этди.[1] Қорахонийлар замонида (1153-йилда)Самарқанд шахрида 18 та кўча ва 8 та маҳалла пайдо бўлди.[2] М.Абрамов "Гузари Самарканда" рисоласида Доризанжир махалласининг номланишини ақидапарастлар аёлларнинг кўча-куйда кўринишини гуноҳ ҳисоблаб,маҳалла эшигини доимий равишда беркитиб қуйгани учун Қулқланган эшик"-Доризанжир"деб аталган деб хатога йўл қуйган. Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" ва Мирзо Улуғбекнинг "тўрт улус тарихи асарларида айтилишича, Амир Темур замонида бу маҳалла "Ҳаётихони" деб аталиб, катта маҳалларлардан бири бўлган. Бу ерда Чинизийлардан ўттиз иккинчи хон Суюрғатмиш ва ўттиз учинчи хон Маҳмудхон оиласи яқинлари ва мулозимлари билан истиқомат қилишган. Шунингдек бу маҳаллада Соҳибқиноннинг аёлларидан бирига тегишли работ ҳам бўлганлиги сабабли бошқа маҳаллалардан бошқа маҳаллалардан баланд девор билан девор билан ажратиб олинган ва бир эшикдан кириб чиқилган. Занжирланган эшик-"Доризанжир" деб аталишнинг сабаби шундадир.[3]

---

[1] "Ижтимоий фикр".2001 йил 1-сон,124-б

[2] Социология. Маҳаллаларнинг моҳияти тушунчаси"-Самарқанд,2001., 77-б

[3] Абрамов М.Гузари Самарканда.-Ташкент, "Ўзбекистан".,Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи.-Т.1994, 339-376-б., Абу Тоҳирхўжа.-Самария.-Т.,1994,74-б

XVI асрда Самарқандда ҳунармандчиликнинг 61 тури мавжуд бўлган.[1] Бир хил буюм таёрлаган ҳунармандлар цехларга бирлашганлар вашаҳарнинг муайян қисмида жойлашганлар. Натижада маҳаллалар шу ҳунармандларнинг касби номини олган. Жумладан, Заргарон (олтин билан ишлайдиган усталар),Сўзангарон( игна ясайдиган усталар), Чармгарон (кўн ишлайдиган усталар), Харратон (ёғочга ишлов берувчилар), Зингарон (отга афзал ясайдиган усталар), Кулолон (сопол идишлар ясайдиган усталар), Шарбатдор( ширинликлар ясайдиган усталар) ва бошқалар пайдо бўлган.[2]

Садриддин Айний 1926- йил 29- мартда "Самария" китобининг аҳамияти тўғрисида ёзган хатида "Самарқанднинг ҳозирги ободлиги Шоҳмуродбийнинг беклигидан бўлиб,ҳижрий 1215(милодий 1809) йилда Шоҳмурод ҳукмролигининг охирги йилида бир шаҳар тусига киргизилди. Ушбу йилларда Шоҳмурод самарқанд шаҳрида 24(гузар) маҳалла бино қилиб Ўратепа,Ховос,Зомин ва бошқа ёқлардан кўчирилиб келтирилган кишиларни оқ уйли-чодирли маҳалларларга ўрнаштирди. Самарқан Чорсусидаги тоқ, Пойқовоқ, Шоҳи Зинда, Қаландархона ва Сўзангарон дарвозаларида иморат қилдилар" деб ёзиши бежиз эмас эди.[3] Кўчириб келтирилганлар қайси шаҳар ва қишлоқлардан келтирилган бўлсалар, Самарқандда ўша жойларнинг номлари билан маҳалалар пайдо бўлди: Тошкент, Хўжанд, Шахрисабз, Дахбед, Ғиждувон, Ховоси, Зомини, Ёмини, Ўратепа ва бошқалар шулар жумласидандир. Янги ташкил топган бу маҳаллаларда оқсоқоллар тайинланд, масжидлар қурилиб кучирилиб келтирилганлар кетиб қолмаслиги учун тадбирлар кўрилди. Кўчириб келтирилган аҳоли ўзи билан шаҳар ва қишлоқ қурилиши анъаналарини ҳам олиб келди. Шу сабабли Самарқандда пайдо бўлган 24 маҳаллада уй жой тарзи бир бутунликка эга эмасди, бир-бирига ўхшамасди.

Н.Б.Ханиковнинг ёзиши бўйича,1814-йилда Самарқанд шахри баланд пахса девор билан ўраб олинган бўлиб, истеҳком ва миноралар ўрнатилиб, олтита

[1] Б.Ахмедов.Тарих сабоқлари.-Тошкент.1994,487-б
[2] Ҳ.Исаев.Ж.Исаев. Маҳалалларнинг ўтмиши ва бугуни" I қисм.Зарафшон.,2004.16-б.
[3] Абу Тоҳирхўжа.-Самария.-Т.,1994.,68-б

дарвозаси бор эди. Кечаси шаҳарга кириш ва чиқиш ман қилинган. Шаҳарни ўраб олган деворнинг узунлиги 13,9 километр, умумий майдони 10,4 квадрат метрдан иборат эди.[1]

Бу даврда Самарқандда кўплаб боғлар,арик ва ҳовузлар тармоғи мавжуд эди, тошдан қурилган иккита карвонсарой, учта ҳаммом ишлаб турарди. Шу тарзда XIX аср ўрталарида Самарқанд шаҳри Бухоро амирлигида савдо ва ҳунармандчиликнинг иккинчи маркази бўлиб қолди. Бу даврда шаҳар аҳолисининг нуфузи 30 минг кишини ташкил этган.[2] 1869-йилдан бошлаб Самаранд Чор Россияси томонидан босиб олнгандан кейин шахар қиёфаси янада ўзгарди. Оврўпа удумидаги бинолар қурила бошланди, булар шаҳар янги қисмининг асосини ташкил этди. Бироқ мустамлакачилар қатор тарихий обидаларни вайрон қилди. Бунинг устига таъмирлашга мухтож меъморчилик ёдрогликларига умуман эътибор бермадилар, маблағ эса мутлақо ажратилмади. Бу сиёсатнинг оқибатини англатиш учун биттагина мисол келтириб ўтамиз. Қарийиб 40 йил мобайнида фақат 1908-йилда Панжобда масжид мадраса қурилиб ишга туширилди. Албатта бу савобли иш халқнинг кучи ва маблағи билан амалга оширилди. Панжоб ва унинг теварак атрофида жойлашган маҳаллалар ҳамда уларда истиқомат қилувчилар хусусида эса қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистондаги ғалабаси шарафига бу мамлакатнинг мусулмонлар истиқомат қиладиган штати номи билан Самарқанд чеккасидага қишлоққа Панжоб номини берган эди. Аслида эронлиларнинг Самарқандда ўрнашиб қолишлари сомонийлар (XI аср) давридан бошланган. XIV асрда Амир Темур Эронга қилган юришидан кейин кўплаб ҳунармандларни самарқандгат олиб келган, уларнинг аксарияти Панжобда жойлашган эди. 1521 йил баҳорида Ҳиротда қизилбошлилар томонидан уюштирилган тўполонлар натижасида эса Эрондан 17 минг оила Мовароуннаҳр шаҳарлари,жумладан Самарқандга келди. Булар орасида ҳунармандлар, олимлар, шоирлар бор эдилар. Бу

[1] Самарқанд тарихи, 1том –Тошкент,1969.302-б.
[2] С.Н.Абрамов. Из истории соц.политической жизни Самарканда в XIX век.-Ташкент.1990,35-37-б.

қочкинларнинг бир қисми Панжобга , яна бир қисми Хожа Аҳрори Вали мозорига яқин жойлашиб,Ҳирот қишлоғини ташкил этишади. XIX аср охирида Дарғомдан "Эронлилар канали" номини олган ариқ қазилиб, улар яшаётган мавзеларга сув келтирилди. Дамариқ, Йўнғичқаариқ,ўтган ҳудудда Панжоб, Хўжасихат, Боғишамол,Лолазор, Хаймар,Мингтут,Саид маҳалла,Бек маҳалла, Найман,Қулларбоғи, Хўжаназар маҳаллалари ташкил топди ва ривожланди.[1]

Қисқаси Самарқанд шахри маҳаллалари хонликлар даврида ҳам чор Россияси ҳукмронлиги даврида ҳам мавжуд эди, қизил империя амалга оширган жабр-жафолар ҳам улар фаолиятини тўхтатиб қўя олмади. Д.Левитин ва Д.С.Карлайл таъкидлаб ёзганидек, "Маҳалла ташкилоти ўзбек жамиятида жамоавийликнинг олий чўққиси саналади. Маҳаллий ҳамжамиятларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий шакли сифатида маҳалла асрларни қаритди. Ўзбек тарихининг тегирмонларидан бутун чиқди. [2]

Айрим маҳаллаларнинг тарихига қисқача назар соламиз. *Мир Саид Барака маҳалласи.* Бу маҳалла ҳудуди 1995-йилда Саид маҳалладан ажралиб чиққан тўрт ижтимоий тузилманинг биридир. Аслида бу ерда XIX аср охири XX аср бошидан аҳоли истиқомат қилиб, халқ тилида "Самарқанднинг рус қисми" деб юритилган. Ҳозирги Мир Саид Бака кўчасининг номи дастлаб Решетников, сўнгра Некрасов деб аталган. Туркистон жадидлари йўлбошчиси, ўзбек драматургиясининг асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳовлиси Решетников кўчасидаги 9-уйда жойлашганлиги , "Самарқанд" газетаси ва "Ойина" журнали таҳририятлари ва "Беҳбудия" кутубхонаси ҳамда нашриёти ҳам ҳам ушбу манзилда фаолият кўрсатганликлари ўша нашрларнинг чиқишга доир маълумотларида ёҳуд эълонларида қайд этилган.

---

[1] Ҳ.Исаев.Ж.Исаев.Самарқанд маҳаллаларининг ўтмиши ва бугуни.-Самарқанд.2004,22-б
[2] Д.Левитин,Д.С.Карлайл. Ислом Каримов-янги Ўзбекистон Президенти.-Т.1969.

Ишга туширилганидан бери бир бир асрдан ортиқ вақт ўтган Ховренко номидаги вино заводи нафақат маҳалла ҳудудидаги , балки бутун Самарқанддаги дастлабки саноат корхоналаридан биридир. XX асрнинг 30-йилларига келиб унга яқинроқ жойда “Деҳқон”номли қишлоқ хўжалик меҳнат қуроллари (омоч,мола, барона, кетмон, ўроқ) заводи қурилган. Иккинчи жаҳон уруши даврида у “Красный двигателъ” номи билан аталиб,қишлоқ хўжалик ва мудофаа техрикаси учун моторлар ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилган(ҳозирги “Алпомиш” ҳиссадорлик жамияти). Айни шу кезларда маҳалла ҳудудидаги собиқ Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилган. [1]

*Мустақиллик маҳалласи.* Маркази Челак кўчасининг 54- уйида жойлашган бу маҳалла 1994- йилда “Мустақиллик” номи билан ташкил этилганди. Унинг ҳудуди ўрта асрларда Самарқанд шаҳрининг чеккаси бўлиб, Амир Темур ҳукмролиги даврида Кўксарой ва аслаҳа устахонаси барпо этилиши билан унга деярлик қўшилиб кетган. XIX асрнинг охирларига келиб бу ердаги турар жойлар, жамоат бинолари тамомила қайта тикланган ва “Янги шаҳар”нинг бошланиш қисми бўлиб қолган. Маҳалла ҳудудида Самарқанд давлат тиббиёт институти, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ички ишлар бўлимининг ёнғинга қарши кураш бўлими, иккита умумий ўрта мактаб, 2-поликлиника, бош почтамт, “Регистон” меҳмонхонаси, “Мармар” деҳқон бозори, “Баҳор” савдо маркази банк каби кўплаб муассаса ҳамда ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.[2]

### 3.3 Самарқанд шаҳарсозлигида меъморий комплекс ва ансамбллар

Мустакиллик даврида эски шаҳарларимиз ҳудудидаги ансамблли яхлитлик маълум даражада қайта тикланди. Буни биз Самарканд, Бухоро, Шахрисабз, Хива ва бошка шаҳарларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

---

[1] Ҳ.Исаев.Ж.Исаев.Самарқанд маҳаллаларининг ўтмиши ва бугуни.-Самарқанд.2004, 45-46-б
[2] Ўша манба. 47-б.

Эски шаҳарлар худудида, қолаверса, янги шахар кисмида, ўтган асрдаги функционал шаҳарсозлик тамойиллари асосида пала-партиш қурилган бино ва иншоотлардан тозаланди ва тартибга келтирилди. Шахарларимизга етишмаётган кўплаб боғ-роғлар, кўкаламзорлаштирилган майдонлар, сув ҳавзалари ва фавворалар ташкил этилди. Бу билан шахарлар табиий мухити анча яхшиланди. Жамоат марказлари ансамбллари атроф-мухити ободонлаштирилиб, фавворалар билан микроиклим ташкил этилди.

Мустакиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмини қайта тиклашда улкан ишлар амалга оширилди. Авваламбор, ўрта асрларда шаҳар асосий буғинларини ташкил этган Регистон, Амир Темур ва Биби Хоним ансамблларининг атроф-мухити қайта тикланди. Уларнинг атрофида жойлашган тарихий обидалар меъморчилигига "бегона" объектлар тозаланди. Бу билан Регистон, Амир Темур, Биби Хоним ва Шохи Зинда ансамбллари ғоявий тарзда бир-бири билан бирлаштирилди. Аммо Амир Темур ва Регистон ансамбллари оралигида жойлашган беш қаватли типли тураржой уйлари бу ансамблларни боғлашга халақит бермокда (5-расм).

Регистон майдонининг яқинида жойлашган собиқ шўролар даврида курилган музей бузилиб, ўрнига кукаламзор боғ "Йўлбарслар майдони" барпо этилди (6- расм). Бу музей тарзи Регистон мадрасаларига ўхшатилиб тўғри туртбурчак ва ховлили тарзда қурилган эди. Аммо, музей ҳажмий-фазовий жихатдан мадрасалардан мутлақо фарк қилар эди. Унинг ер сатхи ва баландлиги мадрасалардан анча баланд бўлиб, уларни босиб қолгандай туюлар эди. Шунинг учун бу музей бузилди. Регистон ва Биби Хоним ансамбларини бир-бири билан боғлайдиган Тошкент кўчаси замонавий талаблар, миллий меъморчилигимиз тамойиллари асосида қайта тикланди. Ўрта асрларда савдо расталари кўчаси бўлган бу ерда, савдо дўконлари ва устахоналар замонавий талқинда қайта тикланди. Куча бошида жойлашган мавжуд икки қаватли универмаг баландлиги бир қаватга туширилди. Шунинг билан Регистон ва Биби Хоним ансамбллари бир-бири билан боғланди.



*5-расм. Самарқандшаҳридаги меъморий ансамблларнинг ҳозирги ҳолати.*



*6-расм. Самарканд. Регистон майдони атрофида ташкил этилган "Йулбарслар майдони".*

Амир Темур ансамбли. Худудда микроиклим яратиш учун, фавворалар ва сув хавзалари жойлаштирилди (7-расм).

Атрофидаги собиқ шўролар даврида пала-партиш қурилган "Табассум" кафеси, "Зангориэкран" устахонаси, спирт заводи ва бошқа бинолар бузилиб,

ўрнига миллий меъморчилик анъаналари асосида боғлар яратилди. Бу ишлар натижасида бинолар ичида кўринмай қолган Амир Темур ансамбли ҳар томондан яхши кўринадиган бўлиб, янги чирой очди ва Регистон ансамбли билан боғланди. Булварнинг бошида эски шахар қисмига қаратиб Амир Темур ҳайкалининг қуйилиши композициянинг бошланишини билдириб, бу ансамблларни янада қуллаб-қувватлайди.



*7-расм. Самарканд. Амир Темур мафараси ансамбли атрофида бажарилган бунёдкорлик ишлари.*

Мустақиллик йилларида Бибихоним ансамблида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, Бибихоним мадрасасининг пойдеворлари очилди. Унинг таркибида сомонийлар ва қорахонийлар даврига мансуб ғиштдан ишланган пойдевор қолдиклари мавжуд. Фасад марказида улкан пештоқ, икки бурчагида 2 та минора бўлган [3.26, 34 б.]. Довлининг тўрида Мадраса композициясига муттасил қилиб, Бибихоним макбараси жойлаштирилган. Қайта тиклаш ишлари натижасида Бибихоним мақбараси тикланиб, **Мадраса** деворлари кўтариб қўйилди (8-расм).

Ансамблсозлик тамойиллари меъморий лойихалаш ва шахарсозликнинг юкори поғонаси ҳисобланади. Шунинг учуншаҳарсозликда ансамблсозлик тамойилларига кўпрок эътибор бериш керак. Келажакда шахарсозликда иқтисодий самарадорлик, функционал қулайлик ва бадиий уйғунликка

эришиш максадида меъморий ансамблсозлик ва комплекс тарзда лойиҳалашнинг миллий анъаналаримиз тамойиллари асосида ва замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориш керак. Меъморий ансамбларсиз шахар қиёфаси бадиий жиҳатдан монотон ва зерикарли тус олади. Ундан ташкари, ансамбллар шаҳар структурасида мўлжал вазифасини бажаради.




*8-расм. Самарқанд. Бибихоним ансамблининг юқоридан кўриниши.*

Меъморий ансамбль ва комплекслар шаҳар ва туман марказларининг асосий элементиҳисобланади. Уларнинг тархий ва функционал боғланишлари транспорт магистраллари, кўчалар ва пиёда йўлаклари билан шаҳар тархий тузилишини ташкил этади. Бу тизимда ансамбль ва комплекслар меъморий доминантлар ролини ўйнайди. Буни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва бошка шахарларимизнинг марказлари мисолида кўришимиз мумкин. Ансамбль ва комплекслар халқнинг жамоавий эҳтиёжини қондириб, тарихдаги маълум даврнинг ижтимоий, маданий ва техник ривожланганлигини кўрсатади.




9-расм. Кучаларда ансамбллар ташкил этиштаклифи. 1.,2. Кучаларда "чунтак" тарзидаги майдончаларни ташкил этиш. 3.,4. Т - шаклидаги чорра^аларда уйгунлашган ансамбллар ташкил этиш. 5 - Биноларни ягона ук; асосида жойлаштириш, 6- Биноларни узаро перпендикуляр кесишган уклар асосида жойлаштириш. С.Маноев бўйича)

XVI –XIX асрларда шаҳар маҳалалари ва қишлоқ марказларида, аҳоли яшаш жойлар ораликқларида ҳамда чеккаларида, карвон тухтайдиган жойларда, муқаддас табиат ўчоқлари (бирор бир булоқ,дарахт тош, сой, сингари) ва авлиё анбиёлар саждагоҳи ёки қароргоҳлари қошида пайдо бўлган ансамбллар ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Уларнинг асосий элементлари ҳовуз, масжид, хужра ва бир қатор бошқа хоналар ёки иншоотлардан иборат. Маҳалла ансамбллари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз,Қўқон, Ғиждувон, ва қишлоқ ташқарисидаги ансамбллар сирасига эса Самарқанд вилоятидаги Ҳожа Аҳрор, Хўжа Исмоил Бухорий, Маҳдуми Аъзам, Қашқадарё вилоятидаги Хусам ота, Касби қишлоқларидаги ансамбл,Бухоро вилоти ҳудудигаги Қиз биби, Хожа Убон ва Қосим Шайх сингари кўпгина ансамблларни киритиш мумкин. Уларнинг аломати шундаки, ҳовуз, булоқ, ёки қудуқ атрофада бир неча йиллар давомида одамларнинг тўхтаб штиши, сиғиниши ва дам олишига хизмат қиладиган қатор иморатлар туркуми эркин тарзда , узлуксиз кенгайиши сифатида шаклланган. Шуларни эътиборга олиб, бундай ансамбллар илмий адабиётда шаклланиш композицияси жиҳатидан эркин тарздаги ансамбллар (“свободная” ёки “живописная композиция”) номини олган.[1]

## III БОБ ХУЛОСАСИ

XX асрда шаҳар худудида тасодифан пайдо бўлиб, меъморий ёдгорликлар ҳуснини бузаётган ва уларни кўришга тўсқинлик қилаётган Рухобод макбараси худудидаги "Таббасум" кафеси, Спирт заводи, ҳаммом, телевизион устахоналар бошкармаси, тажриба заводи каби бир катор бадиий аҳамиятга эга бўлмаган бинолар олиб ташланди. Регистон меъморий мажмуаси атрофини тўсиб турган кинотеатр, ресторан, универмаг, чала ётган уч каватли хусусий банк бинолари олиб ташланди.

[1] А.С.Уралов;У.А.Хушвақтов.Регистон майдони – меъморий ансамбллар ҳақида тушунча ва уларнинг Ўрта Осиёдаги турлари. “Регистон майдони-шарқ миллий меъморчилигининг нодир намунаси” конференция материаллари. Самарқанд. 2016.16-б.

Тиллакори мадрасаси орка томонидаги пала-партиш курилиб колган хусусий иморатлар томонда Юртбошимиз ғояси асосида Мадраса безагига мос тушадиган девор тикланди;

-Давр тақозоси билан истеъмол ва ишлаб чикариш қобилиятини йўқотган улкан саноат корхоналари ўрнида янги, ихчам ишлаб чиқариш фирмалари бунёд этилди;

-Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга имкон берадиган корхоналар шахар структурасига киритилди;

-Янгича шахарсозлик кучлари - туризм индустрияси объектларини бунёд этишга катта ахамият берилмокда. Жумладан, 30 дан ортик хусусий мехмонхоналар эски шахар структурасига ўринлаштирилди.

Энг мухими шуки, Афросиёб қалъасини музей қўрикхонага айлантириш, трикотаж фабрикаси, спирт заводи ва тажриба заводлари сингари саноат корхоналарини эски шахар худудидан чиқариш масаласи сўнгги 35-40 йил давомида бир неча марта кўтарилиб келинаётган эди. Хаттоки, 1976 йилда собик Ўзбекистан Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Афросиёбни музей-қўрикхонага айлантириш ҳақида қарори хам чиккан эди. Аммо, ўша даврдаги қарорлар хам, лойихалар ҳам қоғозда қолиб кетаверар эди. Мана энди эса, қўлансаҳид ва шовкин бериб турган саноат корхоналари эски шахар ҳудудидан чиқарилиб, Афросиёб қалъаси музей-қўрикхонага айлантирилди.

Самарқанд шаҳри дастлаб Алп Эр Тунға номли машхур ва донишманд инсон раҳбарлиги остида жонли организм тарзида, маҳаллаларнинг куртаги сифатида шакллана борди. Шунга кўра, бу ерда пайдо бўлган биринси маҳаллалар сомонийлар (IX-X асрлар), қорахонийлар (XI-XII асрлар)ҳукмронлиги даврига бориб тақалади деб ҳисоблашга ҳақлимиз.

Амир Темур Эронда эришган ғалабаси натижасида Шероз ва Исфахондан машхур усталарни келтириб, Гўри амир ва оқсарой обидаларини бунёд этди.[1] Қорахонийлар замонида (1153-йилда)Самарқанд

[1] “Ижтимоий фикр”.2001 йил 1-сон,124-б

шахрида 18 та кўча ва 8 та маҳалла пайдо бўлди.[1] М.Абрамов “Гузари Самарканда” рисоласида Доризанжир махалласининг номланишинни ақидапарастлар аёлларнинг кўча-куйда кўринишини гуноҳ ҳисоблаб,маҳалла эшигини доимий равишда беркитиб қуйгани учун Қулқланган эшик”-Доризанжир”деб аталган деб хатога йўл қуйган. Абу Тоҳирхўжанинг “Самария” ва Мирзо Улуғбекнинг “тўрт улус тарихи асарларида айтилишича, Амир Темур замонида бу маҳалла “Ҳаётихони” деб аталиб, катта маҳалларлардан бири бўлган. Бу ерда Чинизийлардан ўттиз иккинчи хон Суюрғатмиш ва ўттиз учинчи хон Маҳмудхон оиласи яқинлари ва мулозимлари билан истиқомат қилишган. Шунингдек бу маҳаллада Соҳибқиноннинг аёлларидан бирига тегишли работ ҳам бўлганлиги сабабли бошқа маҳаллалардан бошқа маҳаллалардан баланд девор билан девор билан ажратиб олинган ва бир эшикдан кириб чиқилган. Занжирланган эшик-“Доризанжир” деб аталишнинг сабаби шундадир.[2]

XVI асрда Самарқандда ҳунармандчиликнинг 61 тури мавжуд бўлган.[3] Бир хил буюм таёрлаган ҳунармандлар цехларга бирлашганлар вашаҳарнинг муайян қисмида жойлашганлар. Натижада маҳаллалар шу ҳунармандларнинг касби номини олган. Жумладан, Заргарон (олтин билан ишлайдиган усталар),Сўзангарон( игна ясайдиган усталар), Чармгарон (кўн ишлайдиган усталар), Харратон (ёғочга ишлов берувчилар), Зингарон (отга афзал ясайдиган усталар), Кулолон (сопол идишлар ясайдиган усталар), Шарбатдор( ширинликлар ясайдиган усталар) ва бошқалар пайдо бўлган.[4]

Мустакиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмини қайта тиклашда улкан ишлар амалга оширилди. Авваламбор, ўрта асрларда шаҳар асосий буғинларини ташкил этган Регистон, Амир Темур ва Биби Хоним ансамблларининг атроф-мухити қайта тикланди. Уларнинг атрофида жойлашган тарихий обидалар меъморчилигига "бегона" объектлар

---

[1] Социология. Маҳаллаларнинг моҳияти тушунчаси”-Самарқанд,2001., 77-б
[2] Абрамов М.Гузари Самарканда.-Ташкент, “Ўзбекистан”.,Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи.-Т.1994, 339-376-б., Абу Тоҳирхўжа.-Самария.-Т.,1994,74-б
[3] Б.Ахмедов.Тарих сабоқлари.-Тошкент.1994,487-б
[4] Ҳ.Исаев.Ж.Исаев. Маҳалалларнинг ўтмиши ва бугуни” I қисм.Зарафшон.,2004.16-б.

тозаланди. Бу билан Регистон, Амир Темур, Биби Хоним ва Шохи Зинда ансамбллари ғоявий тарзда бир-бири билан бирлаштирилди. Аммо Амир Темур ва Регистон ансамбллари оралигида жойлашган беш қаватли типли тураржой уйлари бу ансамблларни боғлашга халақит бермокда (5-расм).

Регистон майдонининг яқинида жойлашган собиқ шўролар даврида курилган музей бузилиб, ўрнига кукаламзор боғ "Йўлбарслар майдони" барпо этилди (6- расм). Бу музей тарзи Регистон мадрасаларига ўхшатилиб тўғри туртбурчак ва ховлили тарзда қурилган эди. Аммо, музей ҳажмий-фазовий жихатдан мадрасалардан мутлақо фарк қилар эди. Унинг ер сатхи ва баландлиги мадрасалардан анча баланд бўлиб, уларни босиб қолгандай туюлар эди. Шунинг учун бу музей бузилди. Регистон ва Биби Хоним ансамблларини бир-бири билан боғлайдиган Тошкент кўчаси замонавий талаблар, миллий меъморчилигимиз тамойиллари асосида қайта тикланди.

## IV БОБ. МАВЖУД ШАҲАРСОЗЛИК АНЪАНАЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг республикани ривожлантиришнинг бозор иктисодиётига асосланган йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу йўналишларни амалга ошириш учун ўз навбатида замонавий шахарсозликни янги талаблар асосида ривожлантиришни такозо этди. Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов рахбарлигида мамлакатимиз шаҳарларининг талай архитектуравий шаҳарсозлик лойихалари амалга оширилди. Шахарлар марказлари, уларнинг тарихан шаклланган "эски шахар" қисмлари қайта тикланди. Янги-янги тураржой бинолари, замонавий мехмонхоналар, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари, бозорлар қад кўтарди. Якка тартибдаги лойихалар бўйича тураржой уйлари курилишида катта имкониятлар очилди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакат шаҳарларининг инфраструктурасини қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Йуллар, кўприклар ва бошка мухандислик иншоотлари барпо этиш бўйича улкан

бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жаҳон бозори билан қулай ва энг қиска йул орқали алоқа ўрнатишга интилиш Ўзбекистон Республикасининг стратегик жихатдан мухим вазифаси бўлиб қолди. Мазкур масалани ҳал этишда мамлакат рахбарияти танлаган йўл - тарихан юзага келган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш йўли амалда тўла руёбга чиқарилмокда [1.1.67, 4 6.].

Ўтган асрда бажарилган илмий тадқикотларни таҳлил қилиш ва тизимлаш асосидаги шаҳарсозлик амалиёти ва лойихалаш натижаларини олиб қарасак, у бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Олдингидек қаттиқ чекланган ва деталлаштирилган таклифларга нисбатан хозирги даврда одамларнинг қулай ва хавфсиз хаётгузаронлиги учун мухим масалаларни замонавий тамойиллар асосида ҳал этиш керак. Шахар бош режаларида эски шахар қисмининг инфратузилмасини ҳал этиш, маданий меросни сақлаш, боғ-паркчилик санъатини қайта тиклаш ва экологик муаммоларни хал этиш, мухандислик-транспорт тизимларини ва халк хўжалиги тармоклари муаммоларини кечиктирмасдан ҳал этиш[1.1.67, 97 б.].

Мустакилликдан кейин биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан меъморчилик ва шаҳарсозлик муаммоларига катта эътибор берилиб, мухим қонун, қарор ва директив ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба 2002 йилда Олий Мажлис томонидан "Шахарсозлик кодекси" қабул қилинди. Бу хужжат Ўзбекистон шахарсозлигининг янги боскичида мухим хужжат хисобланади.

Республика меъморлари янги ташкил этилган лойиха ва илмий текшириш институтларида ўз ижодларини кўрсатаяптилар. "Тошкентбошплан ЛИТИ" лойиха институтида Тошкент шаҳрининг бош режаси, Тошкент вилоятини туманлаштириш бош режаси, Чимён-Чорвоқ дам олиш масканини ривожлантириш схемаси, Самарқанд шаҳрининг бош режаси ва бошка лойиҳалар бажарилмокда.

"Ўзшахарсозлик ЛИТИ" лойиха института томонидан Наманган, Навоий, Урганч, Қуқон, Термиз ва бошка шахарларнинг муфассал лойиҳалари (ПДП)

янги замон талаб ва шартлари асосида бажарилди. Бундан ташкари, Исломобод туман марказининг детал планировкаси, Тўракургон, Асака, Пайтуғ, Мархамат, Ғиждувон, Ромитан, Шахрисабз, Китоб, Булунғур, Ургут, Нукус, Қўнгирот ва Беруний шаҳарларининг бош режалари ишлаб чиқилди. Шуниси кувонарлики, бу лойихаларнинг кўпчилиги амалга оширилмокда [3.23, 14 б.]. 4

Ҳозирги кундаги шахарсозликнинг катта тезлик билан ривожпанаётганлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги шахарлар киёфаси олдинги XIX-Ххасрларшаҳарларидан контраст тарзда фарққиляпти. МД.Ахмедовнинг таъкидлашича, хозирги меъморчилик ва шаҳарсозликнинг янгиланиши учта тамойилга асосланган[5.2, 83 б.]. Булар:

1. Бутун жаҳон меъморчилигини бир хилликка олиб келган "халкаро услуб" яъни функционализм тамойилларидан воз кечилиши.

2. Компьютер технологиялари ва илмий-техника тараққиёти натижасида янги технологик имкониятларнинг туғилиши.

3. Глобаллашув жараёнларининг таъсири (ташки инвестиция институтларининг, халкаро трейдинг, холдинг ва бошка компанияларнинг пайдо булганлиги)

Биз тарихий бир даврда - буюк ўзгаришлар ва янгиликлар даврида яшаяпмиз. Республикамизнинг мустакилликка эришуви, бозор иктисодиётига ўтиш, шаксиз жамият ишлаб чиқаришининг ривожланишига туртки бўлиб, бу кучларни барпо этиш, бунёд қилиш каби мақсадларга йўналтиради. Стагнация ва турғунлик, собиқ шўролар тузумининг тугатилиши билан вужудга келган ва бошка негатив холатлар аста- секинлик билан ортда қолмокда. Ахоли фаровонлиги яхшиланиб бориши оммавий тураржой ва фукаролик қурилишининг ривожланиши учун керакли шароитларни, буқурилиш эса хозирда объектлар сонининг ошиши билангина эмас, балки уларнинг меъморчилигида сифатли ўзгаришлар билан ҳам давом этмокда. Хайрат ва коникиш билан шу нарсани кузатиш мумкинки, факат шахарда эмас, балки кишлокда хам нестандарт, ноодагий кизикарли бадиий

(меъморий) образли объектлар сони ортиб бормокда. Индивидуаллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб турувчи баъзи бир бу объектлар ўтган асрлардаги сарой қурилмалари ва данғиллама уйларни эслатади. Баъзилари эса ультразамонавийликка интилишади. Аммо, уларнинг хаммаси шаксиз ўз эгаларининг маданияти ва эхтиёжларининг юкори даражада эканлигини кўрсатади, уларнинг дунёкарашини акс эттиради ва шакллантиради, ўзига хосликни яратади.

Мустакиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлабок, республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва бошка нуфузли хамда тарихий шаҳарларнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий, шахарсозлик ва меъморчиликнинг ривожига катта эътибор қаратди. Бугунги кунда Тошкент, Бухоро, Фарғона, Марғилон, Андижон ва умуман барча вилоятлар марказлари қайта қурилди ва қурилмоқда. Президентимизнинг нигохи тушган ана шундай шахарлардан бири Самарқанд бўлди. Самарқанд шахрида биз сўз юритаётган сохадаги ишлар бир неча йўналишларда олиб борилди [3.25, 23 б.]. Улардан:

**Биринчи йўналиш,**шаҳар кўчалари, майдонлари, унинг энг нуфузли таркибий қисмларини мустакиллигимиз ривожи, истиклол мафкураси, аҳолининг маиший турмуш тарзи ва бозор иктисодиёти талабларига мос холда тартибга тушириш бўлди.

**Иккинчи йўналиш,**бу шаҳар худуди бўйлаб янги ижтимоий тараккиёт тамойилларига асосланган маиший-маданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва иктисодий тараккиёт, саноат ва ишлаб чикариш бозор ва савдо объектларини қуриш ва жойлаштириш бўлди.

**Учинчи йўналиш,**бу шаҳарнинг тарихийлиги ва умумжахон мавкеини эътиборга олиб, шаҳарнинг тарихий қисмини, ундаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш, замонавий ижтимоий ва туризм максадларига мослаштириш ва шу йул билан уларни келажак авлодлар учун асраб колиш сохасидаги ишлар булди.

**Туртинчи йўналишдаги** ишлар эса ахолининг дам олиши, шахар иқлими, экологияси ва ландшафтини яхшилашга қаратилди, яъни ташқи очик мухитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, янги боғ ва парклар, хиёбонлар ташкил килиш ва шакллантириш бўлди.

**Бешинчи йўналиш** эса шаҳар коммунал хаётини яхшилаш, му-хандислик ободонлаштириш ва жихозлаш, бу ишларни амалда жонлантиришга қаратилди.

Маълумки, бу йўналишларнинг барчаси меъморчилик ва шахарсозлик ҳамда шахар қурилиши ишлари билан боғликдир. Айнан шу мақсадда мустақиллик йилларида Самарканд шахрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача мулжалланган шаҳарсозлик бош режаси ишлаб чиқилиб тасдикланди ва фойдаланишга топширилди (12-расм).

Энди эътиборни ушбу йўналишларда Самарқанд шахрида мустақиллик даврида бажарилган ишлар таҳлилига қаратсак. Биринчи йўналиш бўйича мустакиллик даврида шаҳарнинг ҳар иккала, яъни янги ва эски шахарлар марказий қисмлари ва уларга туташувчи магистрал кўчалар йўналишлари тўғриланди, уларнинг эни кенгайтирилди, янгидан асфальт ётқизилиб текисланди, мустаҳкамланди, кўчалар атрофидаги тротуарлар, ариқлар обод холга келтирилди, дарахтларнинг шакл-шамойили тузатилди, эскирганлари олиб ташланиб янгилари экилди, янги кўчалар қурилди, улар тасвирий ойналар ва реклама элементлари билан безатилди. Бир сўз билан айтганда, мустакиллик йилларида дастлаб шаҳар кучаларининг архитектурасига катта эътибор берилди. Уларнинг функционал ва бадиий-эстетик муҳити яхшиланди, меъморий сифат даражаси ошди. Бироқ, бу ишлар шахарнинг фақат марказий нуфузли меъморий қисмлари доирасидагина амалга оширилди холос. Тушуниш мумкинки, улар шахарда биринчи навбатда бажарилиши зарур бўлган ишлар қаторига кирди, яъни мустақил хаёт бошлаганига эндигина 25 йил тўлган Самарканд шаҳининг имкониятлари доирасидаги ишлар асосан бажарилди.



